Савдо-маиший марказларни лойиҳалашда, яна бир асосий эътибор бериладиган жиҳат, бу табиий ёритилганликдир. Ёруғлик муҳитини лойиҳалашда ишчи хонанинг табиий ёритилганлиги учта ўзаро боғланган компонентларини яъни, ташқи тўсиқ конструкциялари орқали ишчи хона фазосига кирувчи ёруғлик оқимини хона ичи текисликлари ва юзаларидан қайтувчи ёруғлик ҳамда хонадаги ёруғлик даражасини ҳисобга олишни талаб этади.

Савдо-маиший марказлари асосан, атриумли схемада лойиҳаланади. Бунда, табиий ёритилганлик муаммоси ишчи хоналарнинг чуқурлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги айниқса, биноларда жиддий кўриниш олади.

Одатий режа асосида амалиётда лойиҳала-

надиган хоналарни ёритилганлик бўйича ҳисоблаш усуллари атриумли бинолар учун яроқсиз бўлиб қолади.

Чунки, атриумли биноларда нурлар ишчи юзага тушгунга қадар бир неча марта қайтарилади.

Шунинг учун, бундай биноларда чуқур бўлмаган хоналар периметри бўйича дераза ўринлари орқали ёритиш мумкин. Бунда, қўшимча ёритиш воситалари талаб этилмайди. Аксинча, чуқур бўлган хоналарда қисман табиий ёритилганлик ва қисман сунъий ёруғлик манбаларидан фойдаланиш (интеграл ёритишни қўллаш) самарали ҳисобланади.

Бунда оптимал иқтисодий самара олиш учун табиий ва сунъий ёруғлик ўзаро махсус бошқариш системаси орқали боғланиши керак. Бино структурасини энергияни тежовчи жиҳати сифатида аниқловчи электротехник концепцияни атриумли бино мисолида кўриб чиқамиз. Атриумли биноларни лойиҳалашда икки ҳодиса: оранжерея эффекти ва аэродинамик тортувчи куч эффекти учрашиб, улар қулайлик даражасини яхшилаши ёки ёмонлаштириши мумкин. Оранжерея эффектида-ёруғлик нурини ташкил этувчи қисқа тўлқинлар шишадан ўтиб интерьерни иситиб юбориши мумкин.

Шундай қилиб қуёш иссиқлиги интерьерда тутилиб қолиши қишда ижобий рол ўйнаса, ёзда салбий эффектни ҳосил қилади. Ҳавони тортувчи куч ҳодисаси турли хил баландликда ҳаво босимининг фарқи билан аниқланади. Иссиқ ҳаво ёпиқ ҳажмда пастдан юқорига қараб ҳаракатланади. Бу тортувчи кучдан вентиляцияни таъминлаш учун самарали ишлатиш мумкин.

Бу икки ҳодиса Марказий Осиё ҳудудида айниқса, кескин континентал (ёзи-жазирама иссиқ, қиши-совуқ) бўлган Ўзбекистон ҳудудида сезиларли таъсирга эга, шу сабабли уларни жиддий ўрганиш ва лойиҳалаш жараёнида тўғри қўллаш ҳамда лойиҳаланаётган мажмуа марказларни иқлимий шароити учун ҳароратни тартибга олиб муаммоси анча жиддий масала бўлиб қолади.

Вилоят марказларида қуриладиган савдо-маиший марказлари аввало аҳоли сонини ошириб бориш даражаси, четдан кириб келадиган одамлар оқими эътиборга олинган ҳолда инфратузилмаси яратилмоғи лозим. Бунда коммунал, техник, тиббий, банк ва бошқа хизматлар яратилиши.

Келажакда аҳоли учун қулай савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари уй-жой қурилиши, сув, электро-энергия ва газ билан таъминлашни яхшилаш, марказлаштирилган иситиш ва совутишни ташкил этиш, канализацияни ривожлантириш ишлари давом эттирилмоқда. Дунёнинг бир қанча ривожланган давлатларида барпо этилаётган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, меҳмонхоналар ва шу каби

бино ва иншоотларнинг замонавий архитекту-
раси ҳамда ҳар томонлама оммабоплиги билан
ажралиб келмоқда. Бундай мажмуалар нафақат
инсонларга хизмат кўрсатиши, ўзининг замона-
вий архитектураси билан шаҳарнинг кўркига
кўрк қўшмоқда. Келгусида марказлаштирилган
савдо-маиший марказларни лойиҳалаштиришда
жаҳон архитектураси ютуқлари ва янгиликла-
ридан унумли фойдаланмоқ ҳамда уларни ри-
вожлантирмоқ принципиал қоидага айланмоғи
лозим.

УДК: 72.032(575)

ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИЙ САРОЙЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

В статье, на основе анализа античного, ранее средневекового и средневекового периодов, а также перио-
да ханства в Средней Азии, раскрыта эволюция формирования дворцовых зданий в исторических городах
Узбекистана.

The article, based on the analysis of the ancient, earlier medieval and medieval periods, as well as the perio-
da khanate in Central Asia, reveals the evolution of the formation of Palace buildings in the historical cities of Uzbeki-
stan.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихий шаҳар-
лари архитектурасида ва, умуман, тезкор риво-
жланаётган мустақиллик йилларининг замона-
вий архитектурасида ҳам саройлар меъморчи-
лиги ва сарой бинолари мажмуа-ларининг роли
ва ўрни каттадир. Айнан ана шундай бинолар
ўз даврларининг муҳандислик қурилиш
санъати, архитектураси, шаҳарсозлиги, халқ
амалий ва безакчилик санъати соҳаларидаги энг
муқим илғор анъаналар ва бадиий –эстетик
дунёқарашларни ўзида намоён этган. Бирок,
Ўрта Осиё олимлари томонидан мазкур мавзу
бўйича бирон – бир жиддий тадқиқотлар олиб
борилмаган. Биз мазкур мақолада ушбу муам-
монинг бир қиррасига, яъни тарихий саройлар
шаклланишининг ривожланиш жараёнларига
тўхтаб ўтмоқчимиз.

Сарой деб дастлаб ҳукмдорларнинг қарор-
гоҳлари ҳисобланган ҳашаматли ва маҳобатли
улкан бино ёки қасрларга айтилган. Кейинча-
лик асрлар давомида ҳовлили турли серҳашам
бинолар ҳам сарой номини олган.

Сарой атамасининг архетипик аҳамиятига
эътибор берадиган бўлсак, унга кўра “сарой”
сўзи аслда иккита иборадан: форсча “сар”–бош,
яъни катта, “ой”–бу туркча “эв”, яъни уй сўзи-
нинг “сар”га қўшиб ўзгартириб айтилишидир.
Демак, сарой деганда биз ҳар қандай уйни эмас,
балки бош ёки катта уйни тушунишимиз тўғри-
дир. Сарой сўзининг этимологиясида симбиоз
мавжуд бўлиб, унинг таркибида турар жой (ху-
сусийлик) ва бошқарув жамоавийлик функция-
лари ётади. Шунинг учун ҳам сарой бинолари
кўп асрлик шаклланиш ва ривожланиш даво-
мида ўзининг типологик архитектуравий анъа-
наларини асрлар оша йўқотмаган, балки тако-

Адабиётлар:

1. Адамович В.В. и др. Архитектурное проекти-
рование общественных зданий и сооружений.–М.:
Стройиздат, 1984.
2. Урбах А.И., Хорошилов В.Б. Перспективы
развития торговых центров городского значения.
Обзорная информация. ВНИИТАГ, 1989, вып. 13.
3. Малиборская Г.М., Иванов С.В. Торговые цен-
тры и их оценка / Под общ. ред Я.И. Маркуса. Киев,
2008.

миллаштирган. Сарой ўзининг этимологик не-
гизини, яъни бош уйлик аҳамиятини турғун
ҳолда сақлаб қолган ва турли шарқ халқларида
арк, қалъа, қаср, ўрда (орда) сўзлари билан ҳам
айтилиб келган.

Дастлабки сароймонанд иморатлар Ўрта
Осиёда бронза даври шаҳарларида юзага кела-
ди [1]. Антик даврлар (мил.авв.IV а. – мил.IV
а.) ларга келиб саройлар Хоразм худудида
(Гаур – қалъа, Тупроқ – қалъа), шунингдек
Бактрияда (Ай – Ханум, Саксонохур, Зартепа,
Холчаён) ва Согдианада ҳам (Ерқўрғон) ша-
кллана бошлайди. Ўрта асрларга келиб сарой
иморатларининг сони “маъмурий бошқарув
маркази” сифатини олиб орта боради, улар
Пенжикент, Будикат, Кофир – қалъа, Варахша
ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилади [1].

Турли хил тарихий жараёнлар даврида са-
ройлар функцияси ўзгариб турган. Антик давр-
ларда, масалан, саройлар мураккаб режавий
ечимларда ва турли мақсадлар учун қурилиб,
ўзига тураржой ва маъмурий бошқарув функ-
циясини (Ай - Ханум маъмурий - сарой биноси,
Айртом форт – саройи) ҳамда ибодат (Саксо-
нохур ва Елхарас сарой – ибодатхона ком-
плекслари) функцияларини бирлаштирган [2].
Кейинроқ ўрта асрларда саройлар ҳукмдор-
ларнинг маъмурий – бошқарув қароргоҳи ва
истирохатига айлана боради ва шунга мос ра-
вишда ҳукмдорнинг қишги (шаҳардаги са-
ройи) ва ёзги (шаҳардан ташқаридаги) саройла-
рига бўлинади. Ҳукмдорнинг шаҳар саройи,
одатда, шаҳарнинг бошқа иморатларидан кат-
тароқ, баландроқ, салобатлироқ ва кенг худуд-
ли қилиб қурилган. Саройлар учун асосан
ташқаридан ёпиқ ҳовлили – айвонли кўп устун-

ли залларга эга композиция қўлланилган (Кўзали қир, Қальали қир ва Тупрок – қалъа). Сарой ҳовлилари бир – икки, уч ҳовли ва ташқи ҳовлиларга бўлинган.

Ўзбекистон ҳудудидаги бизгача ўрганилган ва илму–фанга маълум илк ўта аср саройларига Бухородаги Варахша, Самарқанддаги Афросиёб, Сурхондарёдаги Холчаён саройлари кирди. Бу саройлар археологик ёдгорликлар ҳисобланиб, уларнинг харобалари бизгача сақланиб қолган.

Холчаён саройлар мажмуаси бир нечта тепаликлар устига қурилган бўлиб, улкан меъморий–шаҳарсозлик мажмуаси кўринишидаги иморатлардан тузилган. Қадимги саройларнинг марказий зали “чорхона” услубида ёпилган, залларининг ичига деворлар бўйлаб пол устига супалар ўрнатилган [3]. Саройларнинг мудофаа деворлари бўлиб, улар, одатда, пахсадан, ички заллар эса йирик хом ғиштлардан, айвонлар ёғоч устунлардан, таққурсилар табиий тошлардан ишланган. Илк Ўрта аср саройларининг деворлари маҳобатли суръатлар, ҳайкаллар, гулли нақшлар, тоқчалар билан безатилган [3].

Варахша ҳукмдорининг саройи Шарқий ва Ғарбий меҳмонхоналар ва Қизил хона (заллар)дан иборат бўлган. Сарой ғарб томондан 3 равоқли ганчори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчори қабартма тасвирлар ҳамда турли хил гириҳлар билан безатилган. Саройнинг Қизил хона ва Шарқий меҳмонхоналари тўла кавлаб очилган. Хона деворлари майда сомонли лой сувоқ устидан юпқа ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар кизил, сариқ, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг бўёқлар билан безатилган [3].

Саройларни қуриш учун атроф муҳити кенг, хушхаво, серсув, ландшафти манзарали нисбатан текис бўлган жойлар танланган. Бундай сифатларга эга жойлар етишмаганда, улар сунъий тарзда чаман ва сўлим боғлар кўринишида яратилган. Амир Темур ва Темурийлар қурдирган, сўнгра Ўрта Осиёда хонликлар даврида яратилган боғ – саройлар бунинг исботидир.

Амир Темурнинг Шаҳрисабзда қурган оқсаройи ҳақидаги маълумотлар етарлича, бироқ унинг Самарқанддаги Арк – қалъаси ҳудудида қурилган Кўксарой ва Бўстонсаройлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Кўксаройнинг гумбази феруза рангда бўлганидан у Кўксарой номини олгани. Аслида унинг ҳукуматнинг расмий ишларига мўлжаллангани, тўрт қаватли бўлгани, таркибида қабул зали, расмий фармойишларни эълон қилиш зали ва улкан ҳовлиси, масжид, кутубхона, шифохона, хазина ва бошқа хоналар бўлгани манбалардан маълум. Бўстонсарой эса Амир Темурнинг оиласи яшайдиган саройи ва ҳарам ҳисобланган. Бўстонсарой

сўзининг арабчада боғзор маъносини билдиришини ҳисобга олсак, ушбу сарой атрофи ва ичидаги ҳовлиларда боғ бўлганлигини фаҳмлаш мумкин. Ушбу икки сарой орасида уларни боғловчи хиёбон, чаманлар ва ҳовуз бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Хоразм ҳукмдорларининг ҳамда Бухородаги Убайдуллахон ва Абдуллахонларнинг саройлари шаҳар ташқарисида боғ ичида жойлашгани учун уларни “чорбоғ” ҳам дейишган [4]. Ушбу боғларнинг мунтазам режаси ва саройларининг шакллари Темур боғларининг композицияси анъаналарига асосланган.

Саройлар ва сарой мажмуалари ўтмишда ҳатто шаҳарларни ташкил этувчи зарур тарихий атрибутлар қаторига кириб, шаҳарларнинг энг ишончли меъзонларидан бири ҳисобланган [5]. Шаҳарлар ҳали икки қисм: арк – қалъа ва шаҳристондан иборат бўлган пайтларда ҳам арк – қалъанинг асосий ҳудудини сарой иморатлари эгаллаган.

Ўрта Осиё тарихий шаҳарларидаги саройларнинг хронологик шаклланишини ўрганиш натижасида улар архитектурасининг қадимги даврлар (мил. авв. IV аср - мил. IV асрлар)дан бошлаб илк ўрта ва Ислом даври, ўрта асрлар (Қорахонийлар, Темурийлар), хонликлар ва Чор Россияси колониал даври узра ўтиб, собиқ Иттифоқ давригача шаклланиб тараққий этганлиги аниқланди, тарихий тизимга солинди ва асослаб берилди. Ҳар бир даврнинг сарой бинолари ва мажмуаларига хос архитектуравий ҳажм–фазовий ва меъморий–режавий хусусиятлари аниқланди.

Сарой мажмуалари ва улар архитектураси ва умуман саройларнинг мавжудлиги тарихий шаҳарлар структуравий тузилмасининг муҳим атрибутлари қаторига кирган. Бундан ташқари сарой мажмуалари, арк ва қалъалар меъморий сифатларининг энг муҳим белгиларидан бири, уни ўраб турган ташқи девор ва мудофаанинг мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, арк ёки қалъа бу саройнинг ўзи эмас, сарой арк ва қалъа таркибининг энг муҳим иморатидир.

Тарихий **саройларнинг шаклланиши, ривожланиш эволюцияси** ва архитектурасини тадқиқ қилиш асосида шу нарса аниқландики, сарой бинолари ва мажмуаларининг архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатига хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Шунинг учун ҳам саройлар архитектурасини улар яратилган даврлардаги ҳокимият бойлиги ва халқ маданиятининг кўзгуси деб тушуниш мумкин. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилиқ, ҳашаматлилиқ, куч–қудрат, бойлик ва адолатлилиқ

рамзлари шаклланган.

Адабиётлар:

1. Нурмухаммедова Ш. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Т., 2018.
2. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. –

Самарканд – Ташкент, 2000.

3. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Т., 2005.
4. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Т., 2000.
5. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. – Т., 2019.

УДК 347.787

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ САРОЙЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ВА ИНТЕРЬЕРЛАРИНИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАЖРИБАЛАРИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи

Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти

В статье орактезирована архитектура и интерьеры исторических дворцов Узбекистана на примере опыта графической реконструкции, приведенной узбекскими учеными в разные периоды.

The article discusses the architecture and interiors of the historic palaces of Uzbekistan, which are studied on the example of the experience of graphic reconstruction of Uzbek scientists in different periods.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тарихий саройлар, уларнинг архитектураси, интерьери, график қайта тиклаш тажрибалари.

Мазкур мавзуни қўйиш ва уни ўрганишдан мақсад Ўзбекистон тарихий саройлари архитектурасини илмий ва кенг жамоатчиликка оммалаштириш, туризмни ривожлантиришда мазкур объектлар аҳамиятини оширишдир. Гап шундаки, Ўзбекистон архитектурашунослик фанида тарихий саройлар архитектураси, уларнинг интерьерларига хос хусусиятлар ҳанузгача етарли даражада очиб берилмаган. Шу мунособат билан биз Ўзбекистон олим-ларининг тарихий саройлар архитектураси ва интерьерларини график тиклаш тажрибаларини ўрганишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Тарихий саройларнинг шаклланиши, ривожланиш эволюцияси ва архитектурасини тадқиқ қилиш асосида шу нарса аниқландики, сарой бинолари ва мажмуаларининг архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатига хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Шунинг учун ҳам саройлар архитектураси улар яратилган даврлардаги ҳокимият бойлиги ва халқ маданиятининг кўзгусидир. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилиқ, ҳашаматлилиқ, куч-қудрат, бойлик ва адолатлилиқ рамзлари шаклланган.

Сарой мажмуалари ва улар архитектураси ва умуман саройларнинг мавжудлиги тарихий шаҳарлар структуравий тузилмасининг муҳим атрибутлари қаторига кирган. Бундан ташқари сарой мажмуалари, арк ва қалъалар меъморий сифатларининг энг муҳим сифатларидан бири, уни ўраб турган ташқи девор ва мудофаанинг мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, арк ёки

қалъа бу саройнинг ўзи эмас, сарой арк ва қалъа таркибининг энг муҳим иморатидир.

Саройлар архитектурасининг шаклланишида юқорида тилга олинганлардан ташқари энг муҳим, меъморий анъаналар турғунлиги, маҳаллий табиий-иқлим шароитлари, диний, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ўрта Осиё саройлари архитектурасида иссиқ ва қуруқ иқлимли Ислоом шарқи мамлакатлари меъморчилигига хос жаннатмакон ҳовлилиқ, ички ва ташқи ҳовлилар феномени ва айвонлар, шийпонлар, кўшк шакллари, ҳовузлар, фавворалар, боғлар, боғ-саройлар, сайргоҳлар, гулзорлар, чаманлар ўз аксини топган.

Саройлар монументал архитектурасида сарой бинос конструкцияси бадиий санъат асарлари билан уйғунлашганлиги сабабли сарой интерьерига ўзига хос тантанаворлик, баҳаволик, бадиийлик бағишлаган.

Антик даври саройлари эктерьерларига безаклар ишланмаган бўлсада, асосий эътибор интерьерларга қаратилган бўлиб, уларни безашда тасвирий санъат, рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқ санъати намуналаридан фойдаланилган. Бу санъат турлари сарой биносининг архитектурони-каси ва ўлчамларига мутаносиб тарзда яратилган ва ички яхлитликни намоён этган. Ушбу бадиий воситалардан ташқари антик даври саройлари интерьерлари ва айвонларида устунлар, плястрлар, равоқлар, капителларнинг метрик ритмга асосланган симметрик услублардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин [1].

X–XII асрларда сарой интерьерлари безагида ғиштбилан ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Интерьерларда тоқчаларнинг икки ёни ғиштли декоратив устунчалар билан безати-

лган. XI–XII асрларда саройларнинг ички ва ташқи безагида, интерьер кимлариди "куфи" ва "наси" эпиграфик дастхатларини қўллаш жорий қилинган [2].

Саройлар интерьерининг тузилиши, асосан уларнинг тархи ва функциясидан келиб чиққан, илк ўрта асрларда тўғри тўртбурчак хона, атрофи супа билан ўралган тарх, тўғри тўртбурчак марказий ўқи бўйлаб бир қатор устунлар ўрнатилган тарх, тўрт устунли, устунсиз, тўғри тўртбурчак атрофи супа билан айлантирилган тарх ва бошқа режавий ечимлар кенг қўлланилган. Ўрта асрларда томонлари тенг тўғри тўртбурчак, икки қатор устунларга эга тўртбурчак тузилишидаги тарх, томи гумбаз билан ёпилган салобатли хоналардан ташкил топган тарх, XIX–XX аср бошларида эса бир хонадан иккинчисига ўтиладиган, деворлари ранг–баранг безакли тарх, хоналар оралиғида сербезак, баланд айвонлар билан алмашилиб келган тарх ва бошқалар қўлланилган.


Ўрта Осиёда саройлар интерьерида ҳам тарх, ҳам бадий безак орқали монументал композицияга эришишга ҳаракат қилинган. Антик ва илк ўрта асрларда Хоразм саройларида тўғри тўртбурчак тузилишидаги зал, унинг маркази бўйлаб ўрнатилган бир қатор устунлар ёрдамида икки қисмга бўлинган. Хуросонда (Парфия) томонлари тенг тузилишидаги баланд зал икки ярусга бўлинган (Нисо саройи). Бактрия ва Суғд саройлари тархда томонлари тенг ёки тўғри тўртбурчак тузилишидаги катта залларга эга бўлган. Улар икки қатор устунлар ёрдамида уч қисмга бўлинган. Бактрия, Хуросон, Хоразм саройлари интерьерида маҳобатли рангасвир ва ҳажмли бадий санъат асарлари, ҳайкаллар кенг қўлланилган [1].

Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг тирик мавжудотни тасвирлашнинг ман қилиниши саройлар безагида маҳобатли (монументал) паннонинг йўқолишига олиб келади, лекин интерьернинг монументаллигига путур етказилмайди. Унинг ўрнига ўсимликсимон ва геометрик нақшлардан ҳар хил услубда (техникада), яъни девор юзига рангда нақш чизиш, ганчли юзага нақш ўйиш, қўш қаватли ганчнинг устки қатламига ўймакорлик қилиш, турли ранглик кошнлар териб нақш чиқариш, ғиштнатурли йўналишда териб, безак ишлаш йўллари билан тузилган паннолар кенг қўлланилган.

Умуман, саройларнинг қайси даврда қурилганлигидан катъий назар, улар интерьери композициясида монументаллик, мунақашлик, тантанаворлик, улугворлик ва архитектоник яхлитликка эришилган.

Ўзбекистон олимлари бизгача сақланмаган


тарихий саройлар архитектураси ва интерьерларини график қайта тиклаш тажрибасига эга. Профессор Д.А.Нозилов Самарқанддаги Афросиёб саройи интерьерининг архитектоникаси ва деворий безакларини, Амир Темурнинг Боғи Дилкушосидаги боғ – саройининг интерьерини [2], Н.В.Гильманова Амир Темурнинг Шахрисабздаги Оқсарой мажмуаси архитектурасини, Самарқанд шаҳри атрофидаги Боғи Дилкушо ва Боғи Давлатобод боғ – саройларининг умумий кўринишини [3], Т.Ш. Маматмусаев эса Мирзо Улуғбекнинг Боғи Майдондаги "Чилсутун" боғининг саройи (1-расм) ҳамда Боғи Давлатобод боғ – саройлари архитектурасини график қайта тиклашга (2-расм) муваффақ бўлганлар [4] ва бу ишлар орқали улар Ўзбекистон архитектурашунослик фанига ўз ҳиссаларини қўшган ва тарихий саройлар архитектураси ҳамда интерьерлари ҳақидаги тушунчаларимизни бойитган.



1-расм. Мирзо Улуғбекнинг Боғи майдондаги "Чилсутун" саройи архитектураси (Т.Ш. Маматмусаев бўйича).

Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги саройлар, шу жумладан маҳобатли монументал архитектура санъати собиқ Иттифок даврига келиб республика пойтахтида қуришга мўлжалланган айрим ҳукумат ва маданият саройлари биноларининг меъморий образлари учун наъмуна бўлиб хизмат қилди. Хусусан, 1930 йилларда Тошкент шаҳри марказий майдонини шакллантирувчи ҳукумат биноларини лойиҳалашда Ўзбекистон монументал сарой архитектураси шакллари: пештоқ, гумбаз, тоқ ва равоқлар композициялари, боғ – саройлар меъморий об-

рази шаклларидан фойдаланилди [5].



2-расм. Боғи Давлатобод боғ саройининг архитектураси (Т.Ш. Маматмусаев бўйича).

Масалан, Тошкент шаҳридаги маданият ва меҳнат саройи архитектурасини яратишда Ш.Д. Аскаронинг китоби, 85 – расм, Самарқанддаги

Советлар уйи (1927 – 1928 йй.) (ўша китоб, 69 – расм) лойиҳаларини ишлашда республикамиз тарихий саройлари архитектураси анъаналари кенг қўлланилди ва, ниҳоят, республикада Муस्ताқиллик йилларида қурилган айрим мемориал музейлар, масжидлар ҳам монументал сарой бинолари архитектурасидан наъмуна олиб лойиҳаланди (ўша китоб, 287 – расм). Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбекистон миллий академик театри, Ислон университети биноси, Форумлар саройи, Оқ уй (Оқ сарой), Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси, Темурийлар музейи, Андижондаги Бобур боғи музейи биноси ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Саройлар архитектурасини яратган меъморлар ва халқ усталари гўзаллик ва уйғунлик шакллари, ранглар, инсон, объект ва атроф муҳит мутаносиблиги асосларини ташкил этувчи меъморий – бадий ва табиий қонуниятларга, объектив тамойилларга қатъий риоя қилганлар. Мазкур ишда ушбу тамойилларнинг туб моҳиятини тўғри англаш, улар заминда ётган меъморий қонуниятларни жиддий ўрганиш ва уларни замонавий ижод жараёнига тадбиқ қилиш тақлиф этилган.

Адабиётлар:

1. Нурмухаммедова Ш. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Т., 2018.
2. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Т., 2006.
3. Гилманова Н.В. Архитектура Темуридов и Бобуридов отраженная в миниатюре. – Т., 2019.
4. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улуғбек даври архитектураси. – Т., 2014.
5. Аскарон Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Т., 2012.

УДК-725 727

АРТ-ГАЛЕРЕЯ-МУЗЕЙ В СОВРЕМЕННОЙ КУЛЬТУРЕ УЗБЕКИСТАНА

Юлдашева М.К., старший преподаватель, Абдурахманова Ф.И., стажер преподаватель Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Art-galleries-museums in the modern culture of Uzbekistan

The article considers general views on the role and development of art galleries and museums, their influence on society and culture, the number of main factors affecting the appearance of art galleries.

O'zbekiston zamonaviy madaniyatida Art-galereya-muzey

Maqolada art-galereyalari va muzeylarning roli va rivojlanishi, ularning jamiyat va madaniyatga ta'siri, ularning paydo bo'lishiga ta'sir qiluvchi omillar soni haqida umumiy fikr yuritiladi

Ключевые слова: Арт-галерея, малый музей, арт-рынок, галерея-салон

В нашей стране вопросам дальнейшего развития объектов культуры на основе передового международного опыта, укрепления их материально-технической базы, всесторонней поддержки со стороны государства уделяется при-

оритетное внимание [1].

Представленная работа является одной из первых попыток рассмотреть художественные галереи Самарканда в контексте современной культуры. Проведенное исследование позволи-

ло сделать вывод о том, что АРТ-галереи современного искусства являются неотъемлемой и важной частью культурной и общественной жизни нашего общества.

Для выяснения места и роли художественных галерей в культурном пространстве нашего времени, часть работы была посвящена изучению факторов, способствовавших появлению художественных галерей современного искусства отечественного и зарубежного опыта, и истории развития галерейного дела данного периода в Узбекистане.

В Самарканде в своё время были основаны: первый государственный музей истории и культуры, музей истории основания Самарканда – Афросиаб.

Художественно-исторические дома музеи, – места, где представлена частная коллекция, не имеющая ничего общего с самим домом, его историей или жившими в нем людьми. Примером служит краеведческий музей, у которого отличительной чертой является коллекция государственного фонда [3].

Музейные предметы и музейные коллекции, включенные в состав Национального музейного фонда, являются неотъемлемой частью культурного наследия народа Узбекистана [2].

Вместе с тем, необходимо отметить, что в управлении сферой культуры и искусства сохраняются устаревшие методы руководства и наблюдается недостаточно комплексный подход к решению имеющихся проблем, в том числе в организации деятельности учреждений культуры, оказании соответствующих услуг населению. Материально-техническая база учреждений этой сферы в отдельных районах не отвечает инновационным требованиям сегодняшнего дня. Эффективной реализации единой государственной политики в области культуры, выполнению в полном объеме поставленных задач препятствует и то, что при подготовке кадров не учитываются реальные потребности сферы, отсутствует четкая система их переподготовки и повышения квалификации [1].



Краеведческий музей. Самарканд

К числу главных факторов появления арт-галереи следует отнести возникновение индивидуальных и авторских тенденций, усложнение коммуникативных связей между явлениями и людьми. В галерейном деле это нашло свое отражение в появлении разнообразных направлений и течений в искусстве для удовлетворения частных интересов отдельного посетителя.

В настоящее время восстанавливаются и реставрируются памятники архитектуры, организуются новые театры, расширяются экспозиционные площади музеев, государство выделяет деньги на приобретение культурных ценностей Узбекистана за рубежом. В Узбекистане успешно работают около 60 художественных галерей и выставочных залов, на площадях которых ежегодно проводится большое количество выставок современного искусства, а также организуются выставки из фондов и собраний музеев. В Самарканде открыты экспозиции 15 музеев, работают зарубежные культурные центры, такие как немецкий, русский, индийский, корейский и т.д. Отвечая потребностям общества, с одной стороны, и интересам художников - с другой, продолжает бурно развиваться галерейное дело, непосредственно связанное с арт-рынком в целом.

Художественные галереи стали неотъемлемой частью культурного и социального поля. Несмотря на то, что институт арт-галереи уже занял свою нишу в культурной жизни узбекского социума, функционирование галерей современного искусства непосредственно связано с рыночными механизмами, будучи основным институтом рынка современного искусства. Арт-галерея выполняет в художественном пространстве основные его функции: экспозиции, выставки, аукционы и т.д. Вместе с другими институтами культуры и при активном участии галерей, создается история современного искусства.

В работе значительное внимание было уделено исследованию деятельности художественных галерей и их роли в современной культуре. Были рассмотрены возможные направления их культурные и различные стили, течения, школы, жанры и их представители. Проведена сравнительная характеристика данных институций с западными галереями, с выделением основных особенностей самаркандских галерей. Так, во-первых, было показано, что в Узбекистане галерея - это не только коммерческая основа, но и организация, занимающаяся просветительской деятельностью и участвующая в различных социальных, некоммерческих проектах. Во-вторых, сфера деятельности узбекских галерей значительно расширена географически, они постоянно работают на арт-рынок, участвуют в международных художественных ярмарках и форумах. В-третьих, место узбек-

ской галереи в культурном пространстве позиционируется непосредственно через социальное положение галериста, тогда как за рубежом галерея занимает свое место в обществе в зависимости от искусства, которое представляет статус, который достигает за короткое время [5].

На основе анализа существующих художественных галерей современного искусства в работе были выделены их семь типов: галерея, ориентирующаяся на художественные течения; галерея, специализирующаяся по видам искусства; галерея «персональной ориентации»; галерея одного художника; галерея одной картины; галерея-салон; виртуальная галерея, объединенных в группы по принципам работы; галереи, ориентирующиеся на художественные течения и виды искусства; галереи, ориентирующиеся на творческую индивидуальность; виртуальные галереи.



Арт-галерея «Чорсу». Самарканд.

Рассмотрены особенности формирования данных типов, специфические задачи и основные направления их деятельности. В ходе анализа удалось выявить работу галерей каждого типа.

К первой группе были отнесены: галерея, ориентирующаяся на художественные течения; галерея специализирующиеся по видам искусства.

Галереи, ориентирующиеся на художественные течения, призваны представлять искусство определенной группы художников. Специфика этих галерей заключается в том, что они являются неким промежуточным звеном между художником и покупателем. К ним относятся галереи «Чорсу» и «Айсель».



Арт-галерея «Айсель». Самарканд.

Ко второй группе были отнесены галерея «персональной ориентации», галерея одного художника, галерея одной картины и галерея-салон. К примеру галерея Азиза Ахмедова в городе Шахрисабзе.

Приоритетное направление деятельности галереи «персональной ориентации» - создание у посетителей общего представления об актуальном искусстве во всем его многообразии, а также работа с определенной группой художников. В настоящем исследовании галереи данного типа были разделены на: галереи одного художника - редкое явление, не типичное для современной ситуации, однако перед данного типа галереями открывается перспектива в будущем перерасти в «малый музей». Тем самым у них появляется возможность приобрести совершенно иной статус, даже государственный. Специфика галереи одной работы выражается в определенной форме построения экспозиционного пространства, где перед зрителем предстает только одна работа. Однако, к сожалению, данный способ экспонирования, прекрасно подходящий для музея, не годится для художественной галереи современного искусства, поскольку галерея - коммерческая организация. И, скорее всего, подобные галереи так и останутся единичным явлением, связанным с организацией какой-либо конкретной выставки.



Арт-галерея «Счастливая птица». Самарканд.

Галереи-салоны играют определенную роль в формировании культурного пространства Самарканда, поскольку дают возможность определенному слою населения, не располагающему материальными возможностями для приобретения профессиональных, модных и дорогих работ музейного уровня, получить качественное художественное произведение, доступное по цене. По сути, данные галереи приобщают население к миру искусства и таким образом, готовят потенциальных покупателей и коллекционеров, поскольку даже известные коллекционеры не сразу начинали с дорогих художественных произведений. К таким галереям относятся галереи «Счастливая птица»,

«Галерея Романенко», «Лавка художников».

К третьей группе был отнесен только один тип художественных галерей - **виртуальная галерея** - продвигающий новые формы и способы бытования искусства. Виртуальные галереи играют определенную роль в процессе развития галерейного дела, и данный тип галерей очень перспективен. Их специфика заключается в отсутствии у них выставочных площадей: вся работа строится на общении, посредством возможностей и ресурсов Интернета. Основной акцент делается на дизайн и удобство в пользовании непосредственно сайтом или информационным порталом, а также на формирование социального статуса, имиджа и репутации организатора. Вся работа построена на доверии и профессионализме. Это галереи «Artarea», «Art Revue», «GALLERY-A» и др. [5].

По сравнению с музеями галереи имеют одно важное преимущество: возможность быстро адаптироваться к условиям эпохи постмодерна, когда заданные внешние факторы развития меняются довольно часто и носят полифункциональный, полисодержательный характер. Однако, следует отметить, что для музея, главной задачей которого являются хранение произведений искусства и культурно-просветительная деятельность, характерна значительная инертность вследствие громоздкости структуры (большие фонды, обширный штат сотрудников и т.д.) и конкретности выполняемых функций (это сохранность работ, постоянство экспозиций и т.д.).

Недостатком организации выставочной деятельности является ее слабая структурная организация, частая смена руководства, кураторов выставок, разноплановость ее функций (как коммерческой, так и некоммерческой), отсутствие концептуального единства, частая смена экспонатов, ситуационный характер самих выставок, отсутствие целенаправленной рекламной кампании и т.д. С этих позиций преимуществом организации галерейного дела является возможность разрабатывать стратегию развития в расчете на оптимальное соотношение интересов всех субъектов организации деятельности (зрителя, покупателя, организаторов, кура-

торов и т.д.). Кроме того, нельзя забывать о возможности вести гибкую политику в области изменения структуры, функциональной и содержательной направленности деятельности галереи, в зависимости от веяний времени и в соответствии с изменениями культурного пространства [4].

Заключение. На основании проведенного в исследовании анализа был сделан вывод о том, что оптимально организованными в развитии культуры и искусства, можно считать галереи «нового типа», которые характеризуются относительно простой и гибкой структурой, сложностью и гибкостью содержания (направления деятельности) и выполняемых функций. Только такие структуры смогут сохраниться в современном культурном пространстве, остальные же постепенно сойдут с художественной сцены или перейдут к подобной форме организации.

В итоге, по результатам настоящего исследования, следует отметить, что галерея, как явление, возникшее в последней четверти XX века, оказалось ярко выраженным и целостным в своей направленности, несмотря на наметившееся многообразие типов художественных галерей современного искусства по направлению деятельности. Вместе с тем, этот период представляет собой лишь начальный этап их формирования. Галереи современного искусства органично вошли в современную культурную жизнь Узбекистана. Таким образом, появление художественных и инновационных галерей современного искусства, – процесс закономерный.

Литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева 31.05.2017г. N ПП-3022 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства»
2. Закон Республики Узбекистан 12.09.2008 г. N ЗРУ-177 «О Музеях»
3. «Museum» международный журнал ООН, ЮНЕСКО №210(4) 2001 Москва
4. С. Файбисович «Актуальные проблемы актуального искусства» Москва, 1999;
5. www.advantour.com

МЎЙНОҚ ТУМАНИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ВА ЛАНДШАФТ МУАММОЛАРИ ШУНИНГДЕК, УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Исамухаммедова Д.У., доцент; Закирова М.Ш., магистрант; Саъдуллаев С.А. магистрант Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Мақолада Орол денгизи фожеаси оқибатида Қорақалпоғистон шаҳарларидаги аҳвол ва унинг муаммолари келтирилган. Мўйноқ шаҳрининг мисолида пайдо бўлган иқлимий, ижтимоий-иқтисодий танглик ва экологик оқибатлар, аҳолининг турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли, давлатимиз бу салбий оқибатларга муносиб ечимлар қабул қилгани, мавжуд шароит ва муҳитдан фойдаланиб, Қорақалпоғистоннинг аҳолисини иш билан таъминлаш, туристик марказга айлантириш масалалари илгари сурилади. Мақолада ҳозирда фаолият кўрсатмаётган саноат ҳудудларини реновация қилиш ҳолатлари ва ландшафт ечимлари ҳам келти-

рилган.

Калит сўзлар: экологик аҳвол; минтақавий хусусиятлар; реновация; саноат (ишлаб чиқариш); архитектурый-ландшафт ташкил этиш; кўкаламзорлаштириш.

Статья посвящена современному состоянию и проблемам городов Каракалпакии, возникшим в результате экологической катастрофы Арала. На примере города Муинака выделяются и описываются социально-экономические, природно-климатические и экологические последствия этого процесса, оказывающие негативное влияние на городскую природу и здоровье населения. Рассматриваются меры, предпринимаемые государством для возрождения городов, привлечения в них туристов и создания новых рабочих мест. В статье также сделаны попытки определить первостепенные задачи реновации промышленных городов Каракалпакии.

Ключевые слова: экологическое состояние; региональные особенности; реновация; промышленность; архитектурно-ландшафтная организация; озеленение.


The article is devoted to the current state and problems of the cities of Karakalpakistan resulting from the ecological catastrophe of the Aral Sea. Using the example of the city of Muinak, the socio-economic, climatic and environmental consequences of this process are identified and described, which have a negative impact on the urban nature and health of the population. There are considered measures taken by the state to revive cities to attract tourists to them and create new jobs. The article also attempts to identify the primary tasks of the renovation of the industrial cities of Karakalpak.

Keywords: ecological condition; regional features; renovation; industry; architectural and landscape organization; gardening.

Ҳозирги пайтда дунёда глобаллашув жараёнини юз бермоқда. Воқеа ва ҳодисалар шиддат билан ортга қарамай олдинлаб кетиш пайида. Ёш ва навқирон мамлакатимиз ҳам борган сари ривожланиб, дунё тан оладиган даражага етишмоқда. Лекин танганинг икки томони бўлганидек, дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири бўлган Орол денгизи фожеаси ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди деб айтиш мумкин. Негаки, бунинг оқибати аянчли бўлиб, халқни оғир вазиятга солмоқда.

Денгизнинг қуриши тўғрисида бир неча фарзлар мавжуд: баъзи манбааларда Орол ва Касбий денгизлари ўзаро боғлиқлиги таъкидланган. Бирида сув камайса, бирида кўпаяр экан. Ҳабар беришларича ҳозирда Орол минтақасида ер қаридан сув сизиб чиқмоқда экан. Бунга далил сифатида тарихни келтиришимиз мумкин: маълум бўлишича, Орол денгизининг суви бир неча бор камайган ва тикланган. Буни Оролнинг қуриган сатҳида олдин мавжуд бўлган аҳоли пунктлари харобаларининг топилганлигида қуриш мумкин. (1-расм).

Бошқа бир фарзга келсак, Амударё ва Сирдарё сувларининг ўзанлари Орол денгизига қаратилган бўлиб, дарё сувларининг камайиши пахта далаларини суғориш билан бевосита боғланганлигида экан. (2-расм).



1-расм. Орол денгизининг ўтмиши ва эҳтимоли.



2-расм. Орол денгизи сув ўзаниниг пасайиши.

Қорақалпоғистон учун Орол денгизининг инкирози нафақат сув етишмаслиги, балки атроф-муҳит, иқлим, иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шу жумладан, ижтимоий оқибатлар, аҳолининг турмуш даражаси, саломатлиги, миграция сонининг ортишига ҳам сабаб бўлди, ишсизлик даражаси 70% ни ташкил қилади.

Ҳозирда Орол денгизи ҳудудида 18 турдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг 83 тури учратиш мумкин. Бу ерда Орол денгизининг қуриган тубидан шамол орқали туз кўтарилганлиги сабабли, ҳаводаги маълум заррачаларни ушлаб қолиш мақсадида, Саксовул ва бошқа чўл ўсимликларига эҳтиёж бор. Мўйноқнинг асосий дарахти саксовул ҳисобланади. (3-расм)



3-расм. Саксовул дарахти.

У ерда ўсадиган саксовул, турангула ва чўл дарахтларини кесиш тақиқланади. Саксовулни саклаш мушкул вазифадир. Бунинг асосий сабаби-туб аҳоли бу дарахтдан рўзгорда печни иситиш учун фойдаланишади. Саксовул кўмири ўзининг юқори иссиқлик берувчанлиги ва ёниши давомийлиги узоқ бўлганлиги учун юқори баҳоланади. Ҳозирда бу дарахтдан ўтин тайёрлаб сотишдан баъзи бир оилаларнинг бошқа чораси йўқ.

Саксовул март-апрель ойларида 5-7 кун давомида гуллайди. Гуллаб бўлганидан кейинги жазирама ёз иссиғида мева тугунчалари ҳосил бўлмайди, фақат сентябр ойига келиб мевалар шаклланади. Сентябрь охирида саксовулда кўплаб мевалар ҳосил бўлади. Октябрда мевалари етилиб, тўкилиб тушади, фақат айримларидагина баъзи шохчаларида қолган мевалари кейинги баҳоргача туради.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун албатта, улар учун талаб доирасидаги тураржой уйлари ташкил этиш бериш керак.

Шаҳарсозлик соҳасига эътиборни қаратсак, у ривожланиш йўлида. Кўплаб шаҳар тархлари талабга жавоб берадиган даражада кенг кўламда ишланмоқда. Аҳоли учун хизмат қилувчи маиший-маданий объектлар қурилиш жараёнида. Шаҳар ландшафтига ҳам ўз ўрнида талаб мавжуд (4-расм).

Бу ишларни амалга оширишда саноат зонаси ва мавжуд муҳитни реновация қилиш катта аҳамиятга эга.


Реновация¹ – бу тузилманинг яхлитлигини бузмасдан такомиллаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш жараёнига айтилади.

“Реновациясининг афзалликлари куйидагилардан иборат:

Реновация реконструкциядан фаркли ўлароқ, – саноат объектларини, уларнинг функционал белгиланишини ўзгартирган ҳолда, қайта қуришнинг шаҳар шароитларида энг қулай шаклидир. Реновация янги қурилишга қараганда анча тежамлидир. У мавжуд биноларнинг 90 фоизидан қайта фойдаланиш имкониятини беради. Кўпчилик олдинги саноат майдонлари тайёр таъминот коммуникацияларига эгадир. Бу ҳол шу каби ҳудудларнинг инвестицияларни жалб этишга қулай қилади. Олдинги саноат зоналарини қайта қуриш янги иш жойларини ташкил этиш имкониятини беради, бу эса, ўз ўрнида, маҳаллий бюджетга ЖШДС (жисмоний шахслар даромадига солиқ) қўшимча тушумларининг ортишини таъминлайди. Саноат зоналарини турар жойларга қайта қуриш орқали бюджетга жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар бўйича янги тушумлар

¹Реновация (лот. *renovatio* — янгилаш, таъмирлаш) - янгилаш жараёни, асосий структурани сақлаб қолган ҳолда реконструкция, реставрация қилиш.

келиб чиқади”².



4-расм. Шаҳарсозлик ечимларига муҳтож кўчалар.

Аҳолининг келажаги қандайлиги ҳамма-мизни қизиқтиради, албатта. Сувнинг тобора камайиши, тупроқнинг шўрланиш даражасининг юқорилиги қишлоқ хўжалигига ҳам таъсири катта. Сув таъминотига бўлган талаб анча юқори. Бу ҳолатни Мўйноқ ва Қунғирот шаҳарларида кўпроқ кузатишимиз мумкин.

Кум ва тузли шамоллар тез-тез содир бўлиб туриши натижасини аҳоли саломатлигида акс этади. Аҳоли орасида кўз касалликлари, ўпка сили, астма, кам қонли, диарея, ҳазм қилиш органларида етишмовчиликлар, терида салбий ўзгаришлар сезиладива турли инфекция касалликлар келтириб чиқаради. Булоқ ва ер ости сувларининг таркибида пестицидларнинг учраши, сувнинг ичишга яроқсизлик даражасини оширади. Пестицид³лардан пахта етиштириш жараёнида фойдаланилган. Бу инсон саломатлиги учун зарарли кимёвий модда бўлиб, далаларни суғориш вақтида Орол денгизига

²Исамухамедова Д. Саноат ҳудудларини реновацияси //“Ўзбекистон шаҳарсозлигида муҳитни ва унинг ўзгариш”, мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман мақола ва тезислар тўплами”, Тошкент 2018, 127-130 бетлар

³Пестицид (лотин “*pestis*” – “инфекция” ва “*caedo*” – “йўқ қиламан”) – ўсимликларни зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш учун ишлатиладиган (асосан қишлоқ хўжалигида) кимёвий восита.

Амударё орқали куйилган.

Бу муаммолар бўйича бир қанча халқаро конференциялар ташкил этилган эди. Йиғилишлар соғлом аҳоли қатламини депортация қилиш тўхтамага билан яқун топган, бироқ, аҳоли бунга норозилик билдиришган. Улар минтақадаги қурғоқчилик-қийинчиликларга қарамай барча қийинчиликлардан мардонавор ўтишган ва ҳудудда яшаб қолишган, бунга асосий сабаб- Ватанга бўлган муҳаббатдир. (5-расм).



5-расм. Мўйноқ порт шаҳридаги тарихий кемалар

Бугун Мўйноқ туманида 29 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги денгизни қуриб қолиши сабабли, балиқчиликхунаридан билин шуғулланмай қўйишган. Бунинг сабаби сув ва дарёларнинг камайиши ва шу туфайли, ўн мингдан зиёд одамни ишсиз қолдирди Республика саноати, Мўйноқ Балиқ овлаш мажмуаси таназзулга юз тутди (6-расм). Лекин ҳаёт давом этмоқда.

Қорақалпоғистонсаноат соҳасида 20 та ишлаб чиқариш заводлари иш фаолиятдан тўхтаган. Ишсизлик даражаси икки баробарга кўпайган.

Орол денгизи кўп йиллар мобайнида тикланмагач, ҳудуднинг бор ҳолатидан фойдаланиш илгари сурилди. Унга кўра, қуриган денгиз ҳудудининг ўрнига Оролқум чўлини (Орол денгизининг қуриган қисмини - Оролқум деб атай бошлашди) ёдгорлик ва кўнгилочар мажмуага айлантириш ва жонсиз қуриган ер майдонида сайёҳлик хизматини ташкил этишдир.

Маҳаллий ҳудудда шу мавзуга оид музей яратиш, Оролда сақланиб қолинган кемаларни қайтадан тиклаш ва сақлаш, денгиз ҳудуди томонга йўналтирилган кафе ва дам олиш масканларини барпо этиш, Оролбўйи мавзусида турист ва меҳмонлар учун ёдгорликларни ишлаб чиқиш илгари сурилмоқда.

Инсонларнинг саломатлиги йўлида Орол денгизининг ноёб минераллари ва лой билан даволаш, тузли кўлларда терапевтик ванналарни ташкил этиш таклиф қилинди.

Орол денгизи кирғоғида, ҳатто ёпишқок "шифобахш лой" мавжуд ҳудудлар ҳам учрай-

ди, улар маҳаллий аҳолининг айтишича, турли хил касалликларнинг олдини олади. 80-йилларга қадар Қорақалпоғистонда махсус балчиқ лойлар билан даволаниш санаториялари ҳам мавжуд бўлган.



6-расм. Мўйноқ порт шаҳридаги собиқ консерва балиқ заводи

2008 йил "Петро Алянс" компанияси томонидан Орол денгизида нефт ва газ қидирув ишлари олиб борилганида газ кони топилган. Фойдали қазилманинг сифати юқори бўлиб, таркибида кам микдорда водород сулфиди мавжуд экан.

2017 йилнинг 20-21 январь санасида 101 км ли Кўнғирот-Мўйноқсув таъминоти тизими ўтказилди. Энди 25 минг дан ортиқ аҳоли тоза сув ичимлиги билан таъминланди, Мўйноқ - Учсой сув тизими эса 1.51 км га узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сонли қарорига биноан "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги йиғилишида бир қанча муаммолар ўз ечимини топди.

"Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани табиий ресурсларга бойлиги, географик жойлашуви, юксак туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари ва улкан меҳнат ресурслари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай

яшаш шароити яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, 2018 йилда 12 млрд сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда қурилиш ишларининг ўсишига эришилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, туманда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, аҳоли ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш мақсадида бир неча қарорлар қабул қилди”[1].

Улар қуйидагилардир: умумтаълим соҳаси инфратузилмасини яхшилаш, спорт иншоотларини барпо этиш, соғлиқни сақлаш соҳаси, маданият ва истироҳат боғларини ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини таъмирлаш, аҳолининг яшаш шароити ва сифатини яхшилаш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, электр таъминоти тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, табиий газ таъминотини яхшилаш, ичимлик сув ва оқава сув тармоқларини, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, шаҳарсозлик масалалари, ёшлар келажаги, туризм соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, ирригация тармоқлари, Оролбўйи дельта бўлими, мелиорация

тармоқлари, геология, экология каби соҳаларда истиқболли режалар тузилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Натижада, нафақат экологияни барқарорлигига, балки, мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига ҳам муваффақ бўлган бўламиз. Бу эса ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш билан бирга уларга шароит яратиш, шунингдек, уй-жой билан ҳам таъминлаш, диққатга сазовор жойларини кўрсата билиш аҳоли учун хизмат қилувчи объектларини ишга тушириш ва албатта унга мос ландшафт ечимларини тўғри танлай билиш туман ёки шаҳар миқёсида катта рол ўйнайди

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ҚХММБ: 09/19/37/2490-сон 17.01.2019.
2. Исамухамедова Д.У., Закирова М.Ш. “Қорақалпоқ шаҳарсозлигига саноат ривожланишининг таъсири” “Ўзбекистон шаҳарсозлигида муҳитни сақлаш ва унинг узгариш жараёнлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. Ташкент, ТАСИ, 2018.(20,21/10.)
3. Исамухамедова Д.У. “Саноат ҳудудларининг реновацияси”, “Ўзбекистон шаҳарсозлигида муҳитни сақлаш ва унинг узгариш жараёнлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. Ташкент, ТАСИ, 2018.(20,21/10.)
4. www.msf.org/aralsea
5. <http://www.parcheminsdailleurs.com>
6. <https://foturist-ru.livejournal.com>
7. <https://vokrugsveta.ua>
8. <https://www.fergananews.com/articles/9302>
9. library/ziyonet.uz

ОСОБЕННОСТИ И ХАРАКТЕРИСТИКА ЖИЛИЩНОГО ФОНДА СТАРОЙ ПОСТРОЙКИ 70-80 ГОДОВ XX ГО ВЕКА

Qo'chqorov B., преподаватель

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт. (Узбекистан)

Рассмотрены вопросы сохранения и реконструкции жилищного фонда Республики Узбекистана постройки 70-80 годов XX века. Выявлены особые планировочные особенности реконструируемых и модернизируемых зданий первых массовых серий. Отдельно рассмотрены панельные дома и вопросы их сохранения и укрепления.

Ключевые слова: реконструкция, модернизация, энергосбережение, эксплуатация здания.

The issues of preservation and reconstruction of the housing fund of the Republic of Uzbekistan buildings of 70-80s of the twentieth century. Special planning features of reconstructed and modernized buildings of the first mass series are revealed. Separately considered panel houses housing construction to preserve and strengthen.

Keywords: reconstruction, modernization, energy conservation, building operation.

XX asrning 70-80-yillarida qurilgan O'zbekiston Respublikasining uy-joy fondini saqlash va rekonstruksiya qilish masalalarini ko'rib chiqish. Birinchi darajali rekonstruksiya qilingan va modernizatsiya qilingan binolarning maxsus rejalashtirish xususiyatlari aniqlandi, saqlash va mustahkamlash binosining panelli uylari alohida ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: rekonstruksiya qilish, modernizatsiya, energiya tejesh, bino va inshootlarni ekspluatatsiya qilish

Жилищный фонд Республики Узбекистан, по сравнению с другими европейскими страна-

ми сравнительно молод. Это объясняется массовым строительством в 60-70 годы, как в част-

ностом секторе, так и государственном, демографическим ростом населения. Объем сохранившихся зданий дореволюционной и довоенной постройки был сравнительно мал.

Страны, не подвергшиеся массовому разрушению во время Второй мировой войны, сохранили старый фонд в достаточно большом объеме. Нет сомнения, что эти здания претерпели не одну реконструкцию и модернизацию, и поэтому зарубежный опыт выполнения реконструктивных работ имеет большое значение с практической точки зрения.

Опыт застройки жилыми домами в конце XIX и начале XX в. показывает, что преимущественное влияние на архитектурно-планировочные решения оказывали стоимость земельного участка и удаленность от центральной части города. В то время получили распространение доходные дома, в которых проживало более 70 % городского населения. Этот период характеризуется возведением зданий с высокой плотностью застройки. Ее форма способна интегрироваться в высокоорганизованное городское пространство с максимальным экономическим эффектом, многообразными функциональными и социальными составляющими городской среды [1].

И, в то же время, не соблюдались санитарные и сейсмические требования.

Данный вид реконструкции предусматривает уплотнение городской застройки, более рациональное использование подземного пространства, получение дополнительных площадей с минимальными затратами на устройство сетей и благоустройство территории.

Пристройка может осуществляться в общем цикле с реконструкцией существующего здания, а также индивидуально, когда состояние постройки отвечает нормативным требованиям по эксплуатационной надежности.

Функционально различные виды пристроек имеют, как правило, нежилое назначение или полностью отводятся под административные или торгово-хозяйственные цели. В зависимости от площади пристройки, заглубленная часть может использоваться в качестве автостоянок, бассейнов, тренировочных залов, а также производственных помещений малых предприятий.

Наиболее рациональным является размещение пристройки к торцевым частям зданий. Это позволяет существенно увеличить жилую площадь реконструируемого здания и уменьшить объем работ по усилению фундаментов.

В зависимости от конкретных городских условий и градостроительных целей, формы пристроек могут быть достаточно разнообразны. Как правило, при возведении пристроек максимально используются площадь постройки прилегающие площади. Поэтому, при их

возведении используют технологии, обеспечивающие нормы разрывов по ШНК.



Стесненность строительных площадок требует использования высокомеханизированных технологий, специального грузоподъемного оборудования и инвентаря.

Среди инженерных задач, которые приходилось решать человечеству, есть такие, что вызывают в душе нечто вроде священного трепета. Перенесение зданий с места на место, - одно из таких. В самой идее оторвать дом от матушки земли уже ощущается что-то противоестественное и безвозвратное. Первым делом необходимо каким-то образом отделить дом от основания. Для этого вокруг здания отрывают траншею, а затем отрезают его от фундамента. В практике московских и зарубежных передвижений, в качестве режущего инструмента использовались металлические тросы. Разумеется, на этом этапе здание никуда не поедет: достаточно слегка сдвинуть его с места и оно начнет разрушаться. Прежде чем путешествие начнется, кирпич, камень или дерево придется скрепить.

Первый шаг - укрепление здания так называемыми поясными балками. Другой вариант - опоясывание дома бетонным монолитом. Следующий шаг - сооружение мощной металлической рамы, на которой здание и отправится в путь.

Наружные и внутренние стены, которые окажутся перпендикулярными к направлению движения, наиболее уязвимы, поэтому их требуется укрепить особо. В стенах продельвают продольные борозды (штрабы), куда заделывают мощные стальные двутавровые балки. Эти укрепляющие конструкции называются ранд-

балками. Ниже рандбалок в стенах пробивают проемы для рельсовых путей (они пойдут перпендикулярно рандбалкам). На проложенные рельсовые пути устанавливают катки, а на них, - так называемые ходовые балки. Над ходовыми балками размещают поперечные балки, которые жестко скрепляются с рандбалками, но ходовых пока не касаются. Так опорная рама обретает свой окончательный вид. Наконец, в просвет между ходовыми и поперечными балками вбивают металлические клинья. В этот момент вес здания переносят с фундамента на катки, поставленные на рельсы. Осталось разобрать участки кладки между просветами для рельсовых путей, и дом можно катить. Собственно, описанная технология - это лишь один из вариантов.

Перенос здания допускается только в том случае если здание представляет историко-архитектурную ценность.

Плотность застройки в центре крупных городов превышает периферийную в 5-6 раз. Стоимость квартир дифференцируется в зависимости от качества жилья, которое имеет девять основных типов. Каждый тип квартир оценивается по строительному объему, качеству отделки и расположению в плане.

Основные несущие конструкции зданий старой постройки выполнены с использованием стен из кирпича. Очень часто фасады зданий украшались лепниной, мозаикой, барельефами. Фундаменты и стены капитальных зданий выполнены с большим запасом прочности. Домам старой постройки свойственны сложные планы. Однако, при всех различиях, возможно выделить семь типов, соответствующих планировочной компоновке жилых зданий.

При модернизации и реконструкции жилых зданий массовой застройки предусматривается решение следующих задач:

- приведение планировочной структуры здания в соответствие с требованиями к потребительским и эксплуатационным качествам современного жилища;
- изменение основных строительных параметров здания, этажности, создание двухуровневых квартир, устройство мансард, пристройка отдельных объемов и пролетов;
- совершенствование архитектурно-художественных качеств зданий с учетом общего композиционного решения застройки и современных требований эстетики.

Радикальность архитектурно-планировочных преобразований при реконструкции жилых домов зависит от социально-экономической ситуации в конкретном городе или районе и от выбранного способа реконструкции [1].

Модернизацию или реконструкцию жилых домов можно осуществлять:

- без отселения жильцов;

- с частичным отселением жильцов;
- с временным отселением жильцов и возвращением части их в модернизированные квартиры;
- с отселением жильцов и предоставлением им нового постоянного жилья.



Отечественный, и особенно зарубежный, опыт показывает, что совершенствование способов производства реконструктивных работ, строительных решений, средств механизации, комплекса организационных мероприятий позволяет осуществлять необходимые преобразования объемно-планировочных решений без отселения жильцов. Поэтому рекомендуется, в целях обеспечения снижения затрат на реконструкцию жилого фонда, обеспечения, по возможности, самокупаемости ее проведения, отдавать предпочтение вариантам без отселения или с минимальным отселением жильцов.

Выбор способов модернизации и реконструкции зданий определяется общими целями и задачами развития существующего участка жилой застройки, квартала, микрорайона, архитектурно-строительными решениями зданий, степенью их физического и морального износа, составом жильцов, особенностями инвестирования, соотношением квартир социального и коммерческого назначения.

Мероприятия по модернизации и реконструкции жилых домов первых массовых серий в зависимости от степени радикальности архитектурно-планировочных преобразований и с учетом способа ее проведения можно условно разделить на несколько групп:

- без отселения или с частичным отселением жильцов с надстройкой мансардного этажа, перепланировкой квартир верхнего этажа с организацией их в двух уровнях;
- без отселения или с частичным отселением жильцов, надстройкой мансардного этажа пристройками дополнительных объемов к торцам дома и вдоль фасадов, перепланировкой всех квартир;

- с отселением жильцов, перепланировкой помещений, значительным увеличением общей площади жилья за счет расширения корпуса, надстройки нескольких этажей, в том числе мансардного. Одним из эффективных способов реконструкции жилых домов первого периода индустриального домостроения является устройство мансардного этажа [2].

Выбор объемно-планировочных решений надстраиваемых мансард следует осуществлять с учетом конструктивных и планировочных особенностей реконструируемого здания, его этажности, а так же особенностей их функционального назначения (жилые, деловые, коммунальные и прочие помещения) и соотношения квартир коммерческого и муниципального использования.

В зависимости от классификационных признаков объемно-планировочных решений мансард их можно подразделять на несколько групп - по этажности - на одноуровневые и двухуровневые;

- по взаимосвязи помещений мансард с коммуникационной структурой здания и примыканием к лестнично-лифтовому узлу с устройством коридора;

- по конфигурации крыши, - с треугольным профилем, с щипковым торцом, с вальмовым решением, с симметричными и асимметричными скатами;

- по размещению над верхним этажом существующего здания - над надстраиваемыми дополнительными этажами, над верхним этажом существующего здания и пристраиваемыми дополнительными пролетами или объемами.

В соответствии с ШНК, допускается не предусматривать лифты при надстройке пятиэтажных зданий мансардным этажом при отметке пола надстраиваемого этажа не более 16 м. При этих условиях устройство лифтов можно рассматривать как одну из мер создания более комфортных условий проживания.

Частичное или полное отселение жильцов создает предпосылки для кардинальных изменений планировочной структуры реконструируемого дома, существенного повышения комфортности жилья, увеличения общей площади, повышения плотности застройки. Полное отселение необходимо при подтвержденной технико-экономическими расчетами целесообразности перепланировки всех квартир. Более радикальное преобразование квартир первого этажа предполагает повышение их потребительских качеств, в частности за счет реализации связи с приквартирным участком, организации выходов на него непосредственно из квартир.

Модернизация типового этажа может быть осуществлена путем перепланировки квартир и путем перепланировки секций. Перепланировка квартир должна быть направлена на увеличе-

ние размеров кухни, передней, санитарно-технического узла, устройство встроенных шкафов и кладовых, изоляцию общей комнаты. Перепланировка секций должна сводиться, как правило, к объединению смежных квартир и преобразованию их в многокомнатную квартиру, отвечающую требованиям действующих норм.

Одним из способов создания дополнительных площадей является пристройка многоэтажных объемов в торцах здания в сочетании с устройством мансардного этажа.

Надстройка мансарды и пристройка многоэтажных объемов в торцах здания создают условия для осуществления перепланировки помещений, целых этажей, секций, устройства двухуровневых квартир, изменения функционального назначения помещения первого и последнего этажей при частичном отселении и переселении жильцов в пределах реконструируемого дома. Необходимо отдельно рассмотреть панельные дома [2].

Экономическая оценка проектных решений. Реконструкция зданий и сооружений требует учета экономических, эстетических, технических и ресурсных аспектов.

Объемы реконструкции будут и дальше возрастать, что обусловлено дефицитом земли, ресурсов, недостаточно эффективным использованием эксплуатируемых площадей в производственной сфере, повышением требований к комфортности жилья и др.

Основные направления совершенствования реконструкции: разработка новых методов диагностики состояния конструкций; использование персональных компьютеров при расчете конструкций и САПР при проектировании; внедрение эффективных конструктивных решений; применение конструкций из новых материалов; разработка новых методов усиления и восстановления конструкций; разработка и внедрение в практику прогрессивных технологий; разработка эффективных форм экономического стимулирования.

От правильной экономической оценки конечных результатов использования капитальных вложений, направленных на реконструкцию зданий и сооружений, зависит принятие решений по выбору предпочтительного варианта.

При существующей практике оценка вариантов реконструкции зданий и сооружений может производиться посредством ряда экономических показателей: условно чистой продукции; коэффициента эффективности использования капитальных вложений; уровня и прироста производительности труда; объема и прироста прибыли годового экономического эффекта; единовременных затрат и срока их окупаемости и т.д.

Критериями экономичности проектного решения реконструкции являются: сметная стоимость 1 м² (1 м³) объекта после выполнения всех работ, которая не должна превышать аналогичного показателя при новом строительстве (исключение составляют здания, имеющие историческое или реставрационное значение); возможность выполнения работ без остановки производства; минимум приведенных затрат; годовой экономический эффект от реализации выбранного варианта.

Конечно, описанная технология трудоемкая и многозатратная, но как путь решения проблемы достойна рассмотрения.

Реконструкция зданий и сооружений является сложной многоплановой проблемой. Ее решение в каждом конкретном случае требует учета социальных, экономических, эстетических, технических и ресурсных аспектов. Объемы реконструкции будут и дальше возрастать, что в первую очередь обусловлено дефицитом земли, ресурсов, недостаточно эффективным

использованием эксплуатируемых площадей в производственной сфере, повышением требований к комфортности жилья и др.[3].

Предложенные методы целесообразно осуществлять в нашем городе, ведь все жители нуждаются в достойном жилье, но не у всех есть возможность приобрести новое, поэтому модернизация и реконструкция жилищного фонда - одна из глобальных проблем современности.

Литература:

1. Rekonstruktsiya jilix zdaniy. Chast I. Texnologii i vosstanovleniya ekspluatatsionnoy nadejnosti jilix zdaniy. Rekomendovano Uchebno metodicheskim ob'edineniem vuzov RF v kachestve uchebnogo posobiya dlya studentov, obuchayushix s yaponpravleniyu 270100 «Stroitelstvo». Moskva 2008 g. 16-48 s.
2. M.Bulatov «Geometricheskii analiz arxitekturnix pamyatnikov Sredney Azii»76-106ss
3. «Metodika restavratsii i pamyatnikov arxitekturi» Moskva- 1977 g. 65s

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП ХОНАДОНЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Хотамов Асадулла Тоштемирович, докторант, т.ф.н., доцент.
Тошкент архитектура-қурилиш институти.

Мақолада республикада мавжуд кўп хонадонли турар-жой бинолари, уларни эксплуатациясидаги ҳудудий муаммолар, уларнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати, эксплуатациясини тўғри ташкил этиш бўйича зарурий чорлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

В статье приведены сведения о существующих многоквартирных домах в республике, региональные проблемы при их эксплуатации и текущее техническое состояние, необходимые мероприятия при правильной организации их эксплуатации.

The Article provides the information on existing apartment buildings in the Republic, regional problems in their operation and current technical condition, necessary measures for the proper organization of their operation.


Таянч иборалар: кўп хонадонли турар-жой бинолари, эксплуатация, техник ҳолат, умрбоқийлик, биноларнинг норматив хизмат муддати, қолдиқ хизмат муддати, биноларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.

Кириш. Мавжуд кўп хонадонли турар-жой биноларининг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш, уларни баҳолаш, нормал эксплуатацияси билан боғлиқ бўладиган режавий-огоҳлантирувчи тизими моделини ишлаб чиқиш, улар билан боғлиқ бўлган шаҳарсозлик масалаларини ечиш – булар мавжуд алоҳидаги турар-жой биноларини ҳамда улар мажмуасини, даҳалар, микрорайонлар даражасида шаҳар турар-жой ҳудудларини реновацияси масалаларига истиқболли бош режаларни тузиш учун зарурий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шу мақсадда биринчи навбатда республикада мавжуд кўп хонадонли турар-жой биноларининг қурилган даврлари бўйича уларнинг ҳолатларини ўрганиш муҳимдир.

Асосий қисм. 1-расмда келтирилган маълумотлар бўйича, 2018 йил декабр ҳолатига кўра 34584 та кўп хонадонли уйларда жами 1197318 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда расмий маъ-

лумотлар бўйича 4227358 нафар аҳоли истиқомат қилади [2]. Бу республикада аҳолисининг тахминан 13% ини ташкил қилади. Демак, республикада мавжуд кўп хонадонли уйларнинг ҳар бир хонадонига 3.53 нафар одам тўғри келади.

1967 йилгача қурилган турар-жой биноларини ҳам ўз навбатида шартли равишда 1920-40 йилларда қурилган дастлабки кам ва ўрта қаватли турар-жой биноларига ва 2-жаҳон урушидан кейин 1967 йилгача бўлган даврда қурилган турар-жой биноларига ажратиш мумкин [3]. 1967 йилгача қурилган турар-жой бинолари ўзига хос меъморий ечимга бўлиб, фасадда карнизларнинг бўртиб чиқиши, жимжимадор балкон конструкциялари, устунлар ва олд фасад бўйича чордоқ конструкцияларида алоҳида элементлар – шамоллатиш деразалари мавжудлиги билан ажралиб туради.



1-расм. Ёиллар давомида қурилган уйлар сони (%), хонадонлар ва ундаги яшаётган аҳоли сони (10000та), ХУЖМШларга бириктирилган уйлар сони (10та), ХУЖМШларга бириктирилмаган уйлар сони (10та)нинг ўзгариши динамикаси.


Уларнинг ҳақиқий хизмат муддатлари (Тэ) – дастлабкилари 100 йилга яқинлашга бўлса, энг сўнгиларига ҳам 50 йилдан ошди. Бу биноларда жисмоний емирилиш билан бир қаторда маънавий эскириш даражалари юқоридир. Мазкур даврда қурилган биноларнинг кўпгина параметрлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига хусусан, зилзилабардошлик талабларига мос келмайди.

ҚМҚ 2.01.01-94 [000] бўйича республикаимиз ҳудудлари иқлим кўрсаткичлари, рельефи, гидрогеологик шароити бўйича бир-биридан кескин фарқланувчи турли минтақалардан иборат. Бу нарса эксплуатациядаги тарар-жой биноларига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Сирдарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида сизот сувлари сатҳининг ортиб бораётганлиги салбий табиий омил сифатида қаралаётган бўлса [1], Хоразм воҳаси, Қорақолпоғистон республикаси ҳудудларида шўрланиш даражасининг ортиши мазкур минтақалар шаҳарсозлигида салбий таъсир кўрсатмоқда.


2-расмда кўп хонадонли уй-жой биноларини республикаимиз ҳудудлари бўйлаб мавжуд ҳолати келтирилган [2]. Бу маълумотга кўра жами мавжуд кўп хонадонли турар-жой биноларининг 42%и Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган. Бу борада 2-ўринни Фарғона вилояти эгаллаган (9%).

Ҳудудлар бўйича авария ҳолатидаги турар-жой бинолари ва улардаги квартиралар сони ҳақида маълумот 4-расмда келтирилган. Унга кўра Қорақолпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти етакчи ҳудудлар

ҳисобланади. Бу нисбатни Тошкент шаҳрида биноларнинг кўплиги эвазига, деб ҳисобласак, қайд этилган иккала ҳудудда табиий омиллар таъсирининг, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги экотизимнинг кескин ўзгарганлиги, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида гидрогеологик тизимдаги ўзгаришлар таъсири устиворлигини эътироф этишимиз мумкин.



2-расм. Кўп хонадонли уйларнинг республикаимиз ҳудудлари бўйлаб мавжуд ҳолати (12.2018й.).



3-расм. Ҳудудлар бўйича авария ҳолатида деб топилган кўп хонадонли турар-жой бинолари сони.

Конструктив қисмларнинг ортикча намликдан кучсизланиш (аксарият фиштли биноларда), фишт конструкциясида музлаш-эриш цикли частотасининг ортиши ва хоналарда санитар-гигиеник ҳолатнинг ёмонлашуви, шўрланиш


даражасининг ортиши, натижада ҳақиқий эксплуатация муддати норматив хизмат муддатининг ҳали 50% ни ҳам ташкил этмасдан мазкур биноларнинг ярқисиз деб топилиши, мазкур худудларда қўшимча турли инженерлик тадбирлардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Биз томондан Сирдарё вилоятида ўтказилган баъзи кузатувлар шуни кўрсатдики, турар-жой биноларининг авария ҳолатига олиб келувчи сабаб, сизот суви сатҳининг кутарилишидир.


Республикада мавжуд кўп хонадонли турар-жой биноларининг техник ҳолати 4-расмда келтирилган.

5-расмдан кўриниб турибдики, аксарият таъмирталаб турар-жой бинолари 2010 йилгача қурилган бинолар бўлиб, уларнинг ҳақиқий эксплуатация муддатлари турличадир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги 10 йилликда қурилган биноларнинг 20%дан ортиги ҳам таъмирталабдир. Бунга асосий сабаб, турар-жой биноларида режавий таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаётганлигидир.

6-расмда республикада бўйича авария ҳолатидаги турар-жой биноларининг қурилган йиллари бўйича нисбати келтирилган бўлиб, унга кўра, жами авария ҳолатидаги уйларнинг 48.6%и 1967 йилгача қурилган бинолардир. Авария ҳолати қайд этилган бинолар жами 452 та бўлиб, бу кўп хонадонли биноларнинг 1.3% ини ташкил этади. Шулардан 98 тасида махсус асбоб-ускуналар ёрдамида инструментал текширув олиб борилаётган бўлса, 187 таси бузилиши, 102 таси капитал таъмирланиши, 20 таси реконструкцияга ва 45 таси жорий таъмирлашга режалаштирилган.



4-расм. Кўп хонадонли турар-жой бинолари умумий сонига нисбатан авария ҳолатидаги бинолар улуши ва квартиралар сони (12.2018й) [2].




5-расм. Мавжуд кўп хонадонли уйларнинг таъмирталаб бўлиши бўйича маълумот.

Шу ўринда, инспекция томонидан ўтказилган бевосита кўрик натижаларини тўғридан-тўғри маълумот сифатида қабул қилиш билан биргаликда, биз томондан олиб борилган кузатувлар асосида қуйидаги муҳим маълумотларни ҳам келтирмоқчимиз.

1) сўнгги 30 йилликда турар-жой секторига назоратнинг издан чиққанлиги, режавий-огоҳлантирув ишлари, хусусан, кўриқлар ва таъмирлар тизимининг деярли ишламаганлиги;

2) эксплуатация шартларининг қупол равишда бузилиши ҳолатлари, жумладан, эксплуатациядаги турар-жой биноларининг биринчи қаватларини нотурар-жой секторига ўтказишга давлат томонидан рухсат берилиши, натижада жой эгасининг фаолиятга мослаштириш мақсадида ўзига тегишли қисмда конструкцияларни ноқонуний бузиш ҳолатлари;



6-расм. Авария ҳолатидаги кўп хонадонли уйлар бўйича маълумот.

3) кўп хонадонли турар-жой биноларида ўзбошимчалик билан квартира тарҳини ўзгартириш, юк кутарувчи конструкцияларга шикаст етказиш ҳолатлари;

4) турар-жой биоларининг фасад қисмларида балконларнинг ўзбошимчалик билан турли шаклларга келтирилиши;

5) туташ худудларнинг қаровсиз ҳолатда қолганлиги, хусусан: сув қочириш тизими – ариқларнинг ишдан чиқиши, отмостваларнинг бузилиши, ёндош худудларда ташқи-атмосфера сувларининг йиғилиши ва уларни оқизишни ташкил этилмаганлиги;

6) бионинг ертўла қисмининг қаровсиз қолганлиги, гидроизоляция қатламининг кучли емирилиши, ертўлада сизот сувларининг йиғилиши ҳолатлари ва натижада бу ерда ҳарорат-намлик маромининг бузилиши;

7) бионинг чордоқ қисми, том қоплама конструкцияларининг ўз вақтида капитал таъмирланмаганлиги натижасида томдан намлик ўтиши;

8) жорий нормаларда кўзда тутилган ёнғин хавфсизлиги йўлакларининг ёпилиши, умуман мавжуд эмаслиги (кўп ҳолларда биоларнинг орқа томонида йўлакларнинг умуман мавжуд эмаслиги);

9) ертўла қаватларидан қонун бўйича таъқиқланган мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари;

10) инженерлик тармоқларининг эскириши натижасида ораёпма конструкцияларида, ертўла қаватларида конструкцияларнинг жисмоний емирилиши жадаллиги ортиши;

11) кўп қаватли биоларда лифт ускуналарининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги;

12) йиғма темирбетон панелли биоларда ташқи панеллар орасидаги тирқишларнинг очилиб қолганлиги ва натижада лойиҳавий энергиясамарадорлик кўрсаткичларининг камайиши;


13) биоларнинг уфққа нисбатан нотўғри жойлашуви натижасида узоқ давр мобайнида доимий қуёш радиацияси таъсиридаги ташқи деворларда бетон эластиклик модулининг камайиб бориши, натижада ташқи панелларнинг иссиқлик ўтказувчанлик тафсилотларининг салбий томонга ўзгариши;

14) биоларнинг уфққа нисбатан нотўғри жойлашуви натижасида доимий қуёш радиацияси таъсиридаги ташқи деворларда жисмоний емирилиш жадаллигининг ортиши, пардоз материаллари умрбоқийлигининг камайиши ва ҳ.к..

Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси биргаликда бионинг умрбоқийлиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатиши кузитлмоқда.

7-расмда таъмирга муҳтож бўлган кўп хонадонли уйларнинг таъмирлаш режаси бўйича маълумот келтирилган. Режа асосида бугунги кунда утказилаётган капитал таъмирлаш ишлари қисман бажарилмоқда (аксарият ҳолларда бионинг том қоплама қисми алмаштириш, кириш йўлакларида бетон қоплама ишлари каби). Бионинг фасад қисми, иссиқлик изоляция қатламлари, панеллар орасидаги чоклар, ертўла

қисми, отмоствалар, чордоқли том ёпмаларда ёғоч конструкцияларини алмаштириш, ташқи инженерлик жиҳозлари, қувур тармоқларини алмаштириш каби ишлар тулиқ бажарилаётгани йўқ.



7-расм. Таъмирга муҳтож бўлган кўп хонадонли уйларнинг таъмирлаш режаси бўйича маълумот.

Жорий ва капитал таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаётганлиги емирилиш жадаллигининг нафақат ёрдамчи конструкцияларда, балки асосий юк қутарувчи конструкцияларида ҳам кучайтириши, натижада бионинг ҳақиқий хизмат муддати унга белгиланган меъёрий хизмат муддатга етмасдан тугаётганлиги юқорида келтирилган авария ҳолати қайд этилган биоларда кузатилди.

Хулоса. Ўтказилган кузатув-текширув ишлар шуни кўрсатадики, республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турар-жой биолари эксплуатациясининг бугунги ҳолати ва турар-жой масканларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни комплекс тадқиқ этиш заруриятини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида қуйидагиларга эришилади:

- аниқ шароитда ишлайдиган қурилиш материаллари учун ҳақиқий хизмат муддатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг меъёрий хизмат муддати белгиланади;

- бино конструкцияларини ташкил этувчи қурилиш материаллари турлари, уларнинг таркиби, уларга қуйиладиган меъёрий талаблар, уларнинг норматив хизмат муддатлари ва унинг ҳақиқий хизмат муддати билан фарқи аниқланади;

- баъзи қурилиш материалларининг жисмоний емирилиши жадаллиги аниқлаштирилади;

- пардоз ишларининг маънавий эскириши жадаллигини аниқлаштирилади;

- инженерлик тармоқларининг жисмоний ва маънавий эскириши аниқлаштирилади.

Натижада:

- худудий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда турар-жой ва жамоат биоларининг экс-

плуатациясини тўғри ташкил этишда таъмирлаш ишларини тўғри режалаштириш;

- капитал таъмирлаш ишларини асослаш;
- янги қурилатган биноларнинг меъёрий хизмат муддатини капиталлик груҳларига нисбатан аниқлаштириш;
- эксплуатациядаги биноларнинг қолдиқ хизмат муддатини прогноз қилиш ва аниқлаш;
- эксплуатация даврининг исталган пайтидаги бинонинг оптимал умрбоқийлигини прогноз қилиш ва аниқлаш имкониятлари яратилади;
- мавжуд бинолар, уларнинг гуруҳларини капитал таъмирлаш, модернизациялаш, реновация қилиш бўйича мониторинг тизими яратилади.

Адабиётлар:

1. Рашидов Т.Р., Кондратьев В.А., Раззаков С.Ж.,

УДК: 72.03.

УЛУГБЕК РАСАДХОНАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

Яхьяев А.А., катта ўқитувчи, (Тошкент архитектура-қурилиш институти),
Режапова Д.А. ЎИБДЎ Янгийўл қурилиш ва миллий хунармандчилик КХК

Улугбек расадхонаси Ўрта Шарқда нодир иншоот бўлиб, кейинги асрларда, то овруполиклар томонидан телескоплар кашф этилгунга қадар, йирик астрономик кузатув асбоби ҳисобланиб, Шарқ астрономияси учун бунёд этилган меъморий иншоотларга муносиб намуна бўлиб келди.

Калит сўзлар: меъморчилик, расадхона, қурилиш, иншоот, юлдуз.

Обсерватория Улугбека - уникальное сооружение на Ближнем Востоке, и она была прекрасным примером восточной астрономии на протяжении многих веков, вплоть до открытия телескопов европейцами.

Ключевые слова: архитектура, обсерватория, строительство, объект, звезда

The Ulugbek Observatory is a unique building in the Middle East, and has been a great example of Eastern astronomy for many centuries, until the discovery of telescopes by Europeans.

Keywords: architecture, observatory, construction, the star.

Расадхоналар меъморчилиги Ўзбекистон меъморчилик меросига оид илмий тадқиқотларда муҳим ўрин эгалласада, уларнинг сақланган намуналари оз бўлгани учун бу мавзу алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида жуда кам ўрганилган. Фақат Самарқанддаги Улугбек расадхонаси қолдиқларини тадқиқотлари кенг қўламда олиб борилган. Бошқа бу турдаги объектлар ҳақида эса фақат фаразий, тахминий мулоҳазалар билан чекланиб қолинди. Ўзбекистон ҳудудида осмон жисмларини кузатиш қурулмаларининг кўплаб турли шакллари, тизимлари мавжуд бўлган, уларнинг аксарияти ҳали ҳам фанга маълум эмас.

Жаҳонга машҳур ва ҳозирда ҳам оламшумул аҳамиятга эга бўлган юлдузлар жойлашуви ва ҳаракати жадвали “Зижи Кўрагоний” яратилган ва XV асрнинг машҳур зукко олимлари Улугбек бошчилигида илмий фаолият кўрсатган ва замонасининг энг мукамал расадхонаси ҳисобланган бу иншоот қолдиқлари ва квадрант қисми 1908 йили В.Вяткин томонидан, са-

Нишонов Н.А. Обеспечение сейсмической безопасности зданий индивидуальной жилой застройки Ферганской долины. АН РУз ИСС. Ташкент, 2016.

2. Кўп хонадонли уй-жой фондларининг техник ҳолатлари бўйича ўтказилган хатлов натижалари, ушбу жараёнда аниқланган камчилик, муаммо ва қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда уларнинг бартараф этиш юзасидан “Уйжойфондинспекцияси” томонидан қўрилган чоралар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси маълумоти. Тошкент, 2019й, апрель.

3. Хотамов А.Т., Кадабаева Ш.С. Бино ва иншоотлар эксплуатациясидаги муаммолар ҳақида мулоҳазалар. Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш, барпо этиш, техник эксплуатация қилиш, реконструкциялаш ва модернизациялашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. ФерПИ, 2015. 27-28 апрел.

марқандлик зиёли Абу Саид Махсум кўрсатган жойда, археологик қазишмалар ёрдамида очилгандан сўнг ҳозиргача олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот объекти сифатида диққат марказида туради. Пойдевор қолдиқлари, ҳамда чуқур хандақдаги квадрантнинг сақланиб қолган қисмини ўрганиб унинг асл қурулмавий, меъморий ҳолатини аниқлаш бўйича кўплаб илмий хулосалар чиқарилган бўлсада бу борадаги муаммолар хануз ўзининг тугал ечимини топган эмас. 1420 йилда қурилган бу бекиёс мисли қўрилмаган расадхона ҳақида замондошлари ва XVII асргача, расадхона бузилиб кетган вақтгача, уни кўрганлар келтирган таърифларни таҳлили ҳам турлича мулоҳазаларга олиб келсада аниқ жавоб топилмай келади.

Расадхона яқинига қурилган музей биносидаги лойиҳавий тасвирларнинг аксарияти таҳминларга асосланган. Қадимий манбалардаги тафсилотларни тўғри талқин қилиниши ва жойдаги қолдиқларда олиб борилган изланиш ва

ҳисоб-китобларни XV аср меъморчилигидаги ўлчов мезонлари билан боғлиқ равишда олиб бориб расадхонанинг асл кўриниши, ишлаш хусусиятларини аниқлаш зарурияти тадқиқотчилар олдида ҳануз долзарб бўлиб қолмоқда. Қуйида Улуғбек расадхонасига оид тадқиқотларнинг натижалари таҳлил этилиб, хулосалар қайта кўриб чиқилди. Тажрибали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган таъмир ва қайта тиклаш лойиҳалари ўрганиб, уларнинг ечимлари қадимий кўлэзма манбалардаги таърифлар нуктаи назаридан қайта кўрилди. Бу лойиҳаларнинг муаммоли томони расадхонанинг асосий кузатув қурулмаси квадрант ва диоптр тўйнуқли ёпилманинг жойлашуви ва шаклини тўғри аниқлашдадир.

Расадхонада олиб борилган кузатишлар натижасида Улуғбек бошчилигида юлдузлар, сайёралар ҳаракати жадвали яратилди. “Зижи Кўрагоний” ёки “Улуғбек зижи” дунёда бундай жадвалларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Унда тақвимлар, вақтни аниқлаш, сайёралар ҳаракати ва бошқа маълумотлар атрофлича, кенг ва аниқ ёритилган. Тақдир тақозоси билан Улуғбек ўлдирилгандан сўнг, тахт талашлар, ўзаро низоли урушлар туфайли Самарқанд тушқунликка учради. Улуғбек асос солган академия тарқаб кетди. Вақт ўтиши билан қаровсиз қолган расадхона вайрон бўлиб, фақат XX аср бошларида унинг қолдиқлари Самарқанд яқинидаги тепаликлардан бирида аниқланган эди. Расадхона ҳақида фақат Улуғбек замондошлари ёки расадхонани бузилиб кетмаган ҳолатда кўрган шахсларнинг ёзиб қолдирган маълумотлардагина айрим хотиротлар сақланган. Бу тарихий манбалар расадхонанинг асл кўринишини, унинг меъморий ва функционал хусусиятларини аниқлаш учун бирламчи асос бўлиб ҳисобланади. Чунки, ёдгорликдан пойдевор ўрни ва ярим айлана шаклидаги хандак бизгача етиб келган.

Улуғбек давридаги расадхоналар ва уларнинг жиҳозларига оид айрим маълумотларни Алишер Навоий асарларидан аниқлаш мумкин. Маълумки Алишер Навоий ёшлигида Самарқанда бўлиб Улуғбек расадхонаси яқинида жойлашган Фазлуллоҳ Абул Лайс мадрасасида таълим олган эди. Шу йилларда у Улуғбек расадхонасида ҳам бўлган (1465-1469 йиллар). Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Улуғбек ҳақида: “Ҳайъат (астрономия) ва риёзийни (математикани) хўб билур эди. Аноқким, зиж битди (“Зижи Кўрагоний”) ва расад боғлади (расадхона қурди) ва ҳоло анинг зижи орода шоеъдуо” - деб ёзади. Чунки Навоий Самарқандга келганда Улуғбек расадхонаси фаол ҳолатда эди. Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг яна 20 йилдан кўп вақт ана шу иншоотда излашишлар олиб борганди. Улуғбек расадхонаси

Навоийда катта таассурот қолдиргани, унинг “Фарҳод ва Ширин” асаридаги қуйидаги мисралардан билса бўлади.

Алишер Навоий ўз асарларидаги астрономик маълумотларда баъзи астрономик жиҳозларни эслатадики, бу унинг Улуғбек расадхонасида бўлиб ушбу жиҳозлар билан танишганидан далолат беради. Устурлоб, армилляр сфера, осмон глобуси, қўш ёйли деворий квадрантларнинг тавсифи ҳам Навоий асарларида учрайди.

Устурлоб - астрология (юнонча - “астер” - юлдуз, лабен - тутмоқ, яъни “юлдуз тутувчи” маъносини беради) воситасида жойнинг географик координатаси, ёриткичлар баландликлари, чиқиш ва ботиш вақтлари, азимутлари, қаъба томон ва вақтни аниқлаш каби вазифаларни бажаришда ишлатилган. Алишер Навоий назмий “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) асарида бу астрономик жиҳозни “сутурлоб” номида келтиради ва тавсифини беради. Бу тавсифнинг насрий баёни: улар металлдан тилсим қилиб, думалоқ шаклга эга бўлган икки нарса ясадилар. Унинг бири - уст қисми мисдан, иккинчиси (ост қисми) эса, ярқирок пўлатдан бунёд этилди. Мис билан иш кўрган олимлар куёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган сутурлоб асбобини яратдилар. Пўлатдан эса кўзгуга ўхшаган нарса ихтиро қилдилар.

Сутурлоб - осмонда қандай шаклдаги жисм бўлса, ҳаммасини кўрсатар, кўзгу эса, бошдан оёқ бир тилсим бўлиб, ер қуррасида нимаики мавжуд бўлса, бу ойнага қараган одам шунинг ҳаммасини кўрар эди. Алишер Навоий тавсифлаган сутурлоб билан Самарқанд, Рей, Марағона расадхоналари тузилиш принципларида маълум ўхшашлик мавжуд ва бу жиҳозлар, Галилей 1610 йили телескоп ихтиро қилгунга қадар телескоп тушунчасини ўзида ифодалаган маълум бир босқич вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Армилляр сфера - ҳалқа шар - “зат ал-ҳалақ” маъносида бўлиб, ёриткичларни осмон сферасидаги ўрнини аниқлаш мақсадида қўлланилган. Улуғбек расадхонасида бундай ҳалқалар сони еттига бўлган. Навоий ижодида бу жиҳоз билан боғлиқ сўз ва иборалар учрайди. Шунингдек, осмон глобусига ишоралар ҳам мавжуд. Осмон глобуси Шарқда қурилган расадхоналарнинг асосий амалий аҳамиятга эга жиҳозларидан ҳисобланади. Мўғул хони Хулагу томонидан Марағода қурилган расадхонанинг осмон глобуси (XIII аср) бронзадан, юлдузлари олтин, қумушдан ясалган бўлиб, унда тасвирланган экватор ва эклиптика ҳалқалари даражалар билан белгиланган эди. Улуғбек расадхонасидаги осмон глобуси ҳам бронзадан, олиб қўйиладиган юлдузлари қумушдан қилинган эди. Ҳозирда бу глобус Англиядаги шахсий коллекцияда сақланади.

Кўш ёйли деворий квадрант Улуғбек расадхонасининг асосий жиҳози - улкан астрономик иншоот, бино кўринишида Алишер Навоий назарига тушган эди.

Қадимги қўлёзмалардан 1562 йили кўчирилган “Таворихи-гўзидаи Нусратнома” нусхасида (муаллифи номаълум) бир расадхона тасвири келтирилган. Тасвирдаги уч қаватли иншоот Мирзо Улуғбек расадхонаси кўриниши бўлиши мумкин. Мусаввир бинони айлана шаклини, секстантнинг юқори қисмини қайд этган. Матнда гумбаз атрофида тадқиқот хоналари жойлашгани ҳақида ҳам мушоҳада юритилган [1].

Юқорида зикр этилган манбалар Улуғбек даври расадхоналар меъморчилиги ҳақида маълум даражада тасаввур уйғотсада, унинг аниқ тархий, меъморий ва функционал ечими асрлар давомида иншоот бузилиб кетгани ва кейинчалик унинг аниқ жойи ҳам номаълум бўлгани учун кўп вақтдан бери муаммо бўлиб келган. Юқорида келтирилган таърифлар ўз замонаси учун маъқул келсада, тадқиқотчилар учун бинонинг меъморий кўриниши, тархий-ҳажмий ечимини тўлиқ аниқлашга имкон бера олмади. Фақат расадхона қурилган жойини аниқлаш ва у ерда олиб бориладиган археологик тадқиқотларгина бу масалага равшанлик киритиши мумкин эди. XX аср бошларига келиб расадхона жойи аниқланди ва у ерда археологик тадқиқотлар олиб бориш ишлари бошланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, Самарқандда кўплаб маҳаллий зиёлилар, маърифатпарварлар, ўлкашунослар яшаб ижод қилганлар. Ана шундай зиёлилар халқимизнинг қадимий ёдгорликлари тарихининг билимдонлари, хаттотлари, таржимонлари, олимлари ичида самарқандлик Абу Саид Махзум ҳам фаолият кўрсатиб келган. XIX асрнинг 80-йилларида унинг ижодига рус шарқшунослари ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Уларнинг илмий ишларига холис ёрдам берган Абу Саид Махзум, 1904 йили қадимий Афросиёбда излашлар олиб бораётган В.В.Бартольд билан ҳам яқиндан танишган ва унга берган ёрдами туфайли рус олимнинг тадқиқотлари самарали бўлиши таъминланган. Абу Саид Махзум Самарқанднинг Гўри Амир, Шоҳизинда мажмуаларида, Регистондаги машхур мадрасаларда сақланиб қолган қадимий ёзувларни ўрганиб таржима қилган ва нусхаларини яратган эди, кейинчалик бу нусхалар ушбу биноларнинг йўқолган ёзувларини таъмирлашга имкон берди. Бу нусхаларнинг айримларини шарқшунос С.А.Лапин 1896 йили Самарқандда, Э.Блоше эса 1897 йили Парижда эълон қиладилар.

Расадхона очилган бир неча йилдан сўнг дастлаб айланма қурулмали расадхона пойдевори (диаметри 48 метрга тенг) ва вертикал до-

иранинг ер ости қолдиғи билан ҳамда биринчи қават хоналарининг баландлиги 0,30-0,40 метрда сақланган қолдиқлари қисман мустаҳкамланди. Кейинчалик, хандақ устига гиштдан куббасимон қоплама ёпилма том қилиниб, ён томонига зиёрат учун эшик ўрнатилди.

VIII-IX асрларда бунёд этилгани тахмин этилган бундай иншоотлар меъморчилигида марказида туйнукли гумбасимон ёпилма асосий рол ўйнаган. XI-XII асрга келиб астрономия фани тадқиқотларига талаб ошиши расадхоналар меъморчилигида ҳам турли туман кузатув асбоблари ўрнатилган иншоотларни барпо этиш ривожланди. Расадхоналар астрономия фанининг мураккаб масалаларини ҳал этиш куралига айланди. 1420 йили Самарқандда Улуғбек томонидан бунёд этилган расадхона функционал жиҳатдан энг мукамал кузатув иншооти бўлиб, унинг меъморий-қурулмавий ва бадий хусусиятлари Темурийлар даври меъморчилигининг энг юксак талаблари даражасида намоён бўлган. Ташқи тарзларига кошнинг безаклар берилган бўлиб, ички деворий сатҳларига нақшлардан ташқари юлдузлар, ер хариталари чизилган. Марказий Осиёдаги расадхоналар ичида энг мукамал меъморий ечимларда бунёд этилган бу бино билан таққосланадиган бу турдаги иншоот ҳозирча маълум эмас. Кейинчалик XVII асрларда Ҳиндистонда қурилган расадхоналар ҳам Улуғбек расадхонаси каби мукамал, серҳашам, жозибадор кўринишга эга эмас.

Буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, асл номи Муҳаммад Тарағай бўлган ва тарихда Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган давлат арбоби, олим 1394 йили 22 мартда туғилган. У ёшлигида Темурнинг хотини Сарой Мулкхоним (Бибихоним) тарбиясида бўлган. Ҳар соҳада чуқур ва кенг билим олган Улуғбек 1411 йили Мовароуннаҳр тахтига 17 ёшида ўлтириб 1414 йилдан бошлаб тўлиқ ҳукмдорга айланади. Умуман Улуғбек давлатни 40 йил (1409-49 й) бошқарган. У давлат ишларидан кўра илм-фан, бунёдкорликка катта эътибор бериб, бу фаолиятни давлатининг сиёсий-мафкуравий асосига айлантиришга интилди. Астроном сифатида эса шогирдлари билан мингдан ортиқ юлдузларнинг жадвалини тузган. Бунёдкорлик, ободончилик ишларини кенг кўламда олиб борган. Кўплаб мадрасалар қурдирган: 1417 йили Бухорода, 1420 йили Самарқандда, 1433 йилда Ғиждувонда қурдирган мадрасалари ҳозирда ҳам сақланиб таъмирланган ва жаҳон меъморий дурдоналари қаторидан ўрин олган. Самарқанддаги Бибихоним ансамбли, Шоҳизинда мажмуаси, Шаҳрисабздаги Дор ут-Тиловат мажмуалари ҳам Улуғбек сазойи-ҳаракати билан тугал ҳолга келган. Мамлакатнинг барча ҳудудларида у қурдирган иншоотлар намуналари мавжуд.

Улуғбек расадхонаси XV аср меъморчилигида ноёб ва нодир иншоот бўлиб, унинг ёрдамида Шарқ астрономия фанининг янги қирралари кашф этилган. Улуғбек ушбу расадхона ва ўзи қурдирган мадрасаларга ўша даврнинг машхур олим ва зиёлиларини жамлаб илмий фаолият юритишларига имкон яратган, ҳамда ўзи ҳам самарали ижод қилган. Темур давридаёқ Самарқандга келган машхур олимлардан Қозизода Румий, кейинчалик Улуғбек таклиф этган Ғиёсиддин Жамшид Коший, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофийлар Улуғбек мадрасалари, кутубхоналари ва расадхонасида маърузалар ўқиб, ижод қилдилар. Бу борадаги фаолияти туфайли ўрта асрнинг машхур француз олими ва ёзувчиси Волтер “Трансоксианада унинг (яъни Темурнинг) ўрнига чиққан машхур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солган” деган таъриф берган.

Улуғбек расадхонаси XV аср жаҳон меъморчилигида ноёб ва нодир иншоот сифатида бекиёс ҳодиса бўлиб, унинг улкан астрономик асбоб функцияси, кейинчалик XVII-XVIII асрларда Шарқда, айниқса Ҳиндистонда қурилган расадхоналарга намуна бўлган. Ҳинд рожаси Савой Жай-Синг Дехли, Жайпур, Мутра, Банорас ва Ужайнда расадхоналар қурдириб, у ерда яратилган жадваллар “Самарқанддаги расадхоналардаги қурулмалар” каби асбоблар орқали тузилганини ғарб тадқиқотчилари ҳам эътироф этадилар. Албатта, бу даврда Улуғбек расадхонаси бузилиб кетган эди. Лекин, манбалардаги таърифлар расадхона қурувчиларига қўлланма бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Расадхоналар меъморчилиги тадқиқотларида ва айниқса Улуғбек расадхонасининг асл қиёфасини, тузилишини ўрганишда икки аср кейин қурилган ва нисбатан яхлит сақланган ҳинд расадхоналарига мурожаат қилишлари ҳам бежиз эмас эди. Сақланиб қолган ҳинд расадхоналарини ўрганишда улардаги Самрат-Янтра деб аталган махсус асбоб қизиқиш уйғотади. Дехли, Жайпурдаги расадхоналардаги бу асбоб аниқ вақтни кўрсатувчи улкан қуёш соатлари миллари кўринишида қилинган. У вертикал деворли бўлиб икки чоракли ёй ва кўндаланг ҳалқали бўлиб, бир томони тикка кўтарилган. Унинг қиялиги, чоракли ёйлар сиртлари қияли билан расадхона жойлашган шаҳар кенглигига мос бўлган. Ёйларга соат, минут ва секундлар белгиси қилинган. Кўндаланг қурулма деворидан соя куннинг биринчи ёки иккинчи ярмидаги вақтни белгилаган. Г.Пугаченкова Улуғбек расадхонаси ҳам секстантга перпендикуляр равишда қуёш соатлари ёйлари қилинган эҳтимолини таҳмин этади [5]. Дехли расадхонасидаги иккала чоракталикнинг қалин деворлари орасига асбоб-жиҳозлар учун хоналар қилинган. Улуғбек расадхонаси қурулмалари ҳам шундай тежамкор

ва оқилона ечимда бўлганига шубҳа йўқ.

Улуғбек расадхонаси Ўрта Шарқда нодир иншоот бўлиб, кейинги асрларда, то оврупонликлар томонидан телескоплар кашф этилгунга қадар, йирик астрономик кузатув асбоби ҳисобланиб, Шарқ астрономияси учун бунёд этилган меъморий иншоотларга муносиб намуна бўлиб келди.

Умуман олганда кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Самарқанд расадхонасининг қуйидаги типологик хусусиятлари аниқланди:

- тузулманинг алоҳидалиги ва бетакрорлиги, шакл ва функциянинг бир бирига мос келиши, қадимий фалакиёт аънаналаридаги прототипни, яъни кузатув эҳромлардаги айлана ва ўзаро кесишувчи йўлак, хона, хандақ тизимидаги меъморий шаклни қайтарилиши ётади;

- бино маркази астрономик кузатув қурулмадан (квадрант) иборатлиги;

- XV аср расадхонасида қўшимча функцияларни - тадқиқот хоналари, кутубхона, анжуман хонаси, хужралар - дарсхоналарнинг мавжудлиги бу давр расадхоналари илмий марказ вазифасини ҳам ўтаганлигидадир.

Улуғбек расадхонаси жойлашган ерга яқин қилиб боғ-кўшк, саройлар ҳам қурдирилган. Кўҳак тепалигининг ён бағрида жойлашган бу иншоотлар расадхонада фаолият кўрсатган улуғ олимлар, зиёлилар учун истиқомат қиладиган жой вазифасини ҳам ўтаган. Тепалик атрофи ободонлаштирилиб, расадхона сўлим боғлар орасидаги тепаликда қад кўтарган.

Ўзбекистон меъморий меросида, расадхона туридаги иншоотларнинг аксарияти кейинги даврларда йўқ бўлиб кетгани учун, уларнинг айрим намуналари фақат археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган қолдиқлари сақланган. Бу ҳолат расадхоналар меъморчилиги, уларнинг типологик хусусиятларига оид илмий хулосаларни чиқаришда маълум тафовутларни уйғотди.

Шунингдек, XV аср меъморчилигининг нодир асари, Мирзо Улуғбек расадхонасининг фақат пойдевори сақланиб қолгани ҳам асл меъморий кўриниши ва ечимини аниқлашда ҳам муаммолар туғдирган. Бу ҳолат Ўзбекистон меъморий меросида расадхоналар ўрнини белгилаш мавзусининг долзарб эканлигини билдиради.

П.Зоҳидовнинг 2009 йили чоп этган мақола-сида [2] расадхонани тиклаш лойиҳалари учун қадимий ўлчов бирлиги газнинг нотўғри аниқлангани “дастлабки ноаниқликларни келтириб чиқарган” деб ҳисобланади. Расадхонанинг асосий қурулмаси секстант ўлчовида муаррихлар келтирган 80 ва 40 газни метрик ҳисобида бир газ 50,3 смга тенглигини инобатга олганда, секстантнинг ер ости қисми 10,06 метр, юқориси 20 газ -10 метрни ташкил этиши биринчи бор аниқ ҳисобланган. Бу борада етти

ярусли ёки уч қаватли цилиндрик ҳажмли, баландлиги 30 метрли иншоот лойиҳалари ҳақиқатга тўғри келмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунингдек, Бобур расадxonани кўриб “уч ошёналик” сўзи талқинига ҳам аниқлик киритилди. Уч ошёналик - уч қаватлик эмас, уч қисмлик деган талқин расадxonанинг тархи қолдиқлари таҳлилида ҳаққоний бўлиб чиқди. П.Зоҳидов расадxonанинг қурилиш муддатига ҳам аниқлик киритиб, унинг кўлами ва ҳажми ҳақида мантиқий хулосалар келтирган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, XV асрдаги Фахри секстанти IX-X асрлардаги қурулмалардан фарқлансада, функционал ечими ўзгармаган. Берунийнинг расадxonалар ҳақида келтирган маълумотларига кўра, айлананинг олтидан бирига тенг ёйли ва юқорисида диоптр - туйнукли иншоотлар технологик тизими бирлиги, унинг Рей, Ғазна, Гурганч, Кят расадxonаларидаги илмий тадқиқотлари самарали бўлгани далолат бўлади. Улуғбек расадxonасини асл кўриниши куйидаги кўрсаткичларга асосланиши керак:

1. Абу Райҳон Беруний биринчи Фахри секстантининг таърифида келтирган қоидага кўра расадxона асосан бир қаватли бўлган. Баландлиги эса секстантнинг ер юзасидаги ўлчам атрафида бўлиши мумкин.

2. Жамшид Коший секстантга оид рисолаларида келтирган ўлчам нисбатлари Улуғбек расадxonаси учун ҳам ҳаққонийдир.

3. Бобур келтирган “ошёна” сўз мазмуни расадxона бўлақларига олиб бориладиган дарбозаларни ҳам ифода этган бўлиши мумкин. Уни қисмларга, яъни марказий (секстант ўрнатилган) қисм ва унинг икки ёнидаги ярим айлана тархли қисмларига кириладиган дарбоза - пештоқлар.

4. Расадxона уч пештоқли, бир қаватли бино астрономик қурулма бўлиб, Хондамир гувоҳлик беришича, аниқ ва тез қурилган, чамаси 1420 йилнинг ўзида битказилган.

Албатта, юқорида келтирилган мулоҳазаларга кўра иншоотнинг умумий ечимини тасаввур қилиш мумкин бўлсада, унинг меъморий деталлари, безаклари ва айрим тархий-ҳажмий ечимлари бўйича келгусида янада чуқурроқ изланишлар олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон худудида ҳозиргача сақланиб қолган расадxonалар туридаги иншоотларнинг

ягона намунаси бўлган Самарқандаги Улуғбек расадxonаси меъморий кўринишини қайта тиклаш ишлари тадқиқотчи архитекторлар учун масъулиятли бўлсада, ҳозирда расадxона қолдиқларини муҳофаза қилиш, асраш тадбирларини оқилона олиб бориш ҳам янада муҳимдир. Доимий кузатувлар олиб бориш, жорий таъмир ишларини бажариш, ёгин сувлари, иссиқ-совуқ тафовути таъсиридан олдини олиш билан бу нодир обидани келгуси авлодларга етказиш мумкин. XXI асрнинг бошларида Улуғбек расадxonасининг қолдиқларини асраш ва атраф худудини ободонлаштириш тадбирлари ўтказилди. Дастлаб расадxonанинг пойдевор қолдиқлари тозаланиб таъмирланди, сўнгра квадрант хандақи устига 1914 йилда қурилган ғиштин куббанинг икки томонига кириш пештоқлари анъанавий кўринишда бунёд этилди. Атраф худудидан ёгин сувлар ташқарига чиқадиган қияликда ғишт, сопол парчин қилинди. XX асрнинг ўрталарида қурилган расадxона топилмалари музейи ўрнига Улуғбек қурдирган мадрасалар пештоғига монанд кўринишли янги Улуғбек астрономия маркази фаолиятига бағишланган музей биноси тикланди. Кўхак тепалигига олиб чиқадиган зиналар қилинди. Квадрант кириш пештоқлари, музей тарзлари Самарқанд кошинпазлик санъати анъаналарида безак қоплама қилинди. Нақшлар Улуғбек қурдирган бинолари безак услубларида қўлланилган. Расадxonанинг ҳозирги ҳолатини сақлаш тадбирлари натижасида зиёратчилар ва сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилди. Меъморчилик тарихи учун унинг асл меъморий ечимини аниқлаш эса назарий аҳамиятга эга. Умуман расадxonалар меъморчилиги мавзусини яна давом эттириш билан бу турдаги иншоотларнинг Ўзбекистон худудидаги янги намуналари кашф этишга олиб келди деган умид юзага чиқади.

Адабиётлар:

1. Исмоил Бекжон. Улуғбек расадxonасини ким буздирган?. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 31 март. 2006 й.
2. Зоҳидов П.Ш. Расадxона Улуғбека. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. №3-4.2009 г.
3. Пугаченкова Г.А. Архитектура обсерватории Улуғбека в кн. Искусство зодчих Узбекистана. вып IV. Т. 1969
4. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. 1996.

УДК 725.51 (UDK 725.51)

ЎРТА ОСИЁДА ХАЛҚ ҲАММОМЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ ТАРИХИДАН

Ахтам Уралов, меъморчилик фанлари доктори; Акбарали Уралов, катта ўқитувчи;
Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand Davlat Arxitektura- Qurilish instituti (O'zbekiston)
Axtam_project@mail.ru Axtam_project.uz

Мақолада Ўзбекистон тарихий шаҳарларида бизгача сақланган анъанавий халқ ҳаммомлари натурал ва графоаналитик ўрганилган, улар тарихий ҳаммомлар ҳақидаги махсус адабиётларда берилган маълумотлар билан солиштирилган, олинган илмий натижалар умумлаштирилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, ҳаммомлари, унинг қурилиш тарихи, ҳаммомлар архитектураси, нақишнинг-галари, ҳаммомдаги муолажалар, ҳаммомлар қурилишидаги асосий меъморий қоидалар.

Из истории национальных человеческих резидентов в Центральной Азии

В статье рассматриваются естественные и графоаналитические исследования традиционных народных бань, сохранившихся у нас в исторических городах Узбекистана, которые сравниваются с информацией, приведенной в литературе по историческим баням, обобщаются и анализируются научные результаты.

Ключевые слова: Центральная Азия, ванные комнаты, история их строительства, архитектура ванных комнат, орнаменты, процедуры ванных комнат, строительство ванных комнат, основные архитектурные принципы.

From the history of national human residents in Central Asia

The article considers natural and graphoanalytical studies of traditional public baths that have been preserved in our historical cities of Uzbekistan, which are compared with the information provided in the literature on historical baths, and scientific results are generalized and analyzed.

Keywords: Central Asia, bathrooms, its construction history, bathroom architecture, ornaments, bathroom treatments, basic architectural principles in bathroom construction.


Замонавий сув соғломлаштириш муассасаларини лойиҳалаш тажрибалари бундай бинолар хажмий-режавий ечимининг тузилиши ва архитектураси Ўрта Осиёда халқларининг ўтмишдаги гигиеник – соғломлаштириш муассасаларидан бири ҳисобланган миллий ҳаммомларга бориб тақалади. Уларнинг қурилиш тарихи қуйидагичадир.

XVII асрнинг 50- йилларида Самарқанд ҳокими бўлган Ялангтўш Баҳодир Тиллакори масжид мадрасасини Улугбек карвон-саройининг ўрнига қурдиради. Мадраса биноси ёнидан эса унга вақф тарзида ҳаммом биносини бунёд эттиради. XIX аср бошларида бу ҳаммом авария ҳолига келиб қолиб, уни Мадраҳимбой исмли киши таъмир эттиради. Шунинг учун ушбу ҳаммом “Мадраҳимбой ҳаммоми” ҳам дейилган. Аслида эса у XVII асрда Ялангтўш Баҳодир томонидан қурилган бўлган.

Ҳаммом бинолари ўтмишда нуфузли жамоат маскани бўлгани сабабли уларни моҳирона безашга эътибор беришган. Ҳаммомлардаги нақш-нигорлар уларнинг хизмат кўрсатиш доирасига боғлиқ бўлиб, одатда ҳукмдорлар учун қурилган ва саройлар қошидаги ҳаммомлар ғоят ҳашамдор қилиб XV аср миниатюрасидан А.С.Уралов чизмаси безатилган. Оддий халққа хизмат қилувчи ҳаммомлар эса содда, орнаментал нақшлар билан ҳашамланган. Маълумки, XI аср охирларидан бошлаб ислом динининг собиқ ақобирлари биноларга тирик жониворларнинг расмини солишни кескин қоралаганлар. Шу сабабли ҳаммомлардаги нақшлар ҳам тирик жонни ифода этмаслиги шарт бўлган. XVI асрда оид айрим миниатюраларда ифодаланган ҳаммомларнинг деворларида орнаментал нақшлардан ташқари фаришта хуснли афсонавий қушлар тасвири ҳам учрайди. Мантиқан фаришта Шарқда гўзаллик, софлик, саломатлик ва муҳаббатга элтувчи манба тимсолини билдирган. Шунинг учун ҳам фаришталар тасвирини Шарқ рассомлари ҳаммомларга бағишланган миниатюраларда қўллашган (1-расм).

Ҳаммом қурилишидаги халқчил анъаналар

замонавий халқ ҳаммомларида ҳам кенг қўлланиб такомиллаштирилиб келинмоқда. Ҳаммомлар фақат халқ меъморчилигида ривожланиб қолмасдан балки лойиҳа институтлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ишланиб келмоқда. Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ ва туман марказлари, шаҳарлар учун мўлжалланган бир қанча хусусий ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Уларда ўтмиш ҳаммомчилик санъатига хос миллий анъаналар такомиллаштирилибгина қолмасдан, балки қатор ҳаммомларда шифобахш-гигиеник ва соғломлаштириш функциялари, янги техник жиҳозлар, дам олиш, чой ичиш ва тамадди қилиш хоналари мавжуд. Ҳавоси қуруқ ва иссиқ буғхона-сауналар, шифобахш душ бўлимлари, чўмилиш бассейнлари, сузиш учун ҳовузлар, якка тартибда чўмилиш ва буғланиш номерлари, чойхона ва косметик хоналар шулар жумласидандир [1].



1-расм. Ҳаммомда. XV аср минитюрасидан.

Ўрта Осиё ҳаммомларида чўмилиш жараёни, айниқса қизиқарлидир. Бадан енгил терлаб олинган қўлга пахмоқли жун матодан тикилган қўлқоп халтача кийиб олинади ва у сувда енгил хўлланиб, бадандаги кир ишқаланади. Кир кўригач бадан илиқ сув билан ювилиб ташланади. Бунинг учун металл тоғора, илгарилари эса ёғоч тоғора (жом) ишлатилган. Ҳозирги мавжуд халқ ҳаммомларида тоғора баданни совунлаб ювиш учун ишлатилади, чўмилиш учун эса душдан фойдаланилади. Илгарилари Бухоро ҳаммомларида бошни ювиш учун товук тухумидан фойдаланилган бўлса, Термиз ҳаммомларида бунинг учун қатик ишлатилган. Айниқса, ҳаммомлардаги массаж (уқаланиш) кишига ором берувчи шифобахш восита ҳисобланган, уқаланишдан сўнг тана ва суяклар роҳат олган. Бухорода ҳаммом ҳодими массаж қилинаётган киши баданига қичишга қарши қатик суртган, оёқ оғриғи бор кишиларга қуш мойи ёки елкасига от ёғи сурган. Ҳаммомлардаги чўмилувчилар хизматига “халтадор”-ҳаммомчилар доим тайёр турган. Улар массаж қилишни ҳам қойиллатиб бажарганлар. Улардан ташқари махсус “ҳодимчи”лар бўлган. Массаж кишини кўпгина дардлардан фориғ этган, унга янги куч ва қувват бахш этган [2] (2-расм). Массаж ниҳоясидаги зарур муолажалардан бири-бу ҳодимчининг бутун бадан, елка, қорин бўйлаб юриб чиқиши ва сўнгра баданни қўлда чавақлашидир. Чавақлаш-бу шундай нарсаки ҳодимчи қўлларининг ён қирраларини баданга кўндаланг тарзда тутиб мушакларни жадаллик билан ура бошлайди, у гўёки баданни қўллари билан чавақлаётганга ўхшайди.



2-расм. Самарқанд шаҳри қадимий ҳаммомидаги массаж муолажаси.

“Юриб чиқиш”дан мен воз кечдим, аммо “чавақлаш”ни мамнунлик билан қабул қилдим. Чавақлаш ва умуман ювинтирувчининг ҳаракатларидан сўнг ўзимни қушдек енгил тортдим”, деб ёзади Бухоро ҳаммомлардан бирига XVIII асрда қирган хорижий саёҳдан бири [2]. Ҳаммомларида ҳодимчилар томонидан катта маҳорат билан бажариладиган бундай массаж

турлари ҳозирда ҳам замонавий халқ ҳаммомларида сақланиб қолган. Жумладан, Самарқандда учта эски ҳаммомда ана шундай ҳодимлар ишлаб келмоқда. Улардан бирининг фикрича, бу касб уларга ота-боболаридан мерос қолган. Массаждан сўнг ювиниб лунги хонага ўтилади, бир оз нафасни ростлаб дам олинади, оёқлар ювилади ва чорхарига, яъни ечиниш хонасига чиқилади [1].

Ўрта Осиё ҳаммомларини қуришдаги умумий услублар ва асосий меъморий қоидалар куйидагилардан иборат [3]:

-бино фазовий меъморий кўламининг берклигига, ювиниш хоналарининг тарҳда зич ва ихчам жойлашишига эришиш(3-расм);

-ювиниш хоналарини ёпиш учун гумбазсимон ва равоқ томлар, ечиниш хоналари учун текис томлар қўллаш;



-ўзига хос пол ости ва сув иситиш тизимини қўллаш, ҳаммом хоналари, поли ва сувини иситишда тежамкорликка эришиш;

-хўл иссиқ режимдаги хоналарнинг деворларини ташқи муҳит таъсиридан сақлаш. Бунинг учун уларни тарҳда қуруқ ёки намроқ режимдаги хоналар билан ёнма-ён жойлаштириш;

-соғломлаштирувчи шифобахш -гигиеник хоналарнинг турғунлиги ва уларнинг ўзаро қулай функционал боғланишини таъминлаш, ростланиш хонаси, илиқ ювиниш зали ва массаж учун супалар;

-хоналарни иссиқлик ва намлик ҳароратига қараб ориентациялаш, нам ва хўл хоналарни жануб ёки жанубий-ғарб томонга, қуруқ хоналарни эса шимол ёки шимол-шарққа қаратиш;

-ҳаммомни қуришда маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш.



3-расм. Самарқанддаги Панжоб ҳаммоми. XIX аср.

Янги қурилган ҳаммом ҳақидаги хабарни халқ ҳар сафар мамнунлик билан кутиб олган,

чунки у соғлиқ- саломатлик ва тозалик рамзининг яна бар янги масканига эга бўлган.

Ҳаммомлар ҳақида гапирар эканмиз, Самарқанддаги Регистон майдони атрофида Мирзо Улуғбек қурдирган ҳаммомнинг ўрни хусусидаги муаммога тўхталиб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, бу ҳаммом бизгача етиб келмай, адабиётларда ҳатто унинг жойлашган ўрни ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Бобур Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган иморатлари ҳақида ёзатуриб:

“Улуғбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Хуросон ва Самарқандда онча ҳаммом маълум эмаским бўлғай. Яна бир мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар...” деб тушинтиради. Бобур Улуғбек ҳаммомини мақташга мақтагану, лекин унинг ўрнини аниқроқ кўрсатмаган, аммо Муқаттаъ масжидини “мадрасанинг жанубида” деб аниқ кўрсатган [4].

Хўш “мадраса ва хонақоҳга ёвуқ”, яъни яқин жойлашган ҳаммом қаерда бўлган? М.Б. Массон XVI асрга оид Самарқанд Регистонидаги иморатларнинг жойлашиш режасини ишлаб чиқиб, Улуғбек ҳаммомини Муқаттаъ масжидининг ғарбий қисмига, яъни ҳозирги Улуғбек мадрасасининг жанубий- ғарбий томонида жойлаштиради.

1974 йили айнан шу жойда, яъни Улуғбек мадрасасининг орқа тарафида жойлашган хиёбонни қуриш учун унга жой текислаш пайтида ер остидан қадимий бино қолдиқлари чиқиб қолади. Синчков археологлар бино қолдиқларини ҳаммомга тегишли эканлигини аниқлайдилар, чунки улар қазилмадан ҳаммом пол ости иситиш тизимининг бир қисмини, ўтхона, сув сақловчи резервуарлар, XV асрга тегишли бир қанча синган юпка идишлар, қайроқ тошлар тўплами ва рангли нақшин қошлама тахтачалар топиб оладилар[5].

Топилдиқлар орасида оғирлиги 1 кг, диаметри 9 см лик билирд тошига ўхшаш мармар тош ҳам бор эдики, бу топилмалар биргаликда ушбу ҳаммомни оддий ҳаммомлардан эмас эканлигидан далолат беради. Қайроқ тошлар ва

билирд шарига ўхшаш тош ҳаммом таркибида сартарош хона бўлганлигини кўрсатса, рангдор нақшли қошлама тахтачалар ҳаммом поли ва деворларга ишлатилганлигини билдиради. Хуллас, археологлар ушбу ҳаммомни Улуғбек қурган ва кейинчалик Бобур ёзиб қолдирган “Мирзои ҳаммоми” деб ҳисоблайдилар. Демак, ҳозирча археологлар фикрига қўшилмай иложимиз йўқ. Энди Самарқанд халқида машҳур-маълум бўлган Тиллакори масжид-мадрасасининг ёнгинасида, унинг шимол тарафида жойлашган, Регистонда аввалги “Юбилейний” ресторанини қуриш муносабати билан 1961 йили бузиб юборилган кўп гумбазли ҳаммомни эслайлик. Ушбу ҳаммом жойлашган жойда илгари “Сандиқ бозори” мавжуд бўлиб, ҳаммом ҳам “Ҳаммоми Бозори сандуқ” деб аталиб келган. Ушбу ҳаммомда ишлаган ҳодимлар билан қилган суҳбатимиздан маълум бўлишича, ҳаммом эл ютрга ўзининг баҳаволиги, чиройлилиги ва айниқса, тозалиги билан машҳур бўлиб, унинг оқава сувлари ичига тушса ҳатто одам сиғадиган “тазар” (ёнлари тош, усти эса равоқ шаклида пишиқ ғишт билан ёпилган кенг қувур) орқали оқизилиб кетилган. Ушбу ҳаммомни биз юқорида айтиб ўтган Баҳодир Ялангтўш ҳаммомига қиёслаймиз мумкинки, у кейинги даврларда “Бозори сандуқ” ҳаммоми номини олган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб ҳаммомлар тарихи жуда кизиқ, уларни ўрганиш нафақат Ўрта Осиё халқларининг ўтмишидаги гигиеник-соғломлаштириш функцияларини, балки Ўрта Осиё меъморчилиги тарихининг ўзига хос қирраларини ҳам ўрганиш билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Уралов А.С. Бани-хаммам в зодчестве Центральной Азии. -Самарқанд, 2002.
2. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. Т. I. - СПб., 1882.
3. Уралов А. Халқ ҳаммомлари. -Тошкент, 1978.
4. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. - Тошкент, 1989.
5. Ўралов А., Хожихонов М. Улуғбек яратган маънавият. -Тошкент, 1994.

УДК 725.51 (УДК 725.51)

ЎТМИШДА СУВ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ ШАКЛЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Акбарали Уралов, катта ўқитувчи; **Фарход Фозилов**, катта ўқитувчи
Samarqand Davlat Arxitektura- Qurilish instituti (O'zbekiston)
Uralov_1956 Email.ru, Fazilov_1981 @mail.ru.

Мазкур мақолада турли даврлардаги сув соғломлаштириш комплексларининг тарихий шаклланишини кўриб чиқилган. Инсониятнинг бутун тарихи давомида, дам олиш функциялари турли кўринишларга эга бўлган. Шу сабабдан сув соғломлаштириш муассасаларининг қурилиш интенсивлиги ва тавсифи об-ҳаво шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, бунда инсон танасининг сув муолажаларига талаби турличалиги инобатга олинган.

Калит сўзлар: Ўтмишда сув соғломлаштириш муассасалари, Рим терминлари халқ хаммомлари, балнеодавалар, уларнинг шаклланишидаги тарихий жараёнлар, шаклланишидаги меъморий қонуниятлар.

В этой статье рассмотрено историческое формирование водооздоровительных сооружений в разное время. На протяжении всей истории человечества рекреационные функции менялись. Таким образом, интенсивность и характеристики строительства таких водо-оздоровительных очистных сооружений определяются погодой, принимая во внимание различия в потребности организма человека в водоо оздоровительных сооружениях.

Ключевые слова: институты водоснабжения, римские термины, общественные бани, бальневоды, исторические процессы в их становлении, архитектурные закономерности в их образовании.

In this article, we will consider the historical formation of water treatment plants at different times. Throughout the history of mankind, recreational functions have changed. Thus, the intensity and characteristics of the construction of such wastewater treatment plants are determined by the weather, taking into account differences in the needs of the human body in wastewater treatment plants.

Keywords: water supply institutions, Roman terms, public baths, balneavers, historical processes in their formation, architectural regularities in their formation.

Маълумки, ҳар бир халқда ўз анъана ва одатлари мавжуд. Уларнинг орасида шундайлар ҳам мавжудки, улар тарихан юзага келиб, кўп асрлар давомида ривожланиб, синаб келинган ва уларга ҳануз амал қилишмоқда.

Мана шундай анъаналардан бирига, кўп функцияли сув соғломлаштириш муассасаларини ташкиллади кириди. Кўп функцияли сув соғломлаштириш марказлари хизматларидан бутун дунёда фойдаланишади, аммо уларнинг шаклланиш тарихи, архитектурасининг ривожланиши ва амалга ошириладиган функциялари, турли халқларда турлича бўлган. Шунга мувофиқ равишда, кўп функцияли сув соғломлаштириш муассасалари бир-биридан фарқланиб, ўзларининг маҳаллий хусусиятлари, номлари ва архитектуравий-типология хусусиятларига эга бўлган ва ўзига хос маҳаллий шароитлар, аҳолининг турмуш тарзи, об-ҳаво, қурилиш материалларининг мавжудлиги ва тарихан юзага келган соғломлаштириш анъаналари шакллантирилган [1].

Мазкур мақолада биз турли даврларда сув соғломлаштириш комплексларининг тарихий шаклланишини кўриб чиқамиз. Инсониятнинг бутун тарихи давомида, дам олиш функциялари турли кўринишларга эга бўлган. Ҳар бир давр муайян ижтимоий муносабатлар билан тавсифланган ҳолда, мазкур шаклларга ўзига хос кўриниш берган.

Прогнозлаштириш нуқтаи назаридан, 2000-2500 йил олдин дам олиш жараёнлари қандай кечганлигини таҳлил этиш ҳам қизиқарли бўлиб, мазкур даврларда дам олишни оптимал ташкиллаштириш ва жамият ривожланишининг олтин даврлари орасидаги ҳодисалар ўзаро боғлиқлигини кузатиш катта имкониятлар очиб беради.

Бизнинг мақсадимиз, сув соғломлаштириш муассасаларини ташкиллаштириш нуқтаи назаридан ва замонавий қарашлар асосида тарих ва фалсафа, бино ва иншоотлар турларини комплекс равишда кўриб чиқишдир; узоқ ўтмишда юзага келган рационал ғояларни, замо-

навий дам олиш анъаналарини илгари суриш, қайсидир маънода доимий мавзу бўлиб, бундай муассасаларни яратган меъморлар нақадар зукко бўлганликларини кўриш қизиқарлидир.

Антик дунё файласуфлари тасаввурдаги эркин инсон турмуш тарзи билан танишиш учун, Платон қарашлари, айниқса унинг томонидан “идеал давлат” борасидаги “Давлат”, кечроқ эса “Қонуниятлар” асарида айтилган сўзларини эслаш жоиз.

Платон ғоялари, ҳақиқат билан утопия мутаносиблигига қандай эътибор берилиши ва келажакни қуришда қадим дунёда унинг қандай ўринга эгаллигига бағишланган. Буларнинг барчаси замонавий шароитларда ҳам долзарблигича қолмоқда. Ҳаёт жараёнлари ҳақида Платон томонидан, инсонга ҳузур бағишловчи омиллар ҳақидаги фикрларни замонавий бўш вақтни ўтказиш ғоялари билан қиёслаш мумкин.

Антик дунё кишининг ҳаётининг тезиси, унинг гуллаган даврида, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши бўлиб, бунинг асосида инсон этик ва эстетик камолоти, муҳит гўзаллиги ва архитектуранинг ривожланиши ётади.

Бу даврдаги дам олишни 3 тоифа бўйича ажратиш мумкин: жисмоний маданият; интеллектуал маданият ва эмоционал маданият. Камдан кам ҳолларда тоифа алоҳида унсур сифатида олинган; кўпинча ҳар бир функция ягона байрам ёки фаолиятнинг асосий элементи бўлган [1].

Жисмоний маданият ва спортга ҳам жамият томонидан катта эътибор қаратилган.

Классицизм даврда, юнон композицияларига тегишли ансамбль санъат тушунчаси шакллانган. Ансамблларнинг яратилишида, сунийлик ва табиийлик уйғунлигига амал қилинган. Юнон меъморчилигининг ўзига хос хусусияти-рельефнинг ҳисобга олиниши ва пейзаж гўзаллигини сақлаб қолишдир.

Қадимги Юнонистонда дам олиш тушунчаси камолотга етган шахс тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, бу тушунча инсон ҳаёт фаолиятининг кўпчилик жиҳатларини ўзида акс эттирган тар-

бия, спорт, санъат билан шуғулланиш, қисқаси -маданиятнинг барча жиҳатларини қамраб олган.

Шундай қилиб, назария ва амалиётнинг бирлиги, архитектуравий бино ва иншоотларда ўз аксини топган фалсафий қарашлар ва ҳаракатлар кўринишида, инсоннинг ягона яшаш муҳитини ташкил этган. Гўзалликнинг эстетик тоифаси, инсон ҳаёти фаолиятининг бўлинмас қисми саналган.

Дам олиш учун муҳит, бир бутунликни ташкил этиб, олий бадий ансамбллардан ташкил топган, унинг барча элементлари органик жиҳатдан табиат билан уйғунликни кашф этган. Инсонга муҳитнинг ижобий таъсири муҳим омил сифатида гўзаллик феномени, уни рекреациянинг муҳим асосига айланишига олиб келган.

Қадимги Рим империяси даврида биноларнинг янги турлари, амфитеатрлар, форум ва термлар пайдо бўлиб, бу кўпфункционали иншоотлар, бир вақтнинг ўзиде минглаб инсонларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган, гарчи бу иншоотлар прототиби юнон иншоотлари бўлсада, улар шу даражада ўзгарганки, уларни асл қиёфадолари билан тенглаштириб бўлмади. Уларни дам олиш муҳитининг янги босқичга киритиш мумкин эди.

Барча санаб ўтилган иншоотлардан, бизнинг мавзумизга мос келувчи комплекслардан бирига-термларга тўхталиб ўтамиз.

Термлар Рим ҳаётидан ажралмас ҳолда, архитектуранинг буюк ютуқларидан биридир. Милоддан аввалги I аср охири, милодий I асрнинг боши термларининг кенг қурилиш даври бўлган. Ўзининг асосий гигиеник вазифасидан, яъни инсон организмни иссиқ сув ва буғ ёрдамида соғломлаштириш вазифасидан ташқари термлар атрофдаги парк ва стадионлари билан шаҳар фуқаролари учун маъданий клуб вазифасини ўтаб, паркда сайр қилиш учун ҳам мўлжалланган, шу билан биргаликда бой хонадонларда перистил ҳовличалар ҳам мавжуд бўлиб, уларда спорт ва гимнастика майдончалари ташкил этилган. Улар учрашувлар жойлари бўлиб, бу ерда жамоатчилик ва хусусий ишлар муҳокама қилинган. Дам олиш хоналари, очиқ ҳавода сайр қилишлар, суҳбатлар учун заллар, кутубхоналар, мусиқа ва адабий чиқишлар учун заллар ташкил этилиб, мулоқот учун барча шароитлар яратилган.

I миллион аҳолига эга бўлган Римда, императорлар термларидан ташқари, 800 кичик хусусий ҳаммомлар ҳам мавжуд эди; Империя бошланиши даврида Римда 170 та давлат ва хусусий термлари мавжуд бўлса, милодий IV аср бошига келиб, бу ердаги термлар сони 1000 дан ошиқ эди. Шаҳарнинг ҳар-бир 14 районида бирига, 60-80 терм тўғри келар эди [1].

Рим архитектурасининг мураккаб комплек-

саларидан бири императорлар термларидир. Каракалла термлари ҳам йирик ва фундаментал иншоотлар сирасига кирган, чунки улар 12 га майдонни эгаллаб, бир вақтнинг ўзиде 1600 кишини қабул қила олган. Комплекс ўлчами 450x450 м, диапазонни кичик номерли бир киши ёки оила учун мўлжалланган ҳаммомлардан, йирик ҳашаматли залларгача, бош корпус (216x112 м) симметрик кўринишда такрорланиб турган хоналар гуруҳидан; вестибюллар, ечиниш хоналари, массаж хоналари, палестралар, дам олиш учун заллар, чўмилиш ва буғланиш хоналари, турли чуқурликдаги бассейнларгача мавжуд эди. 35 метр диаметдаги Ротонда (иссиқ бассейн) бино ўқи бўйлаб жойлаштирилган. Фасаднинг содда кўриниши, интерьер ҳашамати билан контрастни юзага келтирган. Композиция ихчам симметрик кўринишга эга бўлиб, йирик комплекда ориентация этиш имкониятини берган. Термлар заллари куёш нурига тўлиб турган. Рангли мрамор, мозаика, скульптуралар, инсонга эмоционал таъсир кўрсатган [2].

Термлар яратилиши, дам олиш архитектурасининг бутун даврини шакллантирди ва дам олиш муассасалари типологиясида янги йўналишни очиб берди. Сув муолажалари тизимини қўллаш, чўмилиш, буғланиш, дам олиш, жисмоний тарбия ва гимнастика маънавий ва жисмоний соғлиқни тиклаш учун муҳим бўлиб, инсонга қисқа муддатда куч йиғиб олишга имкон яратган.

Уларни замонавий шаҳар ва шаҳар чекка худудларида жойлашган кўп функцияли замонавий соғломлаштириш марказлари сифатида қабул қилиш мумкин.

Мураккаб ташкиллаштирилган Рим термларидан фарқли ўларок, Яқин ва Ўрта Шарқ халқ ҳаммомлари содда ечимларга эга бўлган. Уларда одатда, чўмилиш бассейнлари мавжуд бўлмаган (баъзи ҳолатлар бундан истисно). Жисмоний чиниқиш учун гимнастик хоналар ўрнига, массажни амалга оширишга мўлжалланган заллар мавжуд бўлган [3].

Иссиқ минерал булоқ сув манбаларида қурилган ҳаммомлар алоҳида гуруҳни ташкил этган. Бундай ҳаммомларда сув истилиши талаб этилмаганлиги боис, уларга кириш асосан бепул бўлган. Термал оқар сувнинг кўплиги, уларда чўмилиш бассейнларини ташкил этиш имкониятини берган. Бассейнлар, одатда, айлана кўринишида бўлиб пиллапоярларга эга бўлган. Бундай ҳаммомлар архитектураси, уларнинг функционал вазифасига мос бўлиб, одатда юқори бадий-эстетик кўринишга эга бўлган.

Кўп функцияли сув соғломлаштириш муассасалари қурилишидаги тарихий жараёнларнинг ўзига хосликлари кўп асрлар давомида, яъни антик асрлардан ҳозирги кунгача кузати-

лиши мумкин.

Мазкур даврлардан ҳар бири, об-ҳаво доимий таъсири туфайли, тарихан муайян соғломлаштириш-гигиеник хислатларга эга бўлиб, табиат кучларининг ижобий таъсирларига эришиш ҳисобга олинган ҳолда архитектуравий ечимларга эга бўлган [4].

Хулоса. Шундай қилиб, бундай сув соғломлаштириш муассасаларининг қурилиш интенсивлиги ва тавсифи об-ҳаво шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, бунда инсон танасининг об-ҳаво шароитларига боғлиқлиги ва сув муолажаларига бўлган талаби турличалиги инобатга олинган. Агарда, иссиқ ўлкаларда йилнинг асосий қисми, дискомфорт об-ҳаво шароитларидан келиб чиққан ҳолда, танани салқинлаштириш учун чўмилишга талаб кучли бўлса, бунда чўмилиш асосий функцияси танани тер ва кирдан тозалаш бўлган, совуқ ўлкаларда эса чўмилиш асосан, танани совуқдан асраш мақсадида қисқа муддатли иситиш функциялари қўлланилган ва бунинг учун маҳсус хоналар жиҳозланган [5].

Мазкур умумий қонуният, турли мамла-

катларда кўпфункционалли, сув соғломлаштириш муассасаларининг турлича кўриниш ва функцияларга эгаллигини таъминлаган. Шу сабабли, инсон организмга соғломлаштириш-гигиеник таъсирга эга қатор хоналари бўлган ва типологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи иссиқ ҳаммомлар ўрта асрларда пайдо бўлиб, ундан олдин иссиқ ўлкаларда очик бассейнлар, совуқ душ ва ванналарга эга иншоотлар мавжуд бўлган.

Адабиётлар:

1. Уралов А.Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар.-Т:”Фан”, 1990.
2. Лобанов Ю.Н.Отдых и архитектура. Будущие и настоящие. -Л.: Стройиздат, Ленинградское отделение,1982.
3. УраловА.С. Бани-хаммам в зодчестве Центральной Азии. -Самарканд: Изд. СамГУ, 2002.
4. Кусков А.С., Макарецва Л.В. “Основы курортологии”: Ўқув қўлланма.- Саратов.2002.
5. Уралов А. Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока.- Самарканд, 2013.

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШДА ДАРАХТ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ РЕЖАЛИ РАВИШДА ЭКИШ

Хамидова Д.А. ўқитувчи, E-mail: Xamidova-1984@mail.ru
Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти

В статье рассмотрены вопросы оптимизации ландшафтных среды, а также проанализирован опыт выполнения научно-исследовательских работ.

The article depicts the issues of landscape environment optimization, as well as analyzes the experience of scientific research development.

Аҳоли турар жойлари – шаҳарлар, туманлар, қишлоқ ва посёлкаларни кўкаламзорлаштириш – бу жойларни ободонлаштиришнинг асосий воситаларидан бўлиб ҳисобланади. Кўкаламзорлаштириш кўлами – аҳоли яшаш маданиятидан далолат беради. Демографик тадқиқотлар кўрсатишича, кўкаламзорлашган ҳудудларга аҳоли келиб муқим жойлашади, ҳамда бу жойлардан кўчиб кетиши камдан-кам кузатилади.

Кўчаларда экилган дарахтлар, буталар ва гуллар аҳолини куёшнинг жазирама иссиғидан, шамоллардан, чанг-тўзондан ва шовқинлардан ҳимоя қилади. Кўчалардаги экинзорлар манзарабоп-режавий ахамиятга эга, шунингдек, қисқа вақт дам олишга мўлжалланган. Экинзорлар хажми кўчаларнинг кенглигига, йўналишига, пиёдалар ва транспорт қатнови йўналишига кўра, йўлак ва йўлнинг ҳаракатланиш қисми оралиғидаги заҳира майдонининг энига, ҳамда йўлакдан уйларгача бўлган масофага қараб ўзгаради.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришнинг асосий тури – қаторли экинзорлар бўлиб, улар йўлак билан йўлнинг ҳаракатланиш қисми

ўртасида экилади. Улар йўлакнинг ҳар икки томонида бир, икки, уч ва ундан кўпроқ қатор қилиб жойлаштирилади. Ушбу экинзорларнинг чет қисми, йўлнинг ҳаракатланиш қисми олдида яшил тўсиқлар ёки асосан нинабарглилардан ташкил топган дарахт ва буталарнинг гуруҳлари билан тўлдирилиши мумкин.

Шунингдек, йўлак билан уйлар орасида аллея ҳосил қилувчи дарахтлар қаторлаб экилиши мумкин, ҳамда кўчалар йўналишида ҳиёбончалар барпо этиш мумкин.

Кўчалардаги экинзорларнинг кўшимча тоифаси сифатида: уйлар олдидаги экинзорлар; ҳаракатни бошқарувчи яшил оролчалар; бинолар деворлари ва лоджияларни вертикал равишда кўкаламзорлаштириш қўлланилади.

Йўлнинг транспорт қатнови қисмини бўлувчи йўлак унинг энига қараб кўкаламзорлаштирилади. Йўлакнинг эни 2-3 метр бўлганида газон ва гуллайдиган буталар ҳамда гуллар экилади. 4 метрли йўлакларда газонлар сатҳида кичик шох-шаббали дарахт ва буталарнинг гуруҳли ёки қаторли экинлари тавсия этилади (масалан, виргин арчаси қатори ёки уни шарқ

биотаси билан гуруҳлаб). 6 метрли йўлакларда иккинчи ва учинчи тоифа катталиқдаги дарахтлар буталар билан аралаш экилиши мумкин. Бунда шарсимон, шох-шаббали дарахтлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Уйлар олдида алоҳида кичкина даратзорлар ёки очиқ “ҳовли” лар – курденёрлар кўринишида экинзорлар барпо этилади. Дарахтзорлар атрофига яшил тўсиқлар экилади, ўртасида эса – мевали ёки манзарали дарахтлар, буталар, гуллар ҳамда дарахтларга чирмашиб ўсувчи ўсимликларни экиш тавсия этилади.

Курденёрларда кўп қаторлаб ва гуруҳлаб экилган дарахт, буталар, гуллар, шунингдек, гулли рабаткалар, ток каби чирмовиқлардан фойдаланилади. Боғчалардаги дарахтларни уй деворидан 3-5 метр, буталарни эса – 1,5 м узокликда экилади. Кўчалардаги дарахтларни асосан газонлар қатлами бўйлаб экиш тавсия этилади (1-жадвал).

Йўлнинг транспорт ҳаракат қатновига яқин ерида кўп қаторли йўлак барпо этишда дарахт ва буталарнинг гуруҳли экинзорлари қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гуруҳли дарахт экинзорлари бўлган газон кенглиги 4,5-6 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Транспорт қатнови жадал бўладиган магистрал кўчаларда пиёдаларни чангдан ва чиқит газлардан ҳимоялаш учун ҳаракат қисмининг ҳар иккала томонида икки қатор дарахтлар ҳамда буталардан яшил тўсиқлар экиш мақсадга мувофиқ. Яшил тўсиқларни, шунингдек, уйлар олдидаги дарахтзорларнинг ташқи қисмида экишга тавсия этилади.

1-жадвал

Яшил экинзорлар қаторлари кенглиги, метр

Дарахт ва бута экинзорлари	Йўлаклар кенглиги
Қаторлаб экилган дарахтлар ёки дарахтлар билан буталар биргалиқда экилган газонлар:	
бир қаторли экинзор	2,0
икки қаторли экинзор	5,0
Буталар бир қатор қилиб жойлашган газонлар: баланд бўйли буталар (1,2-1,8 м)	1,2 1,0
Паст бўйли буталар (1,2 метрча)	0,8

Агарда чорраҳалардаги транспорт қатнови айлана (доира) бўйича ташкил қилинган бўлса, унинг марказида 15-25 м² диаметрга эга бўладиган яшил оролчалар барпо этилади. Ушбу газонли оролчаларда гуллар (атиргуллар), гуллайдиган буталар, кичик дарахтлар, ўтсимон ўсимликлар экилади.

Трамвай йўллари иккинчи ва учинчи экин тоифали дарахтлар билан тўсиб қўйиш тавсия этилади.

Кўчаларда дарахтларни экишда водопровод иншоотлари ва бошқа ер ости қурилмалари инobatга олиниши зарур. Дарахтлар шох-

шаббалари трамвай, троллейбус ва бошқа осиглиқ электр энергияси тармоғига тегмайдиган бўлиши керак.

Кўчалар йўналишига қараб, жазирама ва исикдан ҳимоялашга қаратилган яшил экинзорларга талаблар ўзгариб боради.

Кенглик йўналишидаги кўчалар (кўча ўқи ғарбдан шарққа томон, уйлар юза қисми бир томондан шимолга, иккинчи томондан жанубга йўналган) ҳамда узунлик йўналишидаги кўчалар (кўча ўқи шимолдан жанубга қадар, уйлар юзаси шарқдан ғарбга томон йўналган) мавжуд.

Кенглик йўналишидаги кўчаларда (уйлар юзаси шимолга қараган) фақатгина йўлакларда соялатиш зарур бўлади. Агарда уйлар кўп қаватли бўлса, уларнинг сояси йўлакка тушади, шунинг учун экинзорларни сийрак экиш мумкин, бунда архитектура жиҳатдан эътиборга лойиқ бинолар тўсилмайди. Қарама-қарши томонда кўчанинг фақат йўлак қисми соялатилади, чунки уйнинг шимол тарафидаги юзаси камроқ қизийди (шарқ ва ғарбга йўналтирилган уй юзасига нисбатан), шу сабабли, уларни соялатиш зарурати қолмайди. Кенглик йўналишидаги кўчаларда йўлакнинг икки томонига, ёки йўлак билан йўлнинг ҳаракатланиш қисми орасига ўртacha баландликдаги дарахтлар экилади.

Узунлик йўналишидаги кўчаларда йўлаклар ва биноларни соялатиш учун баланд ўсувчи дарахтлардан фойдаланилади; улар йўлак билан йўл ҳаракатланиш қисми орасида жойлашади; имконият бўлган ҳолларда эса (агар йўлак бино ва уйларга яқин туташмаган бўлса) – йўлакнинг иккала томонига дарахтлар экилади (бу ҳолда аллея вужудга келади). Экинзорлар уйлар олдидаги дарахтлар билан тўлдирилади: улар биноларни тўсиб, уй ичидаги ҳаво ҳарорати режимини яхшилади, ҳамда шовқинни камайтириш вазифасини ўтайди.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришда иккита ходиса кузатилади: 1) лойиҳа бўйича янги, кўкаламзорлаштирилмаган кўчалар ободонлаштирилади; 2) кўчаларда экинлар мавжуд, лекин улар эскирган, қариган, касал ёки манзарабоплик хусусияти кам бўлиб, янгидан реконструкциялашга мойил.

Реконструкция қилишда дарахтзорларни бутунлигича ва қисман ўзгартириш мумкин. Бутунлигича ўзгартиришда учта вариант мавжуд: а) кўчалардаги дарахтларнинг барчаси кесиб ташланади ва янги дарахтлар экилади; б) 2-3 та дарахт оралатиб эски дарахтлар ўрнига янгилари экилади; в) ҳар 50-100 метрда экинзорлар кесилиб, янгилари билан алмаштирилади. Қисман ўзгартиришда фақат ёш экинлар ёки манзарали бўлган катта ёшдаги бир нечта дарахтлар қолдирилади.

Тошкент шаҳри кўчаларининг кўкаламзорлаштириш услублари турлича. Кичик, тор кўчаларда дарахтлар асосан икки қатор қилиб

экилган. Кенг кўчаларда эса кўп қаторли дарах-тзорлар бўлиб, йўлакнинг бир ёки икки томонини эгаллаган. Йўлнинг транспорт ҳаракатланиш қисми ва пиёда йўлакчалари орасида экинзорлар барпо этиш, жамоат бинолари олдидаги гуллар билан безатиш услублари, уйлар атрофидаги боғчалар ва курденерлар, йўллар четидаги гуруҳлаб экилган буталар, бино ва уйлар олдидаги яшил тўсиқлар шулар жумласидандир.

UDK: 728.5

MAMLAKATIMIZDA HOSTELLARNI TASHKIL ETISH VA BUNDA XALQARO TAJRIBADAN FOYDALANISH

Gadoyeva M.X. – SamISI talabasi; **Suyarov A.SH.** – SamISI talabasi
Ibadov Sh.A. – SamISI talabasi; **Shukurov M.F.** – SamISI talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada xalqaro hostellar to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan hamda hostellar tajribasini O'zbekistonda qo'llash bo'yicha muhim fikrlar mulohaza qilingan. Maqolada shuningdek, O'zbekistonda byudjet hostellarini rivojlantirish samaradorligini oshirish bo'yicha amaliy takliflar mavjud.

Kalit so'zlar: hostellar, turizm, byudjet sayyohlar, bekpekerlar, fleshpeker, zostel, butik hosteli.

Constructing hostels in our country with the international experiences

Annotation: The article describes the important data about hostels of developed countries and using them in Uzbek condition. Moreover, there are practical offers to create economical hostels in Uzbekistan.

Key words: hostels, tourism, budget tourists, backpackers, flash packers, zostel, boutique hostel.

Строительство hostелей в нашей стране с международным опытом

Аннотация: В статье приведены важные данные о hostелях развитых стран и их использовании в условиях Узбекистана. Более того, есть практические предложения по созданию бюджетных hostелей в Узбекистане.

Ключевые слова: hostели, туризм, бюджетные туристы, туристы, флешпакееры, zostel, бутик-хостел.

O'zbekiston hozirgi kunda har bir sohada rivojlanib borayotgan industrial mamlakatga aylanib bormoqda. Mamlakatimizda iqtisodiyotning klassik sohalariga emas, balki zamonaviy sohalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan turizm sohasi ham ana shunday iqtisodiyot yo'nalishlaridan biridir. Shaxsan yurtboshimizning tashabbuslari bilan turizmni xalqaro miqyosda jadal rivojlantirishga alohida e'tibor qaratimoqda. 2016 – 2018 yillar davomida aynan turizm va xizmatlar sohasini rivojlantirishga bog'liq bir qancha qaror va farmonlar imzolandi.

Ichki va xalqaro turizmni rivojlantirish, turizm infrastrukturasi xalqaro standartlar asosida shakllantirish, ba'zi mamlakatlarning mamlakatimizga vizasiz rejimda tashrif buyurishiga oid vazifalar sayyohlarning ko'payishiga hamda turistik oqimning sezilarli darajada oshishiga imkon yaratdi. Bundan tashqari, turizmda joylashtirish vositalari – ya'ni mehmonxonalarining rivojlanishi ham bevosita yuqoridagi vazifalardan kelib chiqqan. Xalqaro rivojlanib borayotgan hamda O'zbekiston hududida yaratish imkoniyati mavjud bo'lgan joylashtirish vositalarini qo'llash ham shular jumlasidandir.

Hostellar byudjet tipidagi sayyohlarga mo'ljallangan bo'lib, ijtimoiy ahamiyatga molik hamda mehmonxonadagidek nomerni emas, balki yotoqni

band qilishga mo'ljallangan. Ko'p hollarda hostellarda hojatxona, hammom hamda oshxona umumiy sifatida foydalaniladi. Xonalar aralash yoki muayyan jins vakillariga mo'ljallangan bo'lishi mumkin. Bundan tashqari hostellarning shaxsiy xonalar taqdim etish imkoniyati ham mavjud bo'ladi.

Hostellar odatda rahbarga ham, istiqomat qiluvchi shaxsga ham kam harajatliligi bilan samarali hisoblanadi. AQShda hattoki hostellarda uzoq muddat tunab qoluvchi aholi qatlami ham mavjud. Chunki, ko'pchilik hostellar xonadonni ijaraga olgandan ham arzonroq bo'lishi mumkin.

Hindiston, Pokiston hamda Janubiy Afrikada hostellarga nisbatan faqatgina talabalarning yoki maktab o'quvchilarining yotoqxonasi sifatida qaraladi. Dunyoning boshqa mamlakatlarida esa hostellar sayohatchi va turistlar uchun arzonroq bo'lgan turar joy hisoblanadi.

1912-yilda Germaniyadagi Altena Kaslda Richard Shirman ilk Jugendherberge, ya'ni yoshlar hostelini yaratdi[1]. Ushbu dastlabki hostellar Nemis Yoshlar Harakatining yosh va bir muncha nochor holatdagi shaxslarni qo'llab-quvvatlash maqsadidagi na'munaviy turar joyi edi. Yoshlar ushbu hostellarni o'zlari boshqarishlari mumkin edi hamda turli faoliyat bilan shug'ullanib tirikchilik qilishga imkoniyat berilardi. Shuning uchun ko'pgina hostellar kunning yarmigacha yopiq

bo'lardi.



1-rasm: Taivandagi hostel nomeri. Manbaa: www.hostelmanagement.com



2-rasm: Altena Kasldagi dunyoning ilk hosteli. Manbaa: <https://en.wikipedia.org/wiki/Hostel#/media/File:Altena-Burg1-Asio.JPG>

Hostellar hamda mehmonxonalar o'rtasida turlicha farqlar mavjud bo'lib, quyidagilar shular jumlasidandir:

1. hostellar iqtisod klassdagi sayyohlar uchun mo'ljallangan bo'lib, narxlar nisbatan arzon, ammo ba'zi hostellarda kitob, TV hamda boshqa jihozlar ham mavjud;

2. erkin muhitni hush ko'ruvchilar uchun esa hostellar unchalik ham yaxshi variant emas;

3. muloqot hamda yangi do'stlar ortirishni yoqtiruvchilar uchun esa hostellar ayni muddao hisoblanadi. Chunki hostellarning umumiy yotoqxona sharoiti yangi ijtimoiy muhitni shakllantiradi;

4. hostellar odatda o'z-o'ziga xizmat ko'rsatishni talab etadi;

5. xarajatlarni kamaytirish maqsadida hostellar kuni bilan yopiq bo'lishi mumkin. Ammo, tunda albatta o'z faoliyatini boshlaydi.

Umumiy turar joy

Hostellarda mehmonxonalaridagiga qaraganda xavfsizlik darajasini yuqori deb bo'lmaydi. Bitta nomerda bir necha kishi bilan istiqomat qilish mehmonxona yoki B&Bda yashashdan ko'ra ancha boshqacha bo'lib, ko'proq xavfsizlikni xohlovchilarga biroz noqulaylik tug'dirishi mumkin. Hostellar ko'proq jamoaviy muhitga ixtisoslashgan bo'lib, sayyoh o'zini xuddi kafe, restoran yoki umumiy yotoqxonalaridagidek his qilishi mumkin.

Hostellardagi yana bir muammoldan biri – bu shovqin va tartibsizlik hisoblanadi. Ba'zi sayyohlar xurrak otishi, suhbatlashib chiqishi, kimdur kechasi kelib-ketishi holatlari boshqa mijozlarni bezovta qilishi tabiiy. Bunday holatlardan yiroq bo'lish maqsadida, bir qancha hostellar quloqchinlar hamda tungi niqoblarni taklif qilishadi.

Hostellarda mijozning shaxsiy qiymatbaho buyumlarini daxlsizligini ta'minlash jihatiga ko'proq ahamiyat qaratilishi zarur. Ko'pchilik hostellar qiymatbaho buyumlarni saqlash xizmatini taklif qilsa, ba'zilar esa shaxsiy seyflarni krovatlar yoniga o'rnatib qo'yishadi. Albatta, hostel qanchalik xavfsiz bo'lsa, mijozlar ko'proq xavfsiz hostellarni tanlashadi.

Ko'proq sayyohlarni jalb qilish maqsadida ba'zi hostellar qo'shimcha va bir qancha arzon xizmatlarni ham taklif qilishadi. Misol sifatida aeroportdan olib kelish va kuzatish, internet kafelari, suzish basseynlari hamda spalar, ekskursiyalar, mashinani ijaraga olish kabilarni keltirsak bo'ladi. Yana bir qancha hostellar esa issiq taomlarni tayyorlab berishlari ham mumkin.



3-rasm: Hostellardagi hay-tek texnologiyasiga ega xavfsizlik

Turlari.

An'anaviy hostellar umumiy yotoqxona shaklida bo'ladi. Ba'zi yangi turdagi hostellarda esa yuqori darajali nomerlar, singl, dabl yoki oila uchun mo'ljallangan alohida nomerlar ham mavjud. [2]. Yaqin yillarda mustaqil va sayyohlar uchun mo'ljallangan hostellar soni sayyohlik markazlarida juda ham ortgan.

Bunday manzillarning sifat darajasi ham sezilarli darajada ortdi. Ko'pchilik hostellarda xavfsizlik va boshqa shu kabi xizmatlardan foydalanish darajasi shu qadar yuqoriki, har bir mijozga individual yondashiladi.

Richard Shirmaning hostellarni keng yoyish maqsadidagi Xalqaro Hostellar tashkilotini tuzish borasidagi g'oyasi 80 davlatda 90 ta har xil hostellar uyushmasi hamda 4500 hostelni birlashtirgan bo'lib, dunyoning ko'plab mamlakatlarida keng yoyilmoqda. [3]

Ba'zi Xalqaro Hostellar tashkiloti (HI – Hosting International) yoshlar hostellari talabalar, o'quvchilar hamda ularning ota-onalariga asosan mo'ljallangan bo'lib, lekin sayyohlarga ham xizmat ko'rsatmoqda.

Oxirgi yillar davomida Xalqaro Hostellar tashkiloti o'z tizimlariga kichik mehmonxonalar hamda kempinglarini ham qo'shib yuborishmoqda.

Mustaqil hostellar

Mustaqil hostellar hech qanday tizimga kiritilmagan hisoblanadi. Xalqaro maqomda mustaqil hostellar faqatgina Xalqaro Hostellar tashkilotiga kiritilmagan taqdirdagina inobatga olinadi. Bunday tizimda “yoshlar” so'zi deyarli ishlatilmaydi. Bunday hostellar ba'zi tashkilotlarning a'zolik kartasini talab qilmaydilar. Mustaqil hostellarda xuddi mehmonxonalar kabi zanjirlar tizimi mavjud bo'lishi mumkin. Ularning eng mashhuriga AQSHning Jazz Hostels, Banana Bungalow Hostels, Yevropadagi Generator Hostels, Equilly Point Hostels hamda Hindistondagi zosterel tizimlarini misol qilsak bo'ladi. Ularning har biri sayyohlar hamda bekpekerlarga o'zlarining xizmatlar pektini taqdim etishadi. Misol uchun bir hostel ko'plab mehmonxonadagi madaniy dasturlarni taklif qilsa, yana biri shahar atrofida turlarni taklif qiladi, boshqasi esa plyajdagi hordiqni taqdim etadi. Mustaqil hostellar o'zining erkin xususiyatlariga egali-gi bilan boshqalaridan tubdan farq qilishadi.



4-rasm: Budapeshtdagi hostel yotoqxonasi (Butik)

Butik hostellari. Oxirgi yillarda hostellar faqatgina budget sayyohlar yoki talabalar uchungina mo'ljallangan bo'lib qolmay, talabning oshishi hamda raqobatbardoshlikni kuchaytirish maqsadida hostellarning ham sifati tobora ortib bordi. Bundan tashqari nafaqat sifat darajasini, balki

interyer va eksteryer dizaynda ham yuqori darajaga e'tibor qaratila boshlandi. Izlanishlar shuni ko'rsatadiki, zamonaviy sayyohlar hamda yoshi katta turistlar ko'pincha xonalari alohida bo'lgan, hamda tinch va shovqinsiz hostel yoki bekpekerlar turar joyini afzal bilishadi. Bunga misol sifatida Keyp Taundagi Bluberg Bekpekerni misol qilsak bo'ladi. Bunday hostellar hattoki xususiy dush va hojatxonalarini taklif qilishadi. “Butik hosteli” termini ham ana shunday yuqori darajali turar joylar-ga va ularning mijozlariga ataladi.

“Butik” atamasi odatda marketingda ishlatilib, o'ziga xos, hashamdor va shinam hostellarga nisbatan qo'llaniladi. Ushbu atama keyinchalik o'z kuchini yo'qota boshladi, chunki odatdagi oddiy hostellar ham mijozlarni jalb qilish maqsadida “Butik” atamasini qo'llay boshlashdi. Ba'zida esa Marketologlar onlayn reklamalarda Butik mehmonxonalarini Butik Hostellari ro'yxatiga kiritib qo'yishadi va Butik Hostel yana noto'g'ri tushuniladi.

“Fleshpeker” atamasi ham bevosita butik hostellarga bog'liq so'z bo'lib, bir muncha rivojlangan, texnik va texnologik takomillashgan, yangi klassdagi hostellarga nisbatan ko'proq qo'llaniladi. [4]

Mobil hostellar. Mobil hostellar aniq hududda joylashmagan hostellar tarkibiga kiruvchi hostellar hisoblanadi. Ushbu hostellar kemping ko'rinishida, vaqtinchalik binoda, avtobusda yoki boshqa shu kabilarda bo'lishi mumkin. Mobil hostellar budget mehmonxonalari kam bo'lgan hududlarda keng tarqalgan. Birinchi mobil hostelga misol – bu Hostival hisoblanadi. Ushbu mobil hostel Oktoberfest, Karnival, San Fermin, Las Fallas va 2010-yilgi Jahon Kubogida qo'llanilgan.

Mamlakatimizda turizm sohasi innovatsion tarzda rivojlanib bormoqda. Bunday davrda hostellar tizimini tashkil etish va ularni rivojlantirish ham muhim omil hisoblanadi. Hostellar tizimi – bu keng qamrovga ega, qulay hostellarini turlarini birlashtirgan bo'lishi kerak. Yuqorida aytib o'tilgan mulohazalarga ko'ra, xorijiy mamlakatlar tajribasidan samarali foydalangan holda hostellarning xalqaro standartlarini yaratish zarur hisoblanadi. Sayyohlar soni ko'payar ekan, ularning tarkibi ham oshadi. Ya'ni, budget sayyohlarga ham hostellar juda zarur. Bundan tashqari mahalliy turoizmda hostellar juda ahamiyatli. Hostellarni aynan O'zbekiston hududida qo'llash bo'yicha quyidagi takliflarni berish mumkin:

O'zbekiston hududida maxsus ajratilgan holdagi hostellarni yaratish;

Hostellarda alohida dizaynga e'tibor berish;

Mamlakatimiz hostellar tizimini – yagona elektron hostellar tarmog'ini shakllantirish;

Hostellar tipidagi joylashtirish vositalari uchun alohida soliq tizimi hamda yaratish nizomini ishlab chiqish;

Hostellar tipi milliy standartini ishlab chiqish;

Hostellarda nomerlar fondining turlanishiga alohida e'tibor qaratish;

O'zbekistonda hostellar marketingini xalqaro rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish va boshqalar.

Adabiyotlar:

1. "List of Hostel Chains – Hostel Wiki", Archived

УДК:519.71(575.1)

BINO VA INSHOOTLARNI QURISH REJASINI DASTURIY LOYIHALASH

Primova X.A. professor t.f.d. (Тошкент ахборот технологиялари университети, СФ)

G'aybulov Q.M. assistent (Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти)

Программное проектирование для строительства здание и сооружение

Строительство строительных проектов в зданиях и сооружениях, схемы планировки этажей, разрезы зданий в виде схем, фасадные чертежи, пояснительные письма и проекты. Многочисленные компьютерные приложения широко используются для записи всех типов материалов, используемых для проектирования и строительства зданий и сооружений. Он широко использует AutoCAD, LIRA, 3DSMAX и так далее.

Program design for construction building and construction

Construction of building projects in buildings and structures, floor layouts, sections of buildings in the form of diagrams, facade drawings, explanatory letters and projects. Numerous computer applications are widely used to record all types of materials used for the design and construction of buildings and structures. It makes extensive use of AutoCAD, LIRA, 3DSMAX, and so on.

Qurilish jarayonlarida loyihatashkilotlariloyihatuzishnitopshiradigan–buyurtmachitashkilotdantopshiriqolib,binoloyihalarinitayyorlaydi. Bino va inshootlarni loyhalarini yaratishda va qurilishda ishlatiladigan barcha turdagi materiallarning hisobini olishda bir qancha kompyuter dasturlaridan keng foydalaniladi. Asosan AutoCAD, LIRA, 3DSMAX va shunga o'xshash dasturlardan keng foydalanadi. Dasturlar yordamidabino va inshootlarning loyihalari, rejalari, sarflanadigan materiallarning xisobi va boshqa ishlarni bajarish mumkin. Loyihaikkibosqichda bajariladi: - topshiriq loyihasi;-ish chizmasi, Ayrim hollarda texnik loyiha hamchiziladi.Topshiriqloyihasi(bundaeskizko'rinisdachiziladi)quyidagimateriallar kiradi.

- sxema tarzida ko'rsatilgan bino qavatlar;

Bino qavatlar sxema tarzida ko'rsatish rejasini, agar binoning qavatlar soniga qarab sxemalari ko'rsatiladi. Binoni ko'tarib turuvchi konstruksiyalari, ya'ni poydevori, qavatlar, tom qismi tashkil etadi. Turar-joylar, maktablar va boshqa jamoat binolari qurilishida ana shu konstruktiv tip keng tarqalgan.

Poydevor vazifasiga kura har xil: tug'ri burchakli xarsang toshlardanasosi kengaytirilgan trapetsiyasimon asosi kengaytirilgan zinasimon ertulali, yig'ma poydevorli, temir-betondan qurilgan buladi. Binodan asosiga katta yuklanish tushsa, bino quriladigan yer osti gurunti qattiq bulmasa, uzluksiz poydevor yoki qovurg'ali temir-betondan foydalaniladi.

Ko'p qavatli binolarning plani har qaysi qavat uchun qirqib kursatiladi. Plangan qaysi qavatniki ekanligi yozib kursatiladi.

Agar ko'p qavatli binolarning barcha qavatlar


from the original on 22 July 2012. Retrieved 24 July 2017.

2. en.wikipedia.org/wiki/Hostel#cie_note-2


3. https://en.wikipedia.org/wiki/Hostel#cite_note-4

4. "Flashpackers do it in style - World - Travel", www.smh.com.au. 24 iyul 2017.

bir xil xonalardan tashkil topgan bo'lsa, masalan, ikki qavatli binoning ikkinchi qavat plani chiziladi va tom pejalari ham ko'rsatiladi.



1-rasm.Poydevor rejasini.




2-rasm. Birinchi qavat rejasini.


-binoning sxema tarzida ko'rsatilgan kesimi;

Poydevor plani va kesimidagi ko'rinishi, hamda o'lchamlari shunday tanlanishi kerakki, bunda bosim kuchi asosga bir tekisda taqsimlanadigan bo'lishi kerak. Poydevorlarning ko'rinishi va o'lchamlari uning materialiga, binoga tushayotgan yuk miqdoriga, tuproq sifatiga, yer osti suvlari, tuproqning muzlash chuqurligi va iqlim sharoitiga bog'liq bo'ladi.

Binoning bir qismini vertikal tekislik bilan fikran qirqib olingandan keyin profil W tekislikda hosil bo'ladigan tasvir, binoning qirqimi deyiladi. Qurilish ishlarida binoning arxitektura yoki konturli qirqimda bajarilgan chizmalardan foydalanilmaydi. Chunki unday chizmalarda binoning konstruktiv elementlari kursatilmaydi.



3-rasm. Ikkichi qavat rasi.



4-rasm. Tom rejasi.


Binoning konstruktiv qirqimida barcha konstruktiv elementlaritavirlanganligi uchun unday chizmalardan qurilishlarda foydalaniladi. Chunki, konstruktiv qirqimlar asosida ishchi chizmalar bajariladi. Ishchi chizmalarda qirqimlar uchun qarash yunalishi, odatdagidek, plan buyicha – pastdan yuqoriga va chapdan unnga qarab olinadi.

Kesuvchi tekislikni, iloji boricha, binoning barcha elementlarini kesib utadigan qilib olishga harakat qilinadi. Binoning konstruktiv elementlarining holatini balandliklari buyicha ularning

balandlik belgilari yordamida aniqlanadi

- binoning old tomondan ko'rinishi (fasadi);

Plan va qirqimga asosan chiziladi. Binoning old kurinshi – bosh fasad, orqa tomondan kurinishi - hovli fasad, chap va ung tomondan kurinishi- yon fasad deyiladi.



5-rasm. Binoning sxema tarzida ko'rsatilgan qirqim kesimi.

Fasadning uzunligi, deraza va elementlarning eni qavatlarining planlaridan olinadi. Deraza, eshik, karniz, sokol, ayvon (balkon) va boshqa elementlarning balandliklari binoning qirqimidan olinadi. Fasad balandlik belgilari ulchamlari kursatiladi. Bosh planlarda ulchamlari quyilmaydi. Bino fasadiga ulchamlar faqat uning balandlik belgilarida kursatiladi.



6-rasm. Binoning old tomondan ko'rinishi (fasadi)

-uchastka bosh rejasi (genplani);

Belgilangan maydoning xolatini o'rganib uchastka bosh rejasi tuziladi. Bino va inshootlarini qurilishi rejalashtiriladi.



7-rasm. Binoning bosh rejasi (genplani) .

- tushuntirish xati.

So'rovnomaga loyiha-smeta hujjatlarining arxitekturaga oid qismi (tushuntirish xati (tushuntirish xatida loyiha-smeta hujjatida yong'in xavfsizligiga, sanitariya-epidemiologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalariga rioya etish bo'yicha va boshqa yo'nalishlarda bajarilgan ishlar aks ettiriladi), bino va inshootning fasadlari, qavatlar rejalari, qurilish obyektining bosh rejasi) elektron shaklda ilova qilinadi.

Ish chizmasi tarkibiga har bir qavati rejalari, kesimi, tashqi ko'rinishi, poydevor chizmalari, hamma murakkab tugun chizmalari, qavatlaaro yopmalar rejalari, ichki va tashqi pardozlar, zavodlarda tayyorlangan detallar opetsifikatsiyasi va tushuntirish xati kiradi.

Topshiriq loyihasi buyurtmachi topshirig'iga ko'ra tuziladi va unda yuqorida aytilganlardan tashqari quyidagitehnik-iqtisodiy-ko'rsatkichlar ham keltiriladi: turar joy maydoni (P_j); ishmaydoni (P_r); yordamch maydon (P_a); binoning foydali maydoni ($P_p = P_j + P_v$); bino qurilish maydoni (P_z); qurilish hajmi (Q). Asosiy ko'rsatkichlarga quyidagilar ham kiradi:

$$a) K_1 = \frac{P_j}{P_p} \% \text{ (turar joy binolarida)}$$

$$b) K_2 = \frac{O}{P_j} = \frac{P}{P_r}$$

Bu yerda K_1 – bir xonali kvartiralar uchun 0,54–0,56; ikki xonali uchun 0,58 – 0,6; uch xonali uchun esa 0,62 – 0,64 ga teng bo'lishi kerak. K_2 – bino hajmidan foydalanish ko'rsatkichi.

Shundayqi- lib, ishchizmasi qurilayotgan binoning asosiy hujjatlaridan biri hisoblanib, injener – texnik xodimlarning asosiy dasturi bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

ШНҚ 3.01.01 – 03 — Курилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш. ЎзР Давархитекткурилиш. АКАТМ, Тошкент, 2003 й.

QMQ 3.02.01-97. Tuproq inshootlar, zamin va poydavorlar. T., 1998 yil

QMQ.3.01.01-97. Qurilish-montaj ishlari sifatiga umumiy talablar. T., 1997

Усмонов Ф.Б. Иванова Р.С. "Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси ҳамда курс лойиҳасини бажариш буйича услубий курсатмалар" Бухоро 1994.

РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ С ЛЕТНЕГО ПЕРЕГРЕВА В ЖИЛЫХ ЗДАНИЯХ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО КЛИМАТА

Рузиев Х. Р., к. т. н., доцент
Бухарский инженерно-технологический институт

В статье охарактеризованы результаты исследований широкого круга специалистов в области теплового режима зданий и конструирования экранированных стен. Разработана методика расчета и конструирования усовершенствованных легкобетонных панельных наружных стен с экраном для условий жаркого климата. Доказана возможность создания высоко теплоустойчивых легкобетонных панелей с воздушными прослойками и солнцезащитными экранами.

Ключевые слова: теплопроводность, легкий бетон, теплоустойчивость, термическое сопротивление, керамзитобетон, теплопередача, воздушная прослойка, экран.

Мана шу диаграммадан кўриниб турибдики, Навоий вилоятида мавжуд бўлган 585 та қишлоқ аҳоли пунктларининг аксарияти кейинги 20 йилда ўз ҳолича, стихияли тартибда ривожланиб, фаолият юритганлиги маълум бўлади. Чунки, 1985 йилларда ишлаб чиқилган шаҳар-


² Навоий вилояти статистика бошқармасининг 2019 йил 12 июлдаги 01/2-09-05/2-1120 – сонли маълумоти.

¹ Навоий вилояти қурилиш бош бошқармасининг 2019 йил 12 апрелдаги 01-22/442 – сонли маълумоти.

созлик хужжатларининг (бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари) амал қилиш муддатлари 10-15 йилни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, барча қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарсозлик хужжатлари эскириб, талабга жавоб бермай қолган.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режа лойиҳалари мавжуд бўлмаганлиги оқибатида 2000-2010 йиллар оралиғида Навоий вилоятининг Кармана тумани “Дўстлик” массиви, “Арғун” маҳалласи ва бошқа қишлоқ маҳаллаларида жойлардаги ер тузувчилар, фермер хўжалик раҳбарлари ноқонуний равишда фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш ҳолатлари амалиётда аниқланган. Натижада, ҳудудларда режасиз, кўчалари тор, яъни шаҳарсозлик талабларига зид бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари пайдо бўлишига олиб келди. Бундай ҳолатлар республикамизнинг кўплаб ҳудудларида учрайди.

Бухоро вилоятида 233 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 1455 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, аҳолиси 1000 кишигача бўлган 1029 та кичик, аҳолиси 3000 кишигача бўлган 420 та ўрта, аҳолиси 5000 кишигача бўлган 4 та катта ҳамда аҳолиси 5000 кишидан ортиқ бўлган 2 та йирик қишлоқ аҳоли пунктларидан ташкил топган¹ (5-расм).



- 1000 кишигача (кичик қишлоқ пункти)
- 3000 кишигача (ўрта қишлоқ аҳоли пункти)
- 5000 кишигача (катта қишлоқ аҳоли пункти)
- 5000 дан ортиқ (йирик аҳоли пункти)

5-расм. Бухоро вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши (классификацияси). 2019 йил 1 январь ҳолатига.

Шу билан бирга вилоятда шаҳарча мақоми берилган 66 та қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган бўлиб, уларнинг 34 таси ўрта, 31 та ҚАП катта, 1 таси эса йирик қишлоқ аҳоли пунктлари талабига тўғри келади.


Мавжуд 1455 та қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатлари билан таъминланиш ҳолатини таҳлил қилиб чиққанимизда куйидаги натижани кўрамиз.

Вилоятдаги 119 та ҚФЙдан 61 тасига қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини

меъморий режалаштиришни ташкиллаштириш (ХМРТ) 2010-2018 йиллар оралиғида ишлаб чиқилган бўлиб, жумладан, Бухоро туманида 14 та ҚФЙдан 6 тасида, Вобкент туманидан 11 ҚФЙдан 6 та, Ғиждувон туманида 14 тадан 7 та ҳамда Қоровулбозор туманида 4 та ҚФЙдан атиги 1 тасида ХМРТ лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бу рақамлардан аниқ бўлдики, туманлардаги ҚАПларнинг деярли ярмининг ХМРТлари тайёрланган (6-расм).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639 - сонли қарорига асосан 2020-2022 йилларда Бухоро вилоятидаги 29 та МФЙ ҳудудлари шаҳарсозлик хужжатлари билан таъминланиши кўзда тутилган.


Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳам кейинги йилларда кўплаб қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштирилиши, қайта реконструкция қилиниши режалаштирилган.



6-расм. Бухоро вилояти қишлоқ фуқаролар йиғинлари (ҚФЙ) ҳудудларида 2009-2018 йиллар давомида ишлаб чиқилган ХМРТ лойиҳалари.

Мақола мавзуси юзасидан Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи ҳамда Кармана туманларидаги қишлоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг 244 таси ўрта-сида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Сўровномадаги “Сиз яшайдиган маҳалла ободлиги, уй-жой, кўча кўриниши қиёфаси Сизни қониқтирадими?” деган саволга 40 фоиздан ортиқ аҳоли – қисман қониқтиради, 30 фоиздан ортиғи эса – қониқтирмайди деб жавоб берган (7-расм).



Шунингдек, “Қишлоқларни обод қилиш, уй-

¹Бухоро вилояти статистика бошқармасининг 2019 йил 01 августдаги 01/1-09-16/2-1002 – сонли маълумоти.

жойларни тартибга келтириш, ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилишлар қилмасликнинг олдини олиш бўйича қандай фикр билдирасиз?” деган сўровда 31 фоиз фуқаро – маҳалла, кўча фаолларининг маъсулиятини ошириш, 30 фоизга яқини – аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ташвиқот ишларини ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг 40 фоизи эса кўча кўринишини бузган, ноқонуний қурулмалар қурган шахсларга қонуний чора кўриш, жарималар солишни тўғри деб топишган.

Бундан ташқари, мақола мавзуси юзасидан архитектура-қурилиш соҳаси ходимлари ўртасида ҳам ижтимоий сўровнома ўтказилди. Сўровномада Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари қурилиш бош бошқармалари, “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ бош лойиха институти ҳамда вилоятлардаги йирик лойиха – қидирув ташкилотларидан 64 та респондент қатнашди.

Сўровномадаги “Қишлоқ аҳоли пунктлари кўча қиёфасини, уй-жойларнинг ташқи кўринишини талаб даражасига келтириш борасидаги фикрларингиз?” деб номланган сўровда 42 фоиз респондент мулк эгаларининг маъсулиятини оширишни, 30 фоиз мутахассислар “Энг обод кўча” ва бошқа кўрик танловлар ўтказиш орқали кўча ободончилигига аҳоли эътиборини, қизиқишини орғитириш фикрини билдиришган.

Шунингдек, “Қишлоқ урбанизация даражасини кўтариш учун нималарга эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?” деб номланган саволга мутахассисларнинг 40 фоизи қишлоққа саноатни киритиш фикрини берган бўлса, 32 фоизи қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини, 40 фоиздан ортиғи эса қишлоқларда маданият ва ижтимоий соҳа объектлари, йўл инфратузилмаси бўйича хорижий тажрибадан фойдаланиш фикрини берган.

Ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни 2009-2019 йиллар давомида ишлаб чиқилган ҲМРТ (АПОР) лойиха ҳужжатларини амалиётда тадбиқ этиш жараёнида кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бизга маълумки, биринчи президентимиз томонидан 2009 йилни “Қишлоқ фаровонлиги йили” деб элон қилинганидан сўнг “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ лойиха институти ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб, қишлоқ фуқаролар йиғинлари (ҚФЙ) ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкиллаштириш (ҲМРТ) лойихаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилган эди. Мазкур лойиха ҳужжатлари “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ ҳамда “Ўз-ГАНШК ЛИТИ” институтлари томонидан ишлаб чиқила бошланди.

Юқорида қайд этганимиздек, Бухоро ва

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси томонидан берилган маълумотларга асосан, 2009 йилда Бухоро вилоятида 119 та ҚФЙ мавжуд бўлиб, 2009-2019 йиллар давомида жами 61 та ҲМРТ лойихалари ишлаб чиқилган. Худди шунингдек, Навоий вилоятида ҳам 26 та ҲМРТ лойихалари ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 16 таси “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ томонидан тайёрланган. Бунинг учун, 64.62 млн. сўм бюджет маблағлари ажратилган. Бундан ташқари, “ЎзГАНШК ЛИТИ” институти томонидан 10 та ҲМРТ лойихалари ишлаб чиқилиб эса бюджетдан 643.6 млн. сўм бюджет маблағи ажратилган. Шундан кўриниб турибдики, шунча бюджет маблағи ҳамда ишчи кучи сарфланиб ишлаб чиқилган ҲМРТ лойихаларининг аксарияти амалда ўзини оқламади яъни шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари лойихада тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилмаганлиги, маҳаллий шароит ва мазкур ҳудуднинг истиқболли режалари талаб даражасида ҳисобга олинмаганлиги натижасида ушбу лойихалар реализациясини амалга ошириш имконияти чекланишига сабаб бўлди.

Мисол тариқасида, 2009 йилда ишлаб чиқилган Навоий вилояти Конимех тумани “Чордара” ҚФЙ ҳудудини меъморий режалаштиришни ташкиллаштириш (ҲМРТ) лойихасини олиб кўрайлик. Ушбу лойихага киритилган объектларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз ўрнини топмади. Мисол учун, “Навои-Зарафшон” А-379 автомобил йўлининг бир қисми “Чордара” ҚФЙ ҳудудидан ўтади. Ушбу ҳудуддан ўтган қисми нотўғри жойлаштирилганлиги натижасида йўл инфратузилма объектларини жойлаштириш масаласи тўлиқ ечилмаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 августдаги “2020-2022 йилларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойихалари ишлаб чиқарилиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойихаларини ҳамда ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги 639 – сонли қарори қабул қилиниши, ҳамда қабул қилинган қарор билан, 2020-2022 йилларда республикамиздаги 316 маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ ҳузурида бош режаларни ишлаб чиқувчи Давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Корхонанинг вилоятларда ҳам филиалларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шу ўринда алоҳида эътибор қаратиладиган ҳолат бу, бош режаларни ишлаб чиқишни тартиб-

га соладиган меъёрий ҳужжатлар, яъни маҳсус йўриқнома ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ҳозирги даврга мос келмаслигидир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5577 сонли фармонига асосан, қисқа муддатларда лойиҳалашнинг техник-норматив ҳужжатларини илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бош режаларни ишлаб чиқиш бўйича меъёрий ҳужжатларда қуйидаги тавсияларни кириштириш тақлиф этилади яъни:

- туризм ривожланиши ва сайёҳлар оқимининг ўсишини ҳисобга олувчи янги инфратузилма объектлари, меҳмонхона, мотел-кемпинглар, санитар-гигиена хоналари ва масжидлар қурилиши;

- кўп қаватли уй-жойлар ҳудудида лойиҳа-

лаштириладиган болалар майдончасини, оилавий дам олиш яъни машқ майдончалари билан уйғунлаштириб лойиҳалаштириш.

Адабиётлар:

1. Турсунов Х.К., Умаров М.У., Очилов Ш.Д. “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий – режали ташкиллаштириш”, Ўқув қўлланма, ТАҚИ. Тошкент ш., 2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, Бухоро вилоят статистика бошқармаси, 2019 йил 01 август, 01/1-0916/2-1002 – сонли маълумоти.

4. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, Навоий вилоят статистика бошқармаси, 2019 йил 12 июль, 01/2-09-05/2-1120 – сонли маълумоти.

5. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, Навоий вилоят қурилиш бошқармаси, 2019 йил 12 июль, 01-22/442 - сонли маълумоти.

УДК: 72.03

ШАҲАР АҲОЛИСИ УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ (УРГАНЧ ШАҲАР МИСОЛИДА)

Абдуллаева Ш.И. - таянч докторант

Урганч давлат университети. У tel: 998 91-513-20-40

Мазкур мақола замонавий аҳоли жойлари ва шаҳарни ҳудудий режалаш, лойиҳалаш масалаларини, аҳоли жойларини лойиҳалашда табиий-иқлимий хусусиятларини ҳисобга олиш масалалари, ободонлаштириш, экология, шаҳарсозлик иқтисодиёти масалаларини, шунингдек ҳуқуқий масалалар ҳал этилиш муаммоларини ёритади.

В данной статье освещаются вопросы современного планирования городских и городских территорий, вопросы учета природно-климатических особенностей при проектировании населенных пунктов, благоустройство, экология, градостроительство и правовые вопросы.

This article highlights the issues of modern planning of urban and urban areas, the issues of taking into account natural and climatic features in the design of settlements, improvement, ecology, urban planning, and legal issues.

Республикамизнинг мустақилликка эришуви ва янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга ўтиши, мамлакатимизнинг ўзига хос табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий, экологик шарт-шароитлари ва омиллари Урганч шаҳарсозлигини талаб даражасида ўрганишни ўртага қўяди.

Маълумки, шаҳар - кўп сонли аҳоли бир ҳудудда компакт тарзда жойлашиб яшайдиган муҳитдир, чунки аҳолининг шаҳардаги ҳаёти уларнинг кўп қиррали фаолияти билан боғлиқ бўлиб, шаҳарда яшовчи одамлар барча маданий-маиший ва транспорт хизматлари билан таъминланиши лозим.

Масалан, Урганч шаҳридаги кўчалар тармоғининг чизмаси шаҳарнинг режавий тузилмасини белгилаб беради, яъни шаҳар кўчаларидаги қурилиш объектлари ўзига хос ҳисобланиб, у ерларда транспорт воситалари ва

одамлар доимо ҳаракатда бўлишади. Кўчалардаги ҳаракатларни ўз хусусиятларига қараб бир-бирдан ажратиш мумкин: сершовқин шоҳкўчалар, серкатнов ҳалқа автомобиль йўллари, салқин хиёбонлар, тинч-осойишта турар-жой кўчалари ва хилват кўчалар, тор ва боши берк кўчалар.

Бугунги кунда олдимизда турган асосий муаммолардан бири, катта шаҳарларнинг истиқболли бош режасини ишлаб чиқиш учун шаҳардаги транспорт қатнови масаласини ҳал этиш жиддий талаб этилади, чунки одамларнинг ҳаракатланиши қуйидаги тартибда турли усулларда амалга оширилиши назарда тутилди:

- пиёда;

- йўналишлари аниқ белгиланган шаҳар транспортдан фойдаланган ҳолда;

- шахсий транспорт воситаларидан фойда-

учун мўлжалланган хусусий клиникалар, спорт майдончаси ва спорт зали, черков, диспансер каби объектлар тасодифий, яъни шаҳар бош режасида кўзда тутилмаган қурилмалар сифатида баҳоланади.

Шаҳарнинг бош магистраль кўчаси ҳисобланган Ал Хоразмий кўчаси шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, шаҳарнинг марказий қисмини жанубдаги турар-жой массивлари, темир йўл вокзали ва автовокзал билан бирлаштиради. Кўчанинг шимолий қисми аэропортга олиб боради. Кўчада асосан 2-4 қаватли турар-жой бинолари қурилган. Магистраль ободонлаштирилган, кўндаланг профилнинг барча элементларига эга, автомобиль қатнайдиغان қисми асфальт-бетон билан қопланган, умумий кенглиги 46,0 метрни, автомобиллар қатнайдиغان қисмининг кенглиги эса 21,0 метрни ташкил қилади.

Шаҳар магистралларининг аксарияти амалдаги нормалар талабларига мувофиқ ўлчамларга эга бўлсада, автомобиллар ҳаракатланадиган қисмларидаги кўчалар кенглиги мавжуд автомобиль қатновлари интенсивлигига доим ҳам жавоб бермайди. Шаҳарда, автомобилларнинг транзит оқимини қабул қила оладиган тўлақонли ташқи автомобиль ҳалқа йўли шаклланиб улгурмаганлиги сабабли, ташқи автомобиль йўллари шаҳар кўчалари билан тутшиб кетган. Кўчалардаги автомобиллар оқимининг шу тарзда тақсимланиши натижасида аҳоли кўп миқдорда тўпланадиган жойларда (бозор, дўконлар қатори ва ҳ.к.) ҳаракатланиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шаҳарларнинг кенгайиши икки усул билан амалга ошади: шаҳарнинг янги массивларини қуриш ва шаҳардаги мавжуд ҳудудларни кенгайтириш. Агар Хоразм воҳасидаги шаҳарларини кўздан кечириб чиқадиган бўлсак, у ҳолда мавжуд шаҳарларни кенгайтириш усули қўлланганига амин бўламиз.

Шаҳар марказини қайта тиклаш (реконструкцияси) унинг келгусидаги ривожланишини назарда тутган ҳолда қуйидагича амалга оширилади:

- шаҳарнинг бўш ҳудудларида янги турар-жой массивлари ҳамда шаҳар мавзеларидаги бўш участкаларда алоҳида бинолар қурилиши;
- аҳоли яшайдиган мавзеларидаги эски биноларни бузиш ва тарихий ёки маданий қийматга эга биноларни реконструкция қилиш билан амалга оширилишининг қайта режаланиши.

Шаҳарда аввалдан шаклланиб, қарор топган мавзеларни қайта режалаштириш билан амалга ошириладиган реконструкциянинг бу тури энг мураккаб ва муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Шаҳар турар-жой фондининг ривожланиши шаҳар хўжалигининг бошқа соҳалари (транс-

порт, йўллар, кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к.), шунингдек: сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти ҳамда алоқа тизими каби барча муҳандислик тармоқлари ҳам мутаносиб равишда ривожланиши билан амалга оширилиши лозим. Шаҳарнинг ривожланиши бош режа асосида амалга оширилади. Мисол тариқасида Урганч шаҳри реконструкциясининг қуйидаги бош режасини келтириш мумкин.



3-расм. Урганч шаҳрининг янги бош режаси



4-расм Урганч шаҳарни марказий кўчаси (реконструкциядан кейинги ҳолати)

Бино ва магистраль кўчаларни қайта тиклаш бўйича бажариладиган ишларда атроф ҳудудларнинг муҳандислик ва коммуникация тармоқларига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинмайди, чунки, мавжуд кўча ва йўлларнинг тартибсиз қазиб ташланишини сезиларли даражада қисқарилади. Натижада, аҳоли яшаш учун қулай шароитларга эга бўлади, чунки шаҳар аҳолиси учун қулай муҳитни яратиш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- шаҳар кўчаларини Шовот канали суви билан таъминлаш муаммоси;
- транспорт ва пиёдалар учун мўлжалланган ҳудудларни истиқболли кенгайтирилиши;
- Урганч шаҳри воҳада жойлашганини ҳисобга олган ҳолда, кўчаларга иссиқ ва совуқ иқлим шароитларига чидамли дарахтларни экиш лозим;
- шаҳарга шарқ томондан кирувчи Ҳонқа йўли, жанубдан Янгиариқ ва Хива йўллари, ғарб томондан Гурлан ва шимол тарафдан ки-

рувчи Чолиш йўллари халқа автомобиль йўли билан бирлаштириш талаб этилади;

- эски иморат ва қурилмаларини бузиш ҳисобига шаҳар кўчаларини кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш лозим;

- шаҳар кўчаларига электр тежамкор лампалари ёритиш қурилмаларини, телефон будкалари, скамейкалар ва ахлат қутилари ўрнатиш керак;

- электрон табло, бепул Wi-Fi ва мобил телефонлар учун USB-порталлари бўлган ақлли автобус бекатлари (бугунги кунда бундай бекатлар лойиҳалаштирилмоқда);

- ҳовлиларга кириш йўллари тротуар билан бир сатҳда бажарилиши керак, яъни имкониятлари чекланган фуқаролар учун пандусли йўллар кўзда тутилиши зарур;

- кўчаларнинг автомобиллар ҳаракатланган қисмлари нормативларга мувофиқ янгилашиши лозим;

- зарур инфратузилмага эга велосипед йўллари лойиҳалаштирилиши керак;

- кўп қаватли, кам қаватли (2-3 қаватли) бинолар ва жамоат бинолари деразаларига қуёш-

дан ҳимоя қилувчи элементлар ўрнатилиши лозим.

Шундай қилиб, натижада шаҳар маркази қайта тиклангандан кейин муҳандислик ва коммуникация тармоқларининг мавжуд ҳолати билан боғлиқ бўлган муаммолар асосида бино ва кўчаларни лойиҳалаштиришда айрим ўзгаришлар киритиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Шахрай В.А. Принципы архитектурно-планировочного формирования главных улиц и площадей крупных городов Восточной Сибири (на примере Красноярска, Читы и Улан Удэ) Автореферат дисс...канд. архитектуры : 18.00.04/МСИ-Л 1988

2. Швидковский О.А. Некоторые планировочные решения главных улиц крупных городов (на примере Киева, Минска, Днепропетровска) Автореферат дис...канд.архитект.: 18.00.02 НИИ градостроительство –М,1955

3. Журнал Проект Россия/ project russia, арх. Илья Мукосеем посвященный на тему “улицы/streets” Выпуск-1/2016 год

ОСВЕЩЕНИЕ ТРАНСПОРТНЫХ ТОННЕЛЕЙ

Beknazarov M.B., katta o'qituvchi, **Xaitmetova F.I.** stajyor o'qituvchi

Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti

Murod107@mail.uz, Телеграм: +998937281703

В зависимости от характера движения и интенсивности транспортного потока тоннели подразделяются на три класса. Тоннеле выделяют четыре яркостные зоны: пороговую переходную, внутреннюю и выездную, а перед въездным порталом.

Ключевая слова: Движения, поток, тоннел, комфортност, транспорт, яркост, портал, яркост, фликер.

Lighting of transport tunnels

Depending on the nature of the traffic and the intensity of the traffic flow, tunnels are divided into three classes. In the tunnel there are four brightness zones: threshold transition, internal and exit, and before the entrance portal.

Автотранспорт тоннелларини ёритиш.

Мақолада автотранспортларни кўча йўл тармоқларида хатарсиз ҳаракатланиши тўғрисида бўлиб, бу иншоотлардан бири тоннеллардир ушбу иншоотларни ёритиш усуллари маълумотлари келтирилган.

В зависимости от характера движения (одностороннее или двустороннее) и интенсивности транспортного потока тоннели подразделяются на три класса по освещению в соответствии с табл. 1.

Таблица 1.

Классификация тоннелей по освещению

Движение	Одностороннее			Двустороннее		
	менее 500	500-1500	более 1500	менее 100	100-400	более 400
Интенсивность движения на одну полосу, ед/ч.						
Класс тоннеля	1	2	3	1	2	3

Примечание. При наличии факторов, ухудшающих условия безопасности или комфортности движения в тоннеле (например, боковых въездов и вы-

ездов), класс тоннеля может быть повышен на одну ступень, за исключением класса 3.

Среднюю горизонтальную освещенность дорожного покрытия проезжей части городских транспортных тоннелей следует принимать по табл. 2.

Таблица 2.

Режим освещения	Средняя горизонтальная освещенность, лк, на расстоянии от начала въездного портала, м.					
	5	25	50	75	100	125 и более
Дневной:						
Для тоннелей длиной до 100м.	1000	750	500	200	60	-
Для тоннелей длиной > 100м.	1000	750	500	300	150	60
Вечерний и ночной	60	60	60	60	60	60

Для тоннелей длиной до 60 м. с прямолинейной трассой искусственное освещение следует проектировать по нормам для вечернего и ночного режима освещения.

В дневном режиме для облегчения зрительной адаптации водителей должен быть обеспечен плавный переход от естественного освещения при въезде в тоннель к существенно более низкому искусственному освещению основной части тоннеля, а также обратный переход при выезде из него. С этой целью в тоннеле выделяют четыре яркостные зоны: пороговую переходную, внутреннюю и выездную, а перед въездным порталом – подъездную зону в соответствии с рисунком (рис. 1)

Яркостный режим и длину каждой зоны назначают с учетом проектной скорости и интенсивности движения транспорта, длины тоннеля, его кривизны в плане и профиле, ориентации выездного портала относительно сторон света и условий его обзора (рис. 2)




Рис.1. Яркостные зоны тоннеля в дневном режиме

Значение яркости адаптации в подъездной зоне тоннеля L_{20} определяется для условий, наихудших с точки зрения переадаптации, т.е. для яркого солнечного дня. Для существующего тоннеля (например, при его реконструкции) значение L_{20} может быть получено путем фотометрирования въездного портала при указанных условиях с помощью яркомера, имеющего 20 – градусное поле измерения.


При отсутствии экспериментальных исходных данных для нахождения значения L_{20} рекомендуется пользоваться формулой.

$$L_{20} = K_c L_c + K_r L_r K_e L_e,$$

где K_c , K_r и K_e – доли площади соответственно небосвода, дорожного полотна и окружения портала в поле адаптации; L_c , L_r и L_e – их средние яркости, ориентировочные значения которых приведены в таблице 3 в зависимости от

ориентации въездного портала относительно сторон света.

а)



б)




Рис. 2: а – вид на въездной портал с расстояния безопасного торможения; б – изменение уровня освещенности по длине тоннеля: I – подъездная зона; II – пороговая зона; III – IV – основная зона; V – выездная зона; 1 – солнцезащитные экраны; 2 – тоннель; 3 – направление движения автомобилей; 4 – предпортальная выемка. На рис. 2. а пунктирным кругом помечено 20 – градусное поле адаптации.

Таблица 3

Направление движения при въезде	Значения яркости участков поля адаптации, ккд/м ²		
	небосвод L_c	дорога L_r	Окружение L_e
На север	6	3	8
На восток или запад	12	4	6
На юг	16	5	4

Кривая продольного спада яркости дорожного покрытия переходной зоны L_x , выраженная в процентах относительно средней яркости дорожного покрытия первой половины пороговой зоны L_y , показанная на рис. 3, описывается формулой.

$$L_x / L_y = (3,6 d / v + 1.9)^{-1.4} 100,$$

где d – расстояние в глубь тоннеля от начала переходной зоны, м; v – скорость движения, км/ч.

В переходной зоне пунктиром показан пример ступенчатой аппроксимации этой кривой.

Длину пороговой зоны следует принимать

равной расстоянию безопасного торможения, определяемому дистанцией остановки согласно табл. 4.




Рис. 3. Кривая спада яркости дорожного покрытия

Таблица 4.

Расстояние безопасного торможения

Показатель	Проектная скорость движения, км/ч.				
	40	60	80	100	120
Расстояние безопасного торможения, м.	25	55	100	155	220

Отношение средней яркости дорожного покрытия L_y в первой половине пороговой зоны тоннеля к яркости адаптации в подъездной зоне тоннеля L_{20} должно быть не менее величин, указанных в табл. 5. Средняя яркость дорожного покрытия L_y на первой половине пороговой зоны тоннеля должна оставаться постоянной, а затем линейно спадать до 40% начального значения к концу этой зоны.

Таблица 5.

Нормируемые значения отношения средней яркости дорожного покрытия пороговой зоны тоннеля к яркости адаптации в подъездной зоне L_y / L_{20} , %

Класс тоннеля	Расстояние безопасного торможения, м.					
	60	80	100	120	140	160 и более
1	4,0	4,5	5,0	5,6	6,3	7,0
2	3,0	3,5	4,0	4,4	4,7	5,0
3	2,0	2,5	3,0	3,4	3,7	4,0

Ночной режим освещения следует предусматривать независимо от длины тоннеля. При этом средняя яркость дорожного покрытия по всей длине тоннеля должна быть постоянно и

УДК 691

АРХИТЕКТУРНАЯ КОМПОЗИЦИЯ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ

Товбоев Бахром Ҳабибуллаевич, Юсупов Жаҳонгир Марат ўғли
Джизакский Политехнический институт.

Мақолада автомобиль йўлларининг меъморий сифатлари ва бу сифатларнинг қандай мақсадларда қўлланилиши тўғрисида, йўлнинг меъморий бассейни ва чегаралари ва уларнинг таклифи эътиборга олинган энг қулай вари-

не ниже средней яркости участков улицы или дороги, примыкающих к въездному и выездному порталам. Рекомендуются, чтобы средняя яркость дорожного покрытия тоннелей класса 3 была не менее 2 кд/м², а класса 2 – не менее 1 кд/м².

Для предотвращения раздражающего монотонного мелькания ярких частей светильников (фликер – эффекта в автотранспортном тоннеле) шаг между светильниками в ряду должен быть не менее значений, указанных в табл. 6.

Таблица 6.

Минимально допустимый шаг между светильниками для предотвращения фликер – эффекта в автотранспортном тоннеле

Показатель	Скорость движения, км/ч.			
	60	80	100	120
Шаг между светильниками, м.	6,7	8,9	11,1	13,3

Принятые в нашей стране нормы средней горизонтальной освещенности горных автодорожных и городских автотранспортных тоннелей в уровне покрытия проезжей части представлены в табл. 7.

Таблица 7.

Режим освещения	Горизонтальная освещенность, лк, при расстоянии, м.									
	от въездного портала					от выездного портала				
	0	25	50	75	100 и более	100 и более	75	50	25	0
Дневной	750	600	400	200	30	30	100	150	250	400
Ночной	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30

Литература:

1. Градостроительный кодекс РФ.
2. Шукуров И.С., Луняков М.А., Халилов И.Р. Курсовое и дипломное проектирование по градостроительству. М.: Изд-во АСВ, 2015.
3. Шукуров И.С. Луняков М.А. Халилов И.Р. Организация инженерно-технического обустройства городских территорий (Учебное пособие), М.: Издательство АСВ, 2015
4. СП 31.13330 Водоснабжение Наружные сети и сооружения.
5. СП 58.13330 «Гидротехнические сооружения».

антлари, йўлларнинг кўндаланг ва бўйлама кесимларидаги ландшафти ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Автомобиль йўлларининг архитектурали сифати, йўлнинг архитектура бассейнилари, кўндаланг ва бўйлама кесимлари ландшафти, ҳаракатланишнинг қулайлиги, композиция, масштаблик ва акцентлар.

В статье описываются архитектурные особенности автомобильных дорог и способы их использования, границы архитектурных бассейнов дороги и их наиболее удобные варианты, ландшафт вдоль поперечного и продольного разрезов.

Ключевые слова: Архитектурное качество дорог, архитектурные бассейны дороги, ландшафт поперечных и продольных профилей, удобства движения, композиция, масштабность, акценты.

The article describes the architectural features of the highways and the manner in which these qualities are used, the limits of the architectural pools of the road, and their most convenient options, the landscape along the cross-sectional and longitudinal sections.

Keywords: Architectural quality of roads, architectural pools of the road, landscape of transverse and longitudinal sections, ease of movement, composition, scale, accents.

Большое влияние на безопасность и удобство движения оказывают архитектурные качества автомобильной дороги. Благоприятный ландшафт, плавная трасса и хорошие архитектурные качества дороги не вызывают переутомления водителей, тем самым способствуя предупреждению дорожно-транспортных происшествий. Под архитектурными качествами дороги понимается:

соблюдение требований к сочетанию элементов трассы в пространстве в отношении ее плавности и ясности направления для водителя, удобства и безопасности дорожного движения;

создание систем зрительных ориентиров, которые позволяют водителям предвидеть на большом расстоянии, в том числе за пределами видимости, изменение направления дороги и дорожных условий, выбрать безопасный режим движения;

вписывание дороги и всех ее элементов в ландшафт для улучшения удобства движения, раскрытия красоты окружающей местности;

дополнение и улучшение ландшафта озеленением, оборудованием и оформлением дороги.

Сочетание отдельных картин ландшафта в определенное единство – требует к себе большого внимания. Логичность и последовательность в развитии ландшафтных образов является основным средством координации путевых впечатлений, средством связывания их в образный рассказ о крае и природе района. Он же писал о необходимости выявления средствами дорожной архитектуры доминант и фона, как средств архитектурной организации пространства. Режим и безопасность движения автомобилей во многом зависят от того, какой воспринимает дорогу водитель, т.е. какова «визуальная среда». Длина дороги общего пользования вне города по сравнению с ее шириной практически бесконечно велика. Одновременное зрительное восприятие всей дороги невозможно. Поэтому целостное представление о дороге складыва-

ется из последовательных впечатлений, получаемых в процессе движения. В этих условиях требуется учитывать факторы перемещения точки зрения (вместе с автомобилем) и скорости ее передвижения. Возможно, что именно эти особенности затрудняли успешное и квалифицированное рассмотрение дорог, как объектов архитектурного проектирования.

Архитектура автомобильных дорог должна обеспечивать две цели: создание на всем протяжении дороги единого, цельного архитектурного ансамбля на фоне придорожного ландшафта; содействовать обеспечению безопасности и удобства движения.

Цели дорожной архитектуры обусловили возникновение основных ее разделов:

архитектурной композиции дороги;

пространственного трассирования;

ландшафтного проектирования, как комплекса принципов и методов вписывания дороги в ландшафт;

зрительного ориентирования (иногда называемого «оптическим трассированием»), как комплекса средств архитектуры, обеспечивающих безопасность и удобство вождения автомобиля;

благоустройства дорог, как комплекса мероприятий по обслуживанию в пути людей и автомобилей и оформлению дороги.

Любой объект архитектуры, в том числе на автомобильной дороге, должен выполнять две функции: идейно-художественную и утилитарно-практическую.

Композиция – построение целостного произведения, все элементы которого находятся во взаимосвязи и гармоническом единстве. Основу композиции составляет объемно-пространственная структура и тектоника объекта, отвечающая его назначению и конструкции. Основные средства композиции, обеспечивающие достижение соразмерности и гармонии – масштабность, ритм, контраст и нюанс, симметрия и асимметрия.

Масштабность – соразмерность всех форм доро-

ги по отношению к элементам придорожного ландшафта, размеров автомобиля – к элементам дороги, человека – к элементам «малых» архитектурных форм. На дорогах, охватывающих слишком узкую полосу, он будет больше единицы, а на широких, но с низкими боковыми ограничениями, показатель объемности K меньше единицы.

Показатель объемности вида дороги.

$$K_1 = \frac{(h_{\text{п}} + h_{\text{л}})(l_{\text{п}} + l_{\text{л}})}{1,53al} \quad (1)$$

где $l_{\text{д}}$ и $l_{\text{л}}$ – соответственно сумма длины боковых ограничений с правой и левой сторон дороги; $h_{\text{п}}$ и $h_{\text{л}}$ – средняя высота всех ограничений соответственно с правой и левой сторон дороги; a – ширина дорожной полосы (свободной от боковых ограничений видимости); l – длина бокового ограничения всего над дорожного пространства в видимой зоне дороги (глубины зоны), но не более 450 м.

В простейшем (и наиболее распространенном) случае высота боковых ограничений на горизонте равна нулю. В этом случае h равна средней высоте боковых ограничений на переднем плане. Влияние показателя объемности вида дороги на прямых в плане при малой интенсивности движения на скорость движения (в км/ч) определяется по формуле:

$$v_{\text{легк}} = 53 + 28,4K_1 - 7,7K_1^2 \quad (2)$$

$$v_{\text{груз}} = 43 + 16,2K_1 - 4K_1^2 \quad (3)$$

При проектировании дорог в расчете на свободный режим движения расстояние видимости должно быть не меньше расстояния до зоны концентрации внимания водителя, которой определяется по формуле расстояния оптимальной видимости (в м):

$$L = 1,5 + 4,3v \quad (4)$$

где v – скорость движения км/ч.

Это та видимость, которая необходима в пределах архитектурного бассейна, и то расстояние, с которого должны быть видны здания и сооружения благоустройства дороги. До какого-то предела нарастание контраста между частями целого по форме, цвету или размеру усиливает активное движение к композиционному центру. Чрезмерный же контраст приводит к разрушению единства и распаду элементов формы. При разработке композиции объекта, связанного с движением, например, дороги стремятся к динамическому равновесию, качеству композиции, построенной по принципу асимметрии и создающей впечатление направленного движения элементов в границах целого. Особое место в архитектуре дороги занимают крупные населенные пункты, по которым или в обход которых проложена дорога,

крупные мостовые переходы, перевальные участки, конечные пункты дорог. В зависимости от протяжения и выразительности их ландшафта они могут составить самостоятельный архитектурный бассейн, или служить доминантами и центрами композиции бассейна.

Границы архитектурного бассейна должны совпадать с наиболее заметными выпуклыми переломами продольного профиля, чтобы значительная часть бассейна была видна с его повышенных краев. Границами архитектурных бассейнов могут быть не только заметные вертикальные кривые, но и населенные пункты, границы ландшафтов, характерные повороты в плане, совмещенные со зрительно выделяющимся ориентиром (акцентом).

В пределах ландшафта одного бассейна различают однородный фон и выделяющиеся на этом фоне акценты, привлекающие к себе внимание. Отнесение одного и того же элемента ландшафта к фону или акценту зависит главным образом от того, как часто этот элемент повторяется, и насколько резко он отличается от подобных ему соседних элементов. Заметим, что любой элемент необычной формы, расцветки или размера не производит впечатления сам по себе – он должен быть подчеркнут, выделен (акцентирован) другими элементами.

Акценты на дороге могут быть двух видов. В одном случае они разграничивают архитектурные бассейны между собой, находясь на краю бассейна, а в другом они же могут быть доминантами, резко выделяясь (доминируя) на общем однородном фоне внутри бассейна. В зависимости от влияния различных факторов время движения в границах одного архитектурного бассейна можно допустить в пределах 3-5 мин. Рекомендуется следующее оптимальное протяжение архитектурных бассейнов:

Категория дороги	I	II и III	IV и V
Протяжение архитектурного бассейна, км	10 – 16	8 – 10	6 – 8

Одной из важнейших задач обследования автомобильных дорог является разработка мероприятий по улучшению придорожного ландшафта. С архитектурной и информационной точек зрения важно четкое оформление въезда в город, которое должно быть видимым издали. Комплексное обследование архитектурных качеств дорог и уровня обслуживания проезжающих позволяет разрабатывать наиболее эффективные мероприятия по повышению удобства движения, а также качества обслуживания проезжающих.

Литература:

1. Содиков И.С., Азизов К.Х., Артиков А.А.

«Благоустройства и обустройства автомобильных дорог». Учебник., 2010 г. 333 стр.

2. AASHTO "Geometric Design of Highways and Streets"

3. AASHTO "Roadside Design Guide", 2002.

4. МКН 23-2008 «Указание по разметке автомо-

бильных дорог», Автодорожный научно-исследовательский институт ГАК «Узавтоу», Т., 2008 г., 262 стр.

5. МШН 33-2008 Указания по благоустройству и озеленению автомобильных дорог. Ташкент 2008 г. 145 стр.

УДК: 72.036

ТАРИХИЙ ШАҲАР ҚИСМИДАГИ МАҲАЛЛА ТУРАРЖОЙ УЙЛАРИНИ САҚЛАШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (САМАРҚАНД МИСОЛИДА)

Айматов Анварбек, Anvarbek.aymatov@mail.ru, tel. 97 287 60 01
Samarqand davlatarxitektura-qurilish institute (Uzbekistan)

Мақола Самарқанд шаҳри тарихий қисмларини сақлаш, қайта тиклаш ва турар жой биноларини барқарор ривожлантириш муаммоларига бағишланади.

Калит сўзлар: Сақлаш, қайт тиклаш, турар жой уйлари, қимматлилик, ҳажмий, фазовий, компонент, комплекс, ечим, дастур

Проблемы по изучению и решению сохранение и реконструкции старых жилых домов

В данной статье рассматриваются проблемы по сохранению исторической части города Самарканда, реконструкции и устойчивому развитию старых жилых домов.

Ключевые слова: сохранение, реконструкция, жилые дома, ценность, объем, пространственный, компонент, решение, программа

Problems in restoration and reconstruction of historical living houses and their solution

This article studies the problems of restoration historical parts of Samarkand and its living houses, their reconstruction and sustainable development.

Key words: restoration, reconstruction, living houses, value, volume, spatial, component, solution, program.

Кириш. Анъанавий халқ тураржойларининг турли жиҳатларини тадқиқ қилиш тарихнинг қизиқарли саҳифаларидан биридир. Бизгача етиб келган. XIX-XX аср тураржой меъморчилиги намуналари шаҳарнинг у ёки бу маҳалласидаги ҳар бир уйнинг функционал-режавий ечимлари, интерьерлар ва экстерьерлари, ҳовлиларни ободонлаштиришнинг шаклланишига бўлган ўзига хос ёндошувни ақс эттиради.

Ҳукуматимиз ташаббусига кўра Эски шаҳарларни тарихий қисмини қайта тиклаш бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари охириги йилларнинг характерли хусусиятидир. Унинг асосини меъморий ва тарихий меросга, бугунги кун ва ўтмишнинг муваффақиятли уйғунлашувига эришишга бўлган эҳтиёткор муносабат ташкил қилади.

Бироқ кўп йиллик шаҳарсозлик ўзгаришлари жараёнида Самарқанднинг эски шаҳар қисми туб ўзгаришларга дуч келди. Тарихий қийматга эга тураржой уйларнинг ярмидан кўпи йўқ бўлиб кетди, баъзи тарихий ва маданий ёдгорликлар бузиб ташланди, тарихий-меъморий ёдгорликларнинг муҳофаза ҳудудларининг функционал ва композицион тузилишларига путур етди, натижада қадим режавий тузилишида радикал ўзгартиришлар рўй берди. Буларнинг ҳаммасига сабаб, тарихий бинолар ўз даврини яшаб бўлган деб ҳисоблаш, бу ердаги туб ўзгартишларни назарда тутилган ҳолда тарихий

тураржойлар, гузарларни бузиб ташлаш, кўча ва берк кўчаларни қайта тиклаш; эски шаҳар ҳудудига кўп қаватли бинолар қуришга руҳсат бериш бўлди.

Аммо ҳозирги вақтда қадимги тарихий меросини, айниқса меъморий-шаҳарсозлик соҳаларида қайта баҳолаш рўй берди. Аниқ худуднинг қайта тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой массивини унинг тарихий ривожланиш анъаналари ва қонуниятларини, меъморий ёдгорликлар, тураржой бинолари ва ландшафт режавий тузилиши, фазовий системасининг қийматини белгилаш инobatга олинган ҳолда мукамал тадқиқ қилиш асосида амалга ошириш зарур деб топилди. Тарихий меросни муҳофаза қилиш методларини комплекс ҳал қилиш учун тарихчилар, археологлар, санъатшунослар ва бошқа мутахассисларнинг иштироки зарур бўлди.


Бу долзарб муаммонинг жиҳатлари жуда кенг бўлиб, у маҳалла фазовий муҳитини бир бутун яхлитликда ташкил қилишдан бошлаб, берилган худудни қайта тиклаш ва ободонлаштиришгача бўлган ишлардир. Бу муаммони ҳал қилишда маҳаллани замонавий қайта тиклаш, ҳамда ундаги хонадонлар модернизациясини ҳисобга олиш муҳимдир.

Эски шаҳар тарихий қисми тураржой фондини қайта тиклаш муаммосининг жиддийлиги ва долзарблиги шундаки, микдорий жиҳатдан

бу, сўнги ўрта асрлар ва хонликлар даврида яратилган анъанавий уйлар ва мажмуалар, сақлаган, тарихан шаклланган шаҳарлар маркази ва тарихий кенг худудлардир. Техник-муҳандислик ҳолати (хом ғишт билан тўлдирилган ёғоч синчли, қисман пахсали ёки деворлари хом ғишдан иборат шаҳарнинг тарихий қисмини қайта тиклаш) нуқтаи назаридан эса – бу деярли замонавийлаштириш мумкин бўлмаган кучли амортизацияланган тураржой фондидир.

Инсоннинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасини регионал ёндошув орқали аниқлаб, сақланиб қолган анъанавий кам қаватли тураржойларнинг шаклланишидаги баъзи анъанавий тамойилларнинг изчиллиги, тарихий қисм худудларининг комплекс лойиҳаолди илмий-тадқиқотлари натижасида аниқланган қимматли сифатларини инобатга олиш, шунингдек тарихий шаҳарларни қайта тиклашда тарихий шаклланган шаҳар муҳитининг замонавий масштаби, композициявий параметрларига аста-секин ўтиш, буларнинг мантикий фикр ва мақсадга мувофиқлигини эътироф этиш, тураржойлар ва мажмуаларни янгилашга бўлган талабнинг табақалаштирилган ёндошувига заруратни юзага келтиради. Куйида келтириляётган мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

Асосий қисм. Самарқанд шаҳри Боғимайдон №1 ва Боғимайдон №2 маҳалла тураржойлари ва унинг марказлари аҳолисининг замонавий уйларга қизиқиши ва тушунмасдан ўзбошимчалик билан қурган тураржой ва маиший хизмат бинолари маҳалланинг тарихийлиги ва анъанавийлигини бир мунча бузган “1 расм”.



1 расм Боғимайдон №1, №2 маҳалла тураржойлари ва унинг марказларини қимматлилигини аниқлаш схемаси

Самарқанд шаҳри Сузангарон кўчасидаги Иброҳим Хўжа (XIX аср охири) масжиди ва Хўжа Нисбаттор ва Муғомбир ота маҳалла марказларида мустақилликнинг 2012-2014 йилларида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Маҳаллий оқсоқолларнинг айтишларича, таъмирлашга бўлган вақт давомида масжидда нонвойхона жойлашган, натижада марказий устун деярли куйиб кетган. Масжиднинг жануби-ғарбий бурчагига хужра тақалиб туради. Дастлабки ҳолатини деярли йўқотиб

бўлган. Кириш йўлида равоқларгина сақланиб қолган. Таҳоратахона бузилиб кетган, У масжиддан бироз четда жойлашган бўлиб, гумбаз билан ёпилган, ичида сув тўлдирилган ховуз бўлган. Ховуз атрофига ибодатга келганлар жойлашишган ва номоз олдида таҳорат олишган.

Сўзангарон кўчасининг нариги томонида ховуз ва чойхона бор. Ховуз масжид қурилиш билан бир вақтда бунёд этилган. Ҳозирга вақтда у фойдаланилмоқда. Дастлабки ҳолатининг йўқотилиш даражаси 50%ни ташкил қилади. Маҳаллаларнинг кесиб ўтувчи Сўзангарон кўчасининг икки томонида жойлашга асосан икки қаватли чўпқорили турар жой уйлари бугунги кунгача Самарқанд шаҳрида тарихий меросни сақлаш муассасаси ва ЮНЕСКО тасаруфига кирган тураржой бинолари сақланиб турилибди, аммо яшаш шароитлари йўқ ва баъзиларида инсонларнинг фаолияти бутунлай тўхтатилган. Бино таъмирталаб ва йиқилиш арафасида. “2 расм”.



2-расм Сўзангарон кўчасида жойлашган анъанавий тураржой биноси (ЮНЕСКО томонидан қисми қайта тикланган) Эргашбой уйи.

Маҳаллаларининг ёмон сақланганлиги ва ўзбошимчалик билан қайта тиклашга мисоллар шунчалик кўпки, уларни битта тадқиқот ҳисобига сиғдириб бўлмайди. Фойдаланиш ва ишлатилишга яроқли бўлганларини санаб ўтиш анча осон туюлади. Лекин улар ҳам таъмир ва қайта тиклашга муҳтож. Буларнинг барчаси сақланиб қолган меъморчилик мажмуаларининг сони ва жисмоний ҳолатининг ёмонлашиш тенденцияси туғрисида ўйлашга мажбур қилади. Лекин дастлабки сифатларининг йўқотилишига қарамасдан тарихдан шаклланган кичик маҳалла марказлари барчанинг эътиборини тортади, чунки улар жамоатчилик талабларига жавоб беради.

Маҳаллаларнинг замонавий шаклланиш йўллари устида ўтказилган таҳлил натижасида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги

талабга жавоб бермайди. Аввало бу талаблар архитектура шаҳарсозлик ва функционал хусусиятлар бўлиб, улар худудлар ва маҳаллий ижтимоий-маиший шароитларда инobatга олинмаган, бу нарса пировард натижада ўзбошимчалик билан тураржой ва жамоат биноларини куриб олишга олиб келади. Уларда архитектура меросининг деградацияси кузатилади, улар куйидагилардан иборат:

1) тарихдан юзага келган маҳалла ва унинг марказларида – ёдгорликнинг ҳаётий муҳитдан ажралиб қолиши (бунда ундан фақатгина хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш); на тураржойнинг архитектура-бадий, на макондаги структурасига мос келмайдиган ҳолда фаол ва тартибсиз фойдаланиш;

2) замонавий курилиш ва лойиҳалаш амалиётида – миллий меъморчилик анъаналаридан бутунлай воз кечиш; архитектура меросидан нотўғри фойдаланиш, қадимий архитектура усулларидан нусха олиш; намунали лойиҳаларда ҳалқ меъморчилигига хос деталлардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, мавжуд тураржойлар ва унинг марказларини қайта тиклаш ва янгиларини куриш соҳасида юзага келган вазият лойиҳалаштиришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади, у тадқиқот давомида аниқланган тарихий мероснинг архитектуравий композицион, шаҳарсозлик ва функционал анъаналарини инobatга олиши ва керак бўлса ривожлантирилши шарт.

Олдимизда ўтмиш малакаси ҳамда қайта тиклаш ечимлари ва шаҳарсозлик лойиҳаларини ўзида мужассам этган ягона умумлашган назария модели яратиш вазифаси турибди. Ушбу вазифанинг ечими остида маҳаллаларнинг архитектуравий-режавий ривожлантириш концепцияси ётади.

Бунда архитектуравий-режавий тизим, маҳаллалар ва улар марказларининг асосий компонентлари аниқланиши керак. Яъни бунга композиция, ҳажмий фазовий ўлчамлар, функционал худудлаштириш кабилар киради.

Маҳаллалар, унинг марказлари қолаверса тураржойларини оқилона ташкил этиш усулларини топиш учун авваламбор уларнинг йўқотилган композицион-фазовий, режавий элементларни тиклаган ҳолда келажак авлодга етказиш керак. Буларнинг барчаси илмий тадқиқот усулларида ўз аксини топади.

Аммо, тарихий маҳаллаларини йўқотилган аҳамиятга молик жиҳатларини тикланган тарихий қисмларини қўриқлаш ва муҳофаза худудлари ҳақида гап кетганда қайта тиклаш юқорида келтирилган омиллар, ўзгартиришлар ва қўшимча алоҳида изланишларсиз амалга ошмайди. Бу борада ТАҚИ профессори А.М.Салимовнинг тарихий шаҳар ва тарихий обидаларнинг муҳофаза худудларига бағишланган ил-

мий асарлари мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, тарихий обидаларни асраш, айниқса ҳаётий жараёндаги маълум ажралмас қисмларини жамият структурасидан чиқмаган ҳолда, сақланаётган объектни ҳаётий тизимга боғлаш билан амалга оширилади. Ҳар қандай инсонни жамоавий кадр-қимматга эга бўлган маданий обидаларнинг вайронага айланиши бефарқ қолдирмайди. Ўз қийматини юқотган маданий объект учун вайронага айланиши одатий ҳол. Аксинча маданий объектнинг бошланғич функциялари ва жамият эҳтиёжларига мос келмайдиган ҳолда ноўрин фаол фойдаланиш бундан ҳам ачинарли аҳволдир. Бундан куйидаги шартлар келиб чиқади:

-замонавий талаблар обиданинг бошланғич композицион-фазовий, режавий, конструктив ва архитектуравий бадий тузилишига таъсир қилмаслиги лозим.

-янги функционал белгилар маҳаллалар замонавий муҳитига қўшилишига, маданий-эстетик қийматга мос келиши керак. У маҳаллий аҳоли турмуши ва маданияти, ҳамда ижтимоий ҳаёт тизими билан боғлиқ бўлиши керак.

Кўриниб турганидек, ушбу ҳолатда тураржой бинолардан оқилона фойдаланиш муаммоси биринчи ўринда туради. Фаол илмий изланиш натижасида объектнинг моҳияти кенг оммага намоён бўлиши керак.

Бу муаммони ечиш замирида замонавий ин-формацион қидирув системалари ва лойиҳалашнинг компьютерлашган методлари ва воситаларидан фойдаланиш ётади.

Ижтимоий буюртма асосида сақлаш ва қайта тиклаш мақсадларини аниқлаш. Яъни, маҳаллалар анъанавий функцияларини тадбиқ этиш, уларнинг бирламчи маданий-марифий жиҳатларини қайта тиклаш. Ижтимоий эҳтиёж биринчи босқичда – жисмоний параметрлар (майдон, ҳажм, ўринлар сони ва маиший хизмат); иккинчи босқичда – эстетик хусусиятлар мажмуаси (композиция, бутунлик, яхлитлик ва ҳ.з.) орқали аниқланади.

Маҳалла марказларининг энг оқилона режавий тизими вазифаларнинг кўпайиши, режавий ўлчамли, таъсир доираси, хизмат кўрсатаётган маҳаллалар сони, уларнинг аҳоли фойдаланиши ва ҳ.з.ларнинг ривожланиши билан аниқланади.

Иккинчи босқич – галдаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда эскиз ва брошюралар тайёрлаш. Эскизларда ҳосил бўлган муаммоларни акс этишдан ташқари ҳом таклиф чизмалар ва фотосуръатлар ташкил топиши мумкин. Ушбу эскизлар орасидан сўров натижалари орқали танланганлари асосида тўласинч қайта тиклаш лойиҳаси устида ишлаш бошланади.

Шаҳарларнинг тарихий қисми ва худудларини талабларга мувофиқ замонавий қайта тиклаш узлуксиз жараёндир, у янгидан-янги йўналишлар, стратегияларни келтириб чиқара-

ди. Унда лойихаолди илмий-тадқиқотларини ўтказиш, тўпланган бой тажрибаларни умумлаштириш, экспериментал лойиҳалашни бажариш, халқаро танловлар ташкил қилиш ҳамда шаҳар марказининг стратегик бош режасини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатилди.

Шундан келиб чиқиб, маҳалла марказлари ва шаҳарнинг тарихий кўчаларини, анъанавий тураржой биноларини тўлиқ ягона ечимга олиб келиш учун уларни комплекс архитектуравий-функционал модернизациялашни куйидаги босқичларда бажариш таклиф этиш мумкин.

Модернизациянинг биринчи босқичида авваломбор бино ёки иншоотнинг атроф муҳит билан мутаносиблиги, меъморий обидалар билан яқинлиги (бинонинг яққа ҳолати, жойлашиши, функцияси) инobatга олинди. Унда жамоат бинолари, савдо комплекслари шаҳарнинг тарихий ҳудудида жойлашиб, меъморий обидаларнинг кўркини, маҳалла ансамблларининг композицион масштабини бузмаслиги, ҳар бир бинони маҳалла ансамблларига мослаштириб, шу маҳалла биноларига мутаносиб жойлаштириш талаб этилади.

Иккинчи босқич модернизация ишларига маҳалланинг тураржой биноларини қайта тиклаш киради. Бу меъморий обидаларнинг реставрацияси, боғлар ва истироҳат боғлари, санъат элементлари ва тарихий қимматга эга бўлган турар жойлар модернизациясидир.

Хулоса. Олинган натижа, хулоса ва тавсиялар асосида лойиҳачилар ва илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассислар учун тарихий шаҳарларни қайта тиклаш ва лойиҳалаш борасида куйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди: аҳолининг яшаш тарзи, ота-она ва фарзандлар турмушидаги оила муносабатлари, уч авлодлик оила феноменини ҳисобга олиш; анъанавий тураржойларни қайта қуришда тарихий шаклланган маҳалла ижтимоий институти, аҳолининг бир-бирига амалий ва маънавий ёрдами, биродарчилик, қўшничилик, ҳашар анъаналарини эътиборга олиш; анъанавий халқ уйлари қайта қуришда дарвозахона, долон, очик ҳовли, ҳовли-боғ, чорпоя, айвон, пешайвон, даҳлиз ва хоналар каби структуравий тузилишни эътиборга олиш; анъанавий тураржойларни шакллантиришда периметриал ёпик ҳовли феномени “бошланғич эмбрион” ролини

